

SHARQSHUNOSIK
ВОСТОКОВЕДЕНИЕ
ORIENTAL STUDIES

1

2021

ILMIY JURNAL
ISSN 2181-8096



SHARQSHUNOSLIK
ВОСТОКОВЕДЕНИЕ
ORIENTAL STUDIES

TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK UNIVERSITETI ILMIY JURNALI

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
УНИВЕРСИТЕТА ВОСТОКОВЕДЕНИЯ

SCIENTIFIC JOURNAL OF THE TASHKENT STATE UNIVERSITY
OF ORIENTAL STUDIES

№ 1, 2021



Журнал Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси
рўйхатидан қайта ўтган (№ 02-0053, 26.09.2014 й.) – ISSN 2181 – 8096

Бош муҳаррир – Рихсиева Гулчехра Шавкатовна
филология фанлари номзоди, доцент

Таҳрир хайъати

Н. Абдуллаев	<i>сиёсий фанлар номзоди, доцент (бош муҳаррир ўринбосари)</i>
Д. Мухиддинова	<i>филология фанлари доктори (масъул котиб)</i>
А. Маннонов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Р. Ходжаева	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
А. Қуронбеков	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Ш. Шомусаров	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Қ. Омонов	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
У. Мухимова	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
Х. Хамидов	<i>филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)</i>
Б. Абдуҳалимов	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
А. Ходжаев	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
М. Исҳоқов	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
А. Донӣров	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
Х. Файзиёв	<i>тарих фанлари номзоди, доцент</i>
Р. Жумаев	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
У. Идилов	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
Ш. Ёвқочев	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
А. Ваҳобов	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
Р. Абдуллаев	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
И. Мавланов	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
Д. Пўлатова	<i>фалсафа фанлари номзоди, профессор</i>
Р. Баҳодиров	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
Э. Иззетова	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
Г. Глизон	<i>АҚШнинг New Mexico университети профессори</i>
А. Шоназарова	<i>АҚШнинг Колумбия университети профессори</i>
Оно Масаки	<i>Япониянинг Цукуба университети профессори</i>
Ли Джи Ин	<i>Корея Республикасининг Ханкук чет тиллар университети профессори</i>
В. Месамад	<i>Исроилнинг Қуддус университети профессори</i>
А. Гурер	<i>Туркиянинг Анқара университети профессори</i>
А. Воробьев	<i>Россия Фанлар академияси, Шарқшунослик институти катта илмий ходими</i>
Г. Авда	<i>Миср Араб Республикасининг Хелвон университети профессори</i>
А. Тоҳир	<i>Миср Араб Республикасининг “Ал-Ҳивар” сиёсий тадқиқотлар маркази директори</i>
Ли Синьвэй	<i>Хитой Ҳалқ Республикасининг Шэньси университети профессори</i>
Х. Байдемир	<i>Туркиянинг Отатурк университети профессори</i>

Нашрга тайёрловчилар:

Ж. Исмоилов, А. Зиёдов, Ш. Аскарлова, Л. Хамдамзода, Ҳ. Сулаймонова

Журнал докторлик диссертациялари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши
лозим бўлган илмий нашрлар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Олий
Аттестация Комиссияси томонидан киритилган.

e-mail: nashriyot@tsuos.uz

web-site: www.tsuos.uz

**МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS****АДАБИЁТШУНОСЛИК // ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ //
LITERATURE STUDIES**

- Аҳмедова Ш.* Бирлашган Араб Амирликлари ҳикоянавислигида янги бадий услубий тамойиллар 4
- Кайимов М.* Духовная гармония между Навои и Бухаром..... 13
- Шамотина Э.* Прецедентный феномен китайских народных сказок 23

ТИЛШУНОСЛИК // ЯЗЫКОЗНАНИЕ // LINGUISTICS

- Алимова Х.* Дарий тилшунослигида сўз ясалиши тадқиқи масалалари 32
- Азимджанова Д.* Употребления глагольных синонимов в персидском языке..... 48
- Абдухамидова Д.* Япон тилидаги қариндош-уруғчиликка оид бирликларни ўрганишдаги ёндашувлар 60
- Мустафаева С.* Ҳозирги хитой ва япон талларида Мин даври кишилик олмошларининг қўлланиши 69
- Мухамеджанова Ш.* Ҳозирги хитой тили неологизмлари ясалишида «族 zú» аффиксининг роли 79
- Исомиддинова Т.* Ҳиндий тилида соматик фразеологизмларнинг семантик таҳлили 86

**МАНБАШУНОСЛИК ВА ТАРИХШУНОСЛИК // ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ
И ИСТОРИОГРАФИЯ // SOURCE STUDIES AND HISTORIOGRAPHY**

- Шадманова С., Эгамбердиев А.* Усманийлар давлати тарихи Туркистон матбуотида ёритилиши (XIX аср охири – XX аср бошлари) 96
- Раджабова Д.* Вопросы истории Средной Азии в научном наследии российского востоковеда П.И.Лерха..... 105

**ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР // МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ //
INTERNATIONAL RELATIONS**

- Идиоров У.* Ўзбекистонда демократия ғоялари ва кадрятларини ривожлантиришнинг замонавий стратегик йўналишлари 115
- Абдуллаев Н.* Основные тенденции в политической трансформации Сирии 127
- Акмалов Ш.* Особенности системы образования Исламской Республики Иран: состояние и перспективы развития 132
- Соипов З.* Пандемия даврида АҚШ ва Хитойнинг Марказий Осиё майдонидаги халқаро муносабатлари 141
- Салайдинов Б.* Марказий Осиёдаги интеграцион жараёнлар: давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик масалалари 153

ФАЛСАФА // ФИЛОСОФИЯ // PHILOSOPHY

- Иззетова Э.* Философское осмысление символа и символического мировосприятия как основы эстетической культуры Китая 166
- Ахмедова С.* Эволюция проблем познания и истины в индийской философии 181



АДАБИЁТШУНОСЛИК // ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ // LITERARY STUDY

АҲМЕДОВА ШАҲЛО

филология фанлари номзоди. ТДШУ

Бирлашган Араб Амирликлари ҳикоянавислигида янги бадий услубий тамойиллар

Аннотация. Бирлашган Араб Амирликлари ўрта аср араб адабиёти ўрнига келган замонавий турдаги ўз адабиёти жуда кеч, яъни XX асрнинг 70-йилларида пайдо бўлган Араб мамлакатлари сирасига киради. Шунга қарамасдан, аксарияти ахлоқ, панд-насиҳат берувчи сентиментализм ва романтизмнинг бадий тамойилларига асосланган илк амирликнинг ҳикоялари ичида етук реализм намунаси бўлганлари ҳам (Муҳаммад Мурр ижодида) ва ҳаттоки, модернизм (Абдуллоҳ Мирр ижодида) каби ҳикоялар ҳам учрайди. 1980-йилларда Амирликлар адабиётида реалистик йўналиш барқарор ривожланган даврда аксарият ҳикоянавислар модернизм эстетикасига мурожаат этдилар. Улар ўз ҳикояларида объектив реаллик тасвиридан ёрқин ифодаланган сюжетдан воз кечиб, ўзига хос субъектив акс этган онгнинг ички ҳолатига ўз эътиборларини қаратишган. Бунда баъзи бир олимлар (Мирям Жума Фараж, Суад Арими, Хараб Захейри, Салма Матар Сайф) араб шеърятига хос бўлган метафора ва қиёслаш, ўзига хос лексик-синтактик конструкцияларга тўйинган асарнинг мураккаблашган тилидан фойдаландилар. Натижада, араб адабиётишунослигида “шеърӣ модернизм” номини олган ўзига хос услубни вужудга келтирдилар. Бундан ташқари, мазкур даврдаги баъзи амирликлар ҳикояларида магик реализмнинг унсурлари (Абулҳамид Аҳмад Абдулҳамид ва Салма Матар Сайф ижодида), абсурд эстетикаси (Забийи Хамис ижодида) ва постмодернистик пародаси (Салма Матар Сайф ижодида) кузатиш мумкин.

Амирлик ҳикоянавислари асарларининг мавзулари БАА жамиятининг ҳам реалӣ, ҳам муаммоларини қамраб олиш билан бир қаторда умумбаширий фалсафий муаммоларни ҳам ўз ичига киритган (Басема Юнус ва Жума Феруз ижодида). Баъзи бир асосий мавзулар, яъни хориждаги меҳнат муҳожирлиги ва тарихга айланаётган анъанавий турмуш тарзини қўмсаши БАА ҳикоянавислигини Форс кўрфази бошиқа араб мамлакатларининг адабиётларига яқинлаштириши баробарида замонавий араб адабиёти контекстида ўзига хослик касб этади.

Таянч сўз ва иборалар: Бирлашган Араб Амирликлари, “шеърӣ модернизм”, араб адабиёти, ҳикоя, услуб, сеҳрли реализм, онг оқими, постмодернизм, сентаментализм.

Аннотация. Объединенные Арабские Эмираты относятся к числу тех арабских стран, в которых собственная литература современного типа, пришедшая на смену средневековому арабскому адабу, появилась довольно поздно-лишь в 70-е годы XX в. Тем не менее уже среди самых ранних эмиратских рассказов, подавляющее большинство которых базировалось на художественных принципах нравоучительного сентиментализма и романтизма, встречались рассказы, представляющие собой образцы зрелого реализма (в творчестве Мухаммеда аль-Мурра) и даже модернизма (в творчестве



Абдаллаха аль-Мирри). В 1980-е годы при устойчивом развитии в эмиратской литературе реалистического направления многие новеллисты обращаются и к эстетике модернизма, отказываясь в своих рассказах от изображения объективной реальности, выраженной сюжетности и сосредоточиваясь на “внутренних” состояниях сознания, в котором объективная реальность получает причудливое, субъективное преломление. При этом некоторые авторы (Мирям Джума Фарадж, Суад аль-Арими, Хариб аз-Захери, Сальма Матар Сейф) используют усложненный язык повествования, насыщенный свойственными арабской поэзии сравнениями и метафорами, витиеватыми лексико-семантическими конструкциями, воспроизводя, таким образом, специфический стиль, получивший у арабистов-литературоведов название “поэтический модернизм”. Также в некоторых эмиратских рассказах этого периода можно наблюдать черты магического реализма (в творчестве Абд аль-Хамида Ахмеда Абд аль-Хамида и Сальмы Матар Сейф), эстетики абсурда (в творчестве Забийи Хамис) и постмодернистской пародии (в творчестве Сальмы Матар Сейф). Тематика произведений эмиратских новеллистов охватывает как реалии и проблемы эмиратского общества, так и общечеловеческие, философские проблемы (в частности, в творчестве Басемы Йунус и Джума аль-Фейруз). Некоторые ключевые темы, такие как трудовая иммиграция из-за рубежа и ностальгия по уходящему в прошлое традиционному жизненному укладу, роднят эмиратскую новеллистику с литературой других арабских стран Персидского залива и одновременно придают ей своеобразие в контексте современной арабской литературы в целом.

Опорные слова и выражения: Объединенные Арабские Эмираты, арабская литература, “поэтический модернизм”, рассказ, метод, магический реализм, поток сознания, постмодернизм, сентиментализм.

Abstract. *The United Arab Emirates are one of those Arabic countries where national literature of modern type – which replaced Arabic medieval adab–came into existence as late as in the 1970s. Nevertheless, among the earliest Emirati short – stories, most of which were based on the principles of moralizing sentimentalism and romanticism, one could find samples of mature realism (in Muhammad al – Murr’s writings) and even of modernism (in Abdullah al – Mirri’s writings). In the 1980s along with the steady development of the realistic trend in Emirati fiction, many writers turned to the aesthetics of modernism by abandoning in their works the idea of objective, reality, as well as clear plots, and concentrating instead on “internal” states of the mind, in which the objective reality is odd, subjectively transformed. Moreover, some writers (Miryam Jum’a Faraj, Su’ad al – Arimi, Harib al – Zahiri, Salma Matar Sayf) used a complicated language of narration, full of similes and metaphors typical for Arabic poetry, as well as ornate lexical – syntactical constructions, reproducing thus a specific style, which was named by scholars of Arabic literature “poetic modernism”. Besides, in some Emirati short – stories of that time, one can find features of magic realism (in Abd al – Hamid Ahmad Abd al – Hamid’s and Salma Matar Sayf’s works), absurdism (in Zabiyya Khamis’s works) and post – modernist parody (in Salma Matar Sayf’s works). The themes of Emirati short – stories embrace Emirati local realities and problems, as well as general human and philosophic subjects (in particular, in Basima Yunis’s and Jum’a al – Fayruz’s writings).*

Keywords and expressions: *the United Arab Emirates, Arabic literature, “poetic modernism”, story, method, magical realism, stream of consciousness, postmodernism, sentimentalism.*



Бирлашган Араб Амирликлари ўрта аср араб адабиёти ўрнига келган замонавий турдаги ўз адабиёти жуда кеч, яъни XX асрнинг 70-йилларида пайдо бўлган Араб мамлакатлари сирасига киради. Форс кўрфази амирликлари давлатчиликка эга бўлиш арафасидагина (1971) ўша пайтда Миср олий таълим муассасаларида таълим олаётган баъзи бир ёш амирликлар Миср нашрларида ҳикоя жанрига типологик жиҳатдан яқин бўлган ўзларининг илк асарларини нашр этдилар. 1970-йиллар бошида Бирлашган Араб Амирликларида ўрта ва олий таълимнинг замонавий тизими шакллана бошлади, ўз нашрлари ривожланди, бу эса, ёзувчи ёшлар доирасининг кенгайишига кўмаклашиб, миллий публицистика ва бадиий насрнинг барқарор ривожланиши учун асос яратди.

1970-80 йилларда ҳикоялар ёзишни бошлаган амирлик ёзувчилари ижоди ҳақида сўз юритилар экан, амирлик бадиий насрининг тадқиқотчиси бўлган Али Муҳаммад Рашид уларни амирлик ҳикоянависларининг “биринчи авлоди” деб номлайди¹. Мазкур ёзувчиларнинг аксариятининг ҳикоялари “Биз барчамиз денгизни яхши кўрамиз” (Куллюна нуhibб ал-бахр, 1986) ва “Соҳил қўшиғи, саҳронинг увиллаши (Нашид ас-сахил, сафир ал-барр, 2001) деб номланган жамоа тўпламларига киритилган. Бу тўпламлар БАА Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашр этилган.

Тадқиқотчи Рашид Абу Шуайр фикрича, ҳикоя жанрининг мезонларига тўлиқ жавоб берувчи БААда илк нашр этилган бу асар - ихтисослиги бўйича педагог ва филолог бўлган Шайха Муборак Нахий (1952 йил Шаржада туғилган)нинг “Кетиш” (1970) ҳикояси бўлди². Ёзувчининг илк тўплами ҳам худди шундай номланди – “Кетиш” (ар-Рахил, 1992). Унга амирлик нашриётларида чоп этилган ҳикоялари киритилди.

Ҳаддан зиёд сентиментал оҳангларга тўла бўлган Шайха Нахий ҳикояларининг катта қисмининг асосий мавзуси қизларнинг чуқур қайғуга сабаб бўлган шахсий ҳаётдаги бахтга бўлган орзу-умидлари эди. “Кетиш” ҳикоясининг қаҳрамони қўшни йигитга турмушга чиқмоқчи, бу йигит ҳам қизни севади, аммо қизнинг ота-онаси уларнинг никоҳига розилик бермайди ва ёш йигит кетишга қарор қилади. “Иллюзия нурлари” ҳикоясининг қаҳрамони тоғасининг ўғлини севади, у эса қариндошлари фикрича, унга эр бўлиши лозим, у йигит хорижга ўқишга кетади ва у ерда оила қуради. “Худди шу кун келди” ҳикоясининг қаҳрамони севиқли ёрини хориждан келишини кутади, одамлар уни у ерда турмуш қурган дейишларига қарамай, ундан олинган мактуб қизнинг кўнглида мактубни ўқимасдан орзу-умидларининг хурсандчилигига сабаби бўлади. “Ҳеч қаерга олиб бормайдиган йўл” ҳикоясининг қаҳрамони ёшлигида ўғай она зулмидан қийналади, кейин эса ундан тезроқ қутилиш

¹ Rashid Ali Mohammad. Al Qissa wa-l-riwaya wa-adab al-atfal fi dawlat al-Imarat al-arabiyya al-muttahida: madkhal tawthiqi Khaimah. Markaz al-dirasat wa al-wathaiq, 2009.22.

² Abu Shuayr al-Rashid. Madkhal ila al-qissa al-qasira al-imaratiyya: dirasa Sharjah Ittihad kuttab wa-udaba al-Imarat, 1998.12.



истагида бўлган отаси билан ўғай онаси биргаликда у қизни руҳан касалманд қари чолга турмушга беради ва унинг азоблари давом этади. “Симлардаги бармоқлар” ҳикоясидаги эркак анча олдин ўз оиласини ташлаб кетган бўлади ва телефон гўшагида катта бўлиб қолган қизининг овозини эшитади ва натижада унда нафис ҳиссиётлар пайдо бўлади ва у қайтишга қарор қилади. “Қамалда” ҳикоясининг қаҳрамони унга доим хиёнат қиладиган ва ичишга ружу қўйган эрининг хулқ-атворидан азоб чекади. Аммо аёлга эри оғир ҳолатда касалхонага тушиб қолгани ҳақида хабар келганда, аёл “... йўқ, йўқ, йўқ бўлиши мумкин эмас, биз ҳали яшашни бошламадик-ку”, дея бақиради¹.

1980-1990 йиллар биринчи ярмида Шайха Нахий томонидан ёзилган ҳикоялар унинг иккинчи тўплами – “Шимол шамоллари” (Рийах аш-шимал, 1999)га киритилган. Уларда муаллифлик услубининг ўзгаришини сезиш жуда осон: энди қаҳрамонлар ички ҳолатининг тасвири, уларнинг ҳиссиёт ва кечинмалари, баъзида эса тушунарсиз ёки умуман тушуниб бўлмайдиган сюжет контекстидаги онг оқими биринчи ўринга чиқади. Ҳикоя алоҳида ўзига хос “шеърлаштирилган” тилда олиб борилади, бу тил ўзига хос лексик-синтактик хусусиятлар билан фарқланади.

Тўпламнинг баъзи бир ҳикояларида сюжет ва ҳаракат реалистик кўринишда аниқроқ берилган, булар қаторига “Деворларнинг ҳам қулоғи бор” ҳикоясидаги ҳибсга олинган маҳбуснинг ўз ишидан нафратланган қамоқхона ходими билан суҳбати, ёки “Безовталиқ” ҳикоясида отасининг вафотидан сўнг оиласини бир ўзи боқишга мажбур бўлган амирлик ҳаётининг бир куни. Бундан ташқари, “Шимол шамоллари” ҳикоясида 1994 йилда Шимоллий Яман армияси Аден шаҳрини қамалга олган вақтида аденлик бир оиланинг ғамлари ва азоблари тасвирланган.

Рашид Абу Шуайранинг таъкидлашича, Шайха Нахий билан деярли бир пайтда Абдуллоҳ Сақр Мирр (1952 йилда Дубайда туғ.) ҳам ҳикоялар ёзишни бошлади. Шоир, моҳир футболчи бўлган Абдуллоҳ Сақр Миррнинг “Қарталар” тўплами (ал-Хашаба, 1975) БАА муаллифи нашр этган ҳикояларнинг илк тўплами эди².

Унинг биринчи нашри цензура туфайли китобхонларгача етиб бормади; такроран у 1999 йилда қайта нашр қилинди.

Муаллиф учун цензура тўсиқлари қутилмаган воқеа бўлмади, афтидан, у ўзини “адабий исёнкор” деб ҳисоблаган. Бу ҳақда тўплам учун танлаган эпиграфлар гувоҳлик беради. Тўпламнинг барча ҳикоялари “қоронғу” модернизм эстетика руҳида ёзилган. Бу йўналиш шу даврга келиб, баъзи бир араб мамлакатлари, Ҳалиж мамлакатларида ҳам тарқалган эди. Аммо БААларининг вужудга келаётган янги ҳикоянавислиги учун ҳали ҳам эсте-

¹ Al-Nakhi Shaykha Mubarak. Al Rahil. Sharjah. Manshurat Ittihad kuttab wa-udaba al Imarat 1992.48.

² Abu Shuayr al-Rashid. Madhkal ila al-qissa al-qasira al-imaratiyya: dirasa Sharjah Ittihad kuttab wa-udaba al-imarati, 1998.12.



тик жиҳатдан ўзгача эди¹. Тўпламнинг қисқа ҳикоялари аксарият ҳолларда аллегорик, сюрреалистик ва абсурд тасвирлар бўлиб, уларни бир маъноли тарзда талқин қилиш қийин, улар китобхонларда пессимизм, чорасизлик, бегоналашиш ҳиссиётини вужудга келтиради. Ҳаддан зиёд йўловчилари кўп бўлган автобусга кўлида ичи тўла китоб бўлган портфели билан чиқмоқчи бўлган ва якунида бераҳм ва бефарқ йўловчилар кўз олдида ғилдирак остида вафот этган инсон араб зиёлиларининг тақдирини ифодалайди деб, тахмин қилиш мумкин (“Ўлаётган дунё кечинмалари орасида руҳланиш” ҳикояси). Порнографик унсурлар билан тасвирланган аёлни бир гуруҳ эркаклар томонидан зўрланиш саҳнаси эса, мусулмон жамиятидаги аёл ҳолатининг ўзига хос аллегорияси бўлиши ҳам мумкин (“Сеанс”). Муаллиф нарсаларни мавжуд бўлган анъанавий ҳолатини қабул қилмаслиги ҳақидаги фикр билвосита тарзда бир нечта ҳикояларда “Қоронғу, ёвуз куч” сифатида қандайдир соқолликлар, яъни араб адабиётида анъанавийчиликнинг кенг тарқалган рамзи билан ҳам тасдиқланади.

Ал-Миррнинг амирлик ҳикояси ривожланишининг мазкур бошланғич босқичидаги модернистик сайъ-ҳаракатлари оммавий тақлидга сабаб бўлмади. Аксарият ижодни бошловчи ёзувчилар атрофдаги муҳитга, воқеликка реалистик ва сентиментал романтик нигоҳда, яъни нуқтаи назарда бўлиб, камдан-кам ҳолда модернизм эстетикасига мурожаат этган. Бундай ёзувчилар сирасига Али Абдулазиз Шархан (1950 йилда Рас-ал-Хайма туғ.) ҳам мансубдир. У моҳир филолог бўлиб, Буюк Британияда таълим олган ва кейинчалик БААларининг олий таълим тизимида юқори лавозимларни эгаллаган. Унинг “Қайғу” (аш-Шака, 1977) номли тўпламидаги ҳикоялари ғоявий-бадий жиҳатдан хилма-хилдир. Баъзи бирлари романтик услубда, бошқалари реалистик ва сентиментал руҳда ёзилган бўлса, учинчилари, модернизм руҳида ёзилган. Бундан ташқари, ёзувчининг маҳаллий шевани қўллаши ўзига хос хусусият бўлди, айниқса, диалог ва ички монологларда шевани ҳикояга ўзига хос алоҳида миллий колоритни бериш мақсадида қўлланган. Тўпламнинг номи ўзи далолат берганидек, ҳикояларнинг асосий устувор мавзуси инсоннинг азоб-уқубатлари, булар нефтдан олдинги даврлардаги амирликларнинг ҳаёт тарзининг шафқатсиз шароитлари билан шартланган, ёхуд нефт даврида ҳаётнинг янги тарзига ўтиши билан боғлиқ бўлган муаммолар билан шартланади. Нефтдан олдинги даврда денгизчилар, балиқчилар, дур олиб чиқувчилар ва қишлоқ хўжалигидаги ишчиларнинг оғир ҳаётига “Хайр севиклиларим!”, “Тубсиз чуқур”, “Азоб-уқубат”, “Ўлимдан сўнгги хурсандчилик”, “Абу Аббуд” каби ҳикоялар бағишланган.

“Тратуардаги кўз ёши” ҳикояси илк бор меҳнат муҳожирлари муаммосига бағишланган. Меҳнат муҳожирларининг БААларида ўз моддий ҳолатини

¹ Kirpichenko. V.N., Safronov V.V. Istoriya yegipetskoj literaturi XIX-XX vekov.M.:Vost.lit., 2003. T:2. S.135-142.



яхшилашга бўлган орзу-умидлари пучга чиқади. Модернистик эстетикада ёзилган “Орзу ва воқелик фожеаси” ва “Йўқотилган вақт ҳақидаги ўйлар” ҳақидаги ҳикоялари БААларида ҳаётнинг ўзгараётган шароитларига инсон мослашувининг мураккаблиги, қийинчилиги туфайли вужудга келган ёлғизлик, бегоналашиш, чорасизлик ҳиссиётларини кўрсатиб беради. “Эски деворни севиб қолган” қаҳрамонона-романтик ҳикоя ўз оиласига денгизчининг ўлими ҳамда қишлоғининг йўқ бўлишига сабабчи бўлган инглиз денгизчиларидан интиком олган оддий денгизчининг қаҳрамонлиги ҳақида ҳикоя қилади. Ҳикоядаги ҳаракат афтидан, XIX аср биринчи чорагида бўлади, бунда Британия флоти Форс кўрфази қароқчиларига қарши ҳарбий компанияларни амалга оширган эди.

Маълумоти бўйича филолог ва БААликлари таълим вазирлигининг ходими бўлган Абдурид Ҳасан Сажвани (1957 йилда Шаржада туғ.) ўз ҳикояларини амирликларнинг нефт даври бошлангунига қадар ва ўзининг ҳаётига бағишлади. 2000- йиллар бошига қадар у уч тўпلامни эълон қилди: “Ўша даврлар” (Залика-з-заман, 1978), “Қизнинг хатоси” (Заллат ал-азара, 1981) ва “Воз кечиш” (ар-Рафд, 1992). Ҳажми бўйича кичик бўлган биринчи тўпламга кирган ҳикояларнинг мавзуси бирлашган амирликнинг нефт даврининг олдинги ҳаёти мавзусига айланди. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи шундай ёзади: “Қийин ва қайғуга тўла, шон-шуҳратли ва қаҳрамонона бўлган аждодлари яшаган ўтмиш ҳақида билишни истаган барча янги авлодлар” ва бу қийинчиликларни бартараф этиб яшаган ўтмишдагиларга, ўша даврда азоб чеккан ва бахтсиз бўлган барчага”¹. Китобхонда биргаликда азоб чекиш, меҳр ҳиссиётини уйғотишга қаратилган ҳаддан зиёд сентиментал услубда муаллиф қадимги амирликларнинг ибтидоий хўжалик ҳаёт тарзини тасвирлайди. Бу ҳаётда инсонларни касалликлар, очлик ва турли жароҳатланишдан ўлими оддий ҳолат эди. Дурни денгиз остидан олиб чиқадиганларнинг ишлари айниқса хавфли эди: “Ўтмиш кўз ёшлари” ҳикояси қаҳрамонининг оёғини ақула тишлаб, узиб ташлаган. “Эриб кетган умид” ҳикоясидаги қаҳрамон аёлнинг эри ҳам худди шундай ҳолатга тушган. “Денгиз қонуни” ҳикоясида эса кемада бетоб бўлиб қолган сув остига шўнғувчини жамоанинг бошқа аъзоларига касаллиги юқмаслиги учун кема капитани уни борт ортидан денгизга ташлаб юборишни буюради. Ичимлик суви манбалари йўқ шароитда инсонларнинг бошидан кечган азобларига “Чанқоқ ва жазирама” ҳикояси бағишланган. “Ўтмиш замонларда” ва “Рухларга тўла кудук” ҳикояларида ёзувчи ўша даврдаги бидъатлар ҳақида ҳикоя қилади.

Тўплам ҳикояларининг аксарияти ахлоқ, маънавият масалаларига бағишланган, бу ҳағтоки, уларнинг номларидан ҳам билиниб туради. Бу ҳикоялар муаллифнинг маърифий тафаккурининг ёрқин ифодасидир. Ўзидан олдинги адиблар каби ас-Сажвани меҳнаткашлик ва ишчанлик (“Ва фаровонлик келди”, “Ва

¹ Al-Sajwani Abd al-Rida. Dhalika-z-zaman Abu Dhabi Muassasat Abu Zabi Ii-itiba a wa-l-nashr 1978. 24 .



шамлар ёқилди”), меҳрлилик ва ёрдамга шайлик (“Эзгу юрак”, “Эзгулик мевалар”)ни шарафлайди, қаттиққўлликни танқид қилади, (“Мазлумнинг нидолари”), маккорликни (“Адолатли жазо”) мағрурликни (“Надомат кўз ёшлари”), енгилтаклик (“Гўзалик ва фаришта чизғилари”), муҳаббат эмас, ҳисоб-китоб асосида никоҳ тузиш (“Юракнинг кули”, “Тинчланиш уйқуси”) ва ҳ.к. ни қоралайди.

Ёзувчининг кейинги икки тўпламида унинг муаллифлик услуби ўзгариши сезилиб туради: ҳикоя қилиш кўп сўзли бўлиб қолади, у қиёслаш ва метафораларга, ўзига хос лексик-синтактик тузилмаларга тўйинади, бу эса баъзи бир ҳикоялар мантиғини идрок этишни жуда мураккаблаштиради. Муносабатда эса бу икки тўпланиннг ҳикоялари амирликларнинг нефтдан олдинги даврдаги қайғу ва ғамга тўла тасвирини эмас, аксинча, ўтмишга кетаётган қадрият ва анъаналарни улуғлашга бағишланади: яъни бунда оилавий қабила алоқаларининг мустақамлиги, қишлоқ хўжалиги ва хурмо пальмасининг қадрияти, денгиз овларининг романтикаси куйланади. “Харобалар” ҳикоясининг қаҳрамони - қари капитандир, уни ўз фарзандлари қариялар уйига жойлаштириб, унутдилар ва у ўзининг охириги кунларини аввалги денгиз овлари ҳақидаги хотиралари билан ўтказади. “Пальмалар онаси” ҳикоясининг қаҳрамони – қари аёл, у эрининг вафотидан сўнг бутун ҳаётини бағишлаган хурмо пальмали плантациясини сотиб юборади. Ер харидори хорижлик инсон пальмаларни йўқ қилиб ташлаганда, аёл қайғудан соғлигини йўқотади. Энди у фалаж бўлиб ётади, қўшнилари эса унинг ҳаётини ва натижада нима бўлганини муҳокама қиладилар.

Янги даврда амирликлар ҳаёт тарзининг ўзгариши мазкур ҳикояларда салбий жиҳатдан кўрсатилган. “Турғунлик” ҳикоясининг қаҳрамони балиқ бозоридаги савдогар бир неча кундан бери ҳеч нарса сота олмайди: одамлар янги балиқдан воз кечиб импорт консерваларига ўтмоқда. Бозорнинг барбод бўлиши нефт қазиб олинганлиги сабабли Форс кўрфази сувларига захарли моддалар қўшилгани билан ҳам боғлиқдир. Одамлар бу сувларда тутилган балиқни ейишдан хавфсирайдилар. “Кутиш” ҳикоясидаги чолга БААлари ҳукумати янги уйни ажратиб берди, бу уй шаҳар бош режасига мувофиқ бузиладиган эски уй ўрнига берилди. Аммо чолнинг собиқ қўшнисини ва дўсти бу уйга кўчиб олди ва пора орқали уйни ўз номига расмийлаштирди. Чол адолат излаб кўп маротаба ҳукуматга ҳамда жамиятга ҳам мурожаат қилди. Қишлоқ жамоаси барбод бўлиши ва ҳокимият органлари бюрократлашуви шароитида ҳеч ким унга ёрдам бера олмади. “Орзу” ҳикоясининг қаҳрамони АҚШдаги ўқишини муваффақиятли тугата олмасдан, ўз ватанига америкалик аёли билан қайтди. Аёли бирлашган амирликдаги эри билан қашшоқликка рози бўлиб яшай олмади ва Америкага қайтишга жазм қилди. Аёлини аэропортга олиб кетаётганда қаҳрамон ўз ёшлиги, зироатчи ота-онасининг оғир ҳаёти, АҚШдаги ўтмиши ва БААдаги ўзининг кейинги ҳаёти ҳақида ўйлаб кетади. “Ахмоқлик” ҳикоясидаги ёш амирлик доимий равишда хорижга бориб келади. Ота-онасига Қувайтга пул топишга боряп-



ман дейди, аммо аслида у Банкокда наркотик савдоси билан шуғулланади. Полиция унинг вафоти ҳақида ота-онасига хабар берганидагина, ота-онаси фарзанди аслида нима билан шуғулланганини билади.

Замонавий амирликлар ҳаётининг кенг тасвири Муҳаммад Мурр (1954 йил Дубайда туғ.) ҳикояларида кўрсатилган – бу муаллиф XX асрнинг энг кўзга кўринган амирлик ҳикоянависидир. АҚШда таълим олган, 70-йиллар иккинчи ярмида Бирлашган Амирлик нашриёти Ахборот воситаларида ўз фаолиятини бошлаган муаллиф 1990-йиллар бошига келиб ҳикоялар тўпламини нашр этди. “Ўзга турдаги муҳаббат”(Хубб мин нау ахар, 1978), “Охирги фурсат”(ал-Фурса ал-ахира,1981), Дўстлик”(Садақа,1981), “Бироз ҳамдардлик”(Шай мин ал-ханан, 1985), “Кутилмаганлик”(ал-Муфаджа,1985), “Жасмин”(Йасмин,1986), “Хаббуба” (1986) “Такдир”(Насиб,1986), “Юракдаги макон” (Макан фи-л-қалб,1988), “Кўзнинг қорачиғи” (Куррат ал-айн,1988), “Нозик, нафис овоз”(ас-Саут ан-наим,1989) 1992 йилда муаллифнинг барча асарлари 3 жилдлик тўплам сифатида нашр этилди (ҳаммаси бўлиб 145 та ҳикоя).

Муҳаммад Мурр замонавий Дубайнинг ҳаётини, яъни маиший томонини тасвирловчи ёзувчи мақомига эга бўлди: унинг сюжетларининг аксарияти, бу ҳақиқий дубайликларнинг тақдирларини турли эпизодларига асосланган ҳаётини воқеалардир. Албатта, бу сюжетларнинг барчаси ҳам кенг умумлаштирув даражасига кўтарилмасда (тасвирланаётган вазият ва характерлар, акс ҳолда, ниҳоятда индивидуал, ғайриоддий породоксал), аммо улар биргаликда замонавий дубайлик араблар ўрта синфининг ижтимоий ва шахсий ҳаётининг кенг панорамасини ташкил қилади. Муҳаммад Муррнинг муаллифлик услуби ҳаддан зиёд соддалик ва аниқлиги билан ажралиб туради. Умуман, араб насри учун хос бўлган тил “безаклари” ҳамда ҳикоянинг тузилмаси ва образлиги билан модернистик тажрибалар унга бегонадир. Ёзувчига хос бўлган кузатувчанлик китобхон осонгина таний оладиган турли ҳаётини вазиятларни жуда ҳам ишончли тасвирланишида ёрқин ифодаланади. Унинг ҳикояларидаги диалоглар доимо жонли ва табиий, улар айнан шу лаҳзага мувофиқдир.

Албатта, Муррнинг замонавий Дубай жамияти учун типик бўлган ижтимоий-маданий муаммоларни сатирик йўналишда акс этган ҳикоялари энг катта бадиий қадриятга эга. Бу айниқса, архаик бўлган оилавий никоҳ анъанаси, яъни келин оиласи ҳақидаги фикрга асосланган ота-оналар танлови асосида уйланиш каби сюжетларга тегишлидир.

“Такдир” ҳикоясининг қаҳрамони ёш, ўзига ишонган офицер уйланишга қарор қилади ва онаси ҳамда холаларига келин танлашни илтимос қилади. Аёллар келинга номзодларнинг рўйхатини тузишади, уларнинг келиб чиқишини, оиласидаги удум, урф-одатларни ва молиявий жиҳатларини таҳлил қилишади ва совчиликка боришади. Аммо бирин-кетин белгиланган, режалаштирилган номзод қизнинг ота-онасидан рад жавобини оладилар. Ўзига ишончли йўқотган ва умидсиз бўлган офицер тасодифан бир қиз билан танишади. Бу қизнинг оиласи ҳақида ҳеч нарса билмайди, бироздан сўнг улар бахтли бўлиб, оилавий иттифок, яъни никоҳ тузадилар.



“Хамад Ғави қандай уйланди” ҳикоясининг қаҳрамони, аксинча, уйланиш ҳақида ҳали ҳам ўйламайди. Аммо унинг онаси ўғлининг бундай бўйдоқ юришидан хавотирланиб, ўғли ярим беҳуш бўлган ҳолатда ундан никоҳга розилик олади ва кўшнилариининг қизига совчиликка чиқади. Ёш йигит уйланишга мажбур бўлади, чунки у уйланмаса, уйда жанжал ва шаънисизликка дуч келади.

“Жасмин” ҳикоясида ёш йигит мусулмончилик анъаналарини бузиб, унга очикдан-очик табассум қилган, бозорда тасодифан учратган қизни севиб қолади. У бир неча кун мобайнида унинг кетидан юриб қизни ва унинг онасини кузатади, ва бу пайтда қиз доимо унга табассум қилади, ва ниҳоят аёллар яшайдиган жой манзилени билади. Йигит қизнинг уйига ўз қариндошларини совчи қилиб юборади, аммо кўшнилари унга ғалати хабарни айтишади, у танлаган қизнинг ақли заиф экан. О.Генди руҳида ёзилган ҳикояларни бундай кутилмаган яқун топиши адиб-Мурр ҳикоялари учун хосдир.

Ал-Муррнинг баъзи бир ҳикоялари АҚШдаги БААлик талабаларининг ҳаётига бағишланган, бу ҳаёт ҳақида ёзувчи нафақат эшитган, балки ўзи ҳам шундай ҳаётда яшаган. Бу ҳикояларда амирликларни Ғарб маданияти билан танишиш тажрибасининг тасвири жуда ҳам қизиқарли тасвирланган. Бу вазиятларда кўплаб ҳажвий лаҳзалар учрайди. Ёзувчи Ғарбий маданият, жумладан, поп-маданият, Ғарблик инсон менталитетининг ажойиб билимини намоён қилади. “Англиялик хотин ёзувлари (хатлари)” ҳикоясида ғарблик инсон менталитети айниқса, ёрқин намоён қилинади: Дубайда амирлик эри билан яшаётган инглиз аёли тилидан ёзувчи араб учун ниҳоятда аниқ бўлган араб жамиятидан ғарблик инсон олган тасаввурларни баён этади.

Баъзи бир ҳикояларда ал-Мурр амирликлардаги муҳожир мавзусини очиб беради. Бу ҳикояларда осиелик муҳожирларнинг тақдири аксарият ҳолда ачинарлидир. Масалан, “Газетадаги эълон” ҳикоясининг қаҳрамони покстонлик муҳожирни амирликлар нарко савдосида ишлашдан воз кечганлиги сабаб шафқатсизларча ўлдирадилар. Бунда вафот этган инсоннинг шахси ҳеч кимни қизиқтирмаслиги сабабли қотиллик ёпиқлигича қолиб кетишини биладилар. “Вентилятор тагидаги” ҳикоясида бошқа покстонлик суиқасд қилади, чунки унинг узоқ йиллар давомида ишлаётган Бирлашган амирлик “хўжайинлари” севган қизига уйланиш учун зарур бўлган пулни олиш ҳақидаги илтимосини рад этадилар. Ёзувчи албатта, оддий амирлик иш берувчиларни айбламайди, у БАА даги Осиелик муҳожирларни “иккинчи нав” инсонлар деб ҳисоблашларини кўрсатиб беради.

Муҳаммад Мурр ҳикояларини Бирлашган Амирликларининг янги ҳаёти билан танишиш учун ҳақиқий қўлланма деб аташ мумкин. Балки айнан шу сабабли бу ҳикоялар тўплами хорижликларни ўзига жалб этган. Бу икки ҳикоялар тўплами инглиз тилига таржима қилиниб, нашр этилган¹.

¹ Al Murr Mohammad. Dubai tales London: Forest books, 1991. 176 p.; Al-Murr Mohammad. The wink of Mona Lisa and other short stories from the Gulf. London: Motivate Publishing. 1994. 199 p.



Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, 1980 - йиллар бошидан бошлаб, араб шеърятига хос бўлган қиёслаш ва метафоралар жуда ҳам безакли лексик-синтактик конструкцияларга тўйинган асарнинг мураккаблашган тили кўплаб араб, жумладан, Ҳалиж ёзувчиларининг муаллифлик услубининг асосий хусусиятига айланди. Ҳалиж араб мамлакатларининг бу услубдан фойдаланган ҳолда араб адабиётида марказий ўринни анъанавий тарзда эгаллаган тасвирни гўёки тиклашга ҳаракат қиладилар ва бу тасаввур “нима ҳақида ёзиш?” саволидан кўра муҳимроқ ҳисобланган “қандай ёзиш” саволидан иборат эди. Бошқача қилиб айтганда, араб адабиётининг анъанавий ҳолати бўлган мазмунга нисбатан шаклнинг устувор аҳамияти, жумладан, асарнинг тили деган ҳолатидан келиб чиқиб, улар Ғарб адабиётидан ўзлаштирилган ҳодиса реализмдан ҳам бир пайтнинг ўзида фойдаланадилар. Шеърятни идрок этиш каби ҳолатидек бундай услуб матн маъносини англаш жараёнида китобхон ва матн ўртасида фаол ўзаро таъсирни талаб қилади. Бундай ўларок, мазкур ёзувчилар асарларида шаклнинг мураккаблиги ҳамда сюжетнинг белгиланган доирасидан асарни озод этиш каби модернизм тамойилларига риоя қилинади. Уларнинг асарларининг ўзига хос хусусияти муаллифлар араб адабий тилининг бой луғати ва риторик услубларидан фойдаланган шеърый услубидир. Уларнинг асарлари лирикага хос бўлган, яъни риторик безаклар, метафора, нутқнинг бошқа шакллари, икки маъноли ва кўп маънолилик, у ёки бу нарсага билвосита кўрсатиш каби лирикага хос томонлар билан ажралиб туради. Бундай асарнинг тил услуби китобхондан персонаж ва сюжетга оид бўлган фрагментар ва метафорик ахборотни батафсил йиғиб-териш, бирга уйғунлаштириб талқин қилишни талаб қилади, бу эса матннинг маъносини тушунишга олиб келади.

КАЙИМОВ МУХАМЕДЖАН

докторант, Южно-Казахстанский университет им. М. Ауэзова

Духовная гармония между Навои и Бухаром

Аннотация. В статье рассматриваются особенности придворной (дворцовой) поэзии в литературном наследии тюркских народов и творчество Бухар жырау. С целью всестороннего рассмотрения данной проблемы параллельно были использованы методы историко-сравнительного и сравнительно-типологического анализа. На основе систематического метода исследования были выявлены особенности творчества придворных поэтов в поэтической литературе тюркских народов. Творчество классика тюркской литературы Навои и видного представителя казахской поэзии Бухар жырау стали объектом систематического исследования. Придворная поэзия на разных этапах развития отличалась тематической направленностью. На конкретных примерах определяется, что придворная поэзия развивается не только в хвалебной, восславляющей, но и в социальной форме. На примере творчества Бухар жырау раскрыты основные черты поэзии жырау. Хотя Бухар и служил при дворце, он не причисляется к ряду



придворных поэтов. Приводятся аргументы в пользу того, что Бухар жырау, несмотря на должность визиря и советника Абылай-хана, при необходимости подвергал резкой критике некоторые действия хана, что свидетельствует о тесной связи поэзии жырау с историко-социальными условиями, событиями.

Опорные слова и выражения: поэзия, касида, дворцовый поэт, история, литература, визирь, социальная форма, газель, размышления.

Аннотация. Мақолада туркий ҳалқларнинг адабий меросидаги сарой шеърятининг хусусиятлари ва Бухар жиров ижоди ўрганилган. Ушбу муаммони ҳар томонлама кўриб чиқиш мақсадида тарихий-қийсий ва қийсий-типологик таҳлил усулларидан параллел равишда фойдаланилган. Мана шу тадқиқот усули асосида туркий ҳалқлар шеърый адабиётида сарой шоирлари фаолиятининг хусусиятлари аниқланди.

Туркий адабиёт классикаси Навоий ва қозоқ шеърятининг кўзга кўринган вакили Бухор жировнинг мунтазам изланиш объектига айланди. Ривожланишининг турли босқичларида сарой шеърятини тематик йўналиш билан ажралиб турарди. Муайян мисоллар асосида сарой шеърятининг нафақат мақтовли, улуглайдиган, балки ижтимоий шаклда ҳам ривожланиб бориши аниқланди.

Бухор жиров ижоди мисолида шеърятнинг асоси саройда очиб берилган. Бухор саройда хизмат қилган бўлсада, у сарой шоирлари қаторига кирмаган. Саройда шоир Бухор жировнинг Абилайхоннинг вазири ва маслаҳатчиси мавқеига эга бўлишига қарамай, керак бўлса, хоннинг баъзи ҳаракатларини кескин танқид қилгани, бу эса шеърятнинг тарихий ва ижтимоий шароит ва воқеалар билан чамбарчас боғлиқлигидан далолат беради.

Таянч сўз ва иборалар: шеърят, қасида, сарой шоири, тарих, адабиёт, вазир, ижтимоий шакл, газал, мулоҳазалар.

Abstract. The article examines the features of the court (palace) poetry in the literary heritage of the Turkic peoples and the work of Bukhar zhyrau. For the purpose of a comprehensive consideration of this problem, the methods of historical-comparative and comparative-typological analysis were used in parallel. On the basis of a systematic research method, the features of the work of court poets in the poetic literature of the Turkic peoples were identified. The creativity of the classic of Turkic literature Navoi and a prominent representative of Kazakh poetry Bukhar Zhyrau became the object of systematic research. Court poetry at different stages of development was distinguished by a thematic orientation. Based on specific examples, it is determined that court poetry develops not only in a laudatory, glorifying, but also in a social form. On the example of the creativity of Bukhar zhyrau, the main features of the poetry of zhyrau are revealed. Although Bukhara served at the palace, he is not ranked among the court poets. Arguments are given in favor of the fact that Bukhar zhyrau, despite the position of vizier and adviser to Abylai Khan, if necessary, sharply criticized some of the khan's actions, which testifies to the close connection of zhyrau poetry with historical and social conditions and events.

Keywords and expressions: poetry, kasida, palace poet, history, literature, vizier, social form, gazelle, reflections.

Тюркская литература имеет свои особенности развития. Каждый этап формировал свои литературные традиции. Тюркские художественные традиции и мотивы, которые продолжают существовать и по сей день, сложились



на основе литературы, рожденной древней кочевой цивилизацией и миром древних тюрков.

На разных этапах развития литературы тюркских народов наблюдается формирование поэзии придворных (дворцовых) поэтов. В истории мировой литературы творчество дворцовых поэтов наиболее ярко проявилось в арабской литературе. Общеизвестно, что восточная традиция зародилась среди тюркских народов. У тюркских народов в разные периоды, в разных направлениях складывалась дворцовая поэзия. Если одни из дворцовых поэтов воспевали правящую верхушку, то другие выражали чаяния народа через поэтические строки.

С дворцом тесно связана жизнь классика тюркских народов Навои. В свое время Навои поднялся до должности главного визиря во время правления Султана Хусейна и был одним из придворных поэтов. Навои был человеком глубоких знаний, высокой духовности и мудрости. Его волновала жизнь народа, поэт внес значительный вклад в развитие искусства и культуры, образования и науки. Наследие А. Навои имеет большое значение для тюркоязычных народов. Известный мыслитель Востока, великий поэт и государственный деятель всего тюркского мира Навои своими произведениями поднял литературу тюркских народов на высокий уровень. Произведения поэта «Смятение праведных», «Фархад и Ширин», «Лейли и Меджнун», «Семь планет», «Стена Искандера», входящие в книгу поэм «Хамса» - «Пятерица», занимают особое место в мировой литературе. Алишер Навои - великий поэт и мыслитель узбекского народа. В истории мировой литературы и культуры имя Навои стоит в ряду таких великих мастеров слова, как Гомер и Данте, Рудаки и Фирдоуси, Низами и Шота Руставели, Сагди и Джамии, Шекспир и Бальзак, Пушкин и Толстой.

Навои известен всему миру как великий гуманист, мудрый государственный деятель, мастер слова, положивший начало узбекскому литературному языку, поэт, поднявший узбекскую классическую литературу на небывалый высокий уровень¹.

Навои мечтает об обществе, основанном на подлинной солидарности интересов народа и правителя:

Не есть ли счастье и слава,
Коль возлюбят друг друга шах и народ².

А. Навои был учеником Абылкасыма Бабура. Алишер уже с 15 лет известен как поэт, пишущий как на тюркском, так и на персидском (фарси) языках. А. Навои посвятил стихотворение «Хилалия» Хусейну Байкаре (внуку Омар-шейха, второго сына Тимура), с которым учился в детстве.

¹ Raximbayeva G., Iskakova J. Literatura tyurskix narodov: Ych. Posobiye.- Nur Sultan. Turan-Astana, 2019. c. 14.

² Raximbayeva G., Iskakova J. Literatura tyurskix narodov: Ych. Posobiye.- Nur Sultan. Turan-Astana, 2019. C 17.



Хусейну понравилось творчество поэта, он предложил Алишеру должность при дворце. Во времена, когда Хорасаном правил Хусейн Байкара, А. Навои занимался государственными делами, исполнял обязанности мухрара - хранителя печати. Во время пребывания в должности визиря, осуществления государственной деятельности, Навои приступает к превращению города Герат в центр высокой культуры.

Чтобы понять проблемы, поднятые в творчестве каждого поэта, необходимо иметь представление о той эпохе, в которой жил поэт, знать политическую ситуацию этой среды. Навои, находясь на государственной службе, старается использовать всю свою энергию, свои возможности во благо народа. «Алишер Навои свою деятельность посвящает служению народу. В данном направлении, в данном русле он дает наставления и советы Хусейну Байкаре». «Навои был человеком, который очень верил в разум и знания человека, в нем жила любовь к каждому человеку, он сочувствовал его недостаткам и радовался его достижениям. Лирические и эпические произведения поэта посвящены проблеме совершенствования поведения, характера человека». Несмотря на то, что Навои провел часть своей жизни во дворце, его произведения полны гуманистических идей, проповедующих равенство, справедливость и честный труд. Поэт широко воспекает справедливость и нравственность, дружбу и любовь, честность и духовную чистоту. В своем очерке о Кашгарии, написанном в 1857 году, известный казахский ученый Чокан Валиханов высоко оценивает яркую звезду Востока Алишера Навои: «Единственным светом для непросветленного народа были произведения Алишера Навои».

Гениальный поэт и мыслитель Алишер Навои занимает особое место в истории тюркской литературы. Большое значение имеют наполненные художественными идеями газели А.Навои, его мудрые эпосы, литературные и исторические исследовательские труды. В истории восточной литературы стихотворения Алишера и его пять знаменитых поэм «Хамса» - «Пятерица» являются шедеврами тюркской литературы. Ценность произведений Навои, созданных многие столетия назад, не иссякает до сего дня. Каждое последующее поколение, читая произведения Навои, чувствует и воспринимает его как современного поэта. Произведения поэта, выдвигая глубокие гуманистические идеи, призывают своего читателя к добродетели, нравственности, добру. Таким образом, произведения Навои, дошедшие через века, и на сегодняшний день не теряют своей ценности, актуальности и находят горячий отклик в сердцах молодого поколения.

Навои, который как политический деятель был вовлечен во все государственные дела, отдает всего себя служению народу. Во многих частях Хорасана Навои построил мечети, медресе, библиотеки и больницы. Навои не перестает проявлять сострадание к своему народу даже после ухода из политики вследствие разрыва отношений с Султаном. Навои был одним из



основных авторов произведений на тюркском языке, основоположником литературного тюркского языка. Большинство своих произведений Навои написал на чагатайском языке. После использования Навои чагатайского языка, этот язык как литературный язык вошел в ряд самых авторитетных языков. Навои писал на тюркском и персидском языках. Произведения поэта, написанные на тюркском языке, были известны как «Навои» - мелодичный. Произведения поэта, написанные на персидском языке стали популярны среди народа под псевдонимом «Фани» - «Бренный». Поэт писал свои труды и на арабском языке. Навои был хорошо знаком с творчеством Фирдоуси, Низами, Хорезми, Саифа Сараи и современника Джами. Самые известные стихотворения Алишера Навои - это сборник стихов под названием «Чар Диван» («Четыре дивана»). Сборник, включающий 50 тысяч стихов, состоит из разделов, охватывающих все периоды жизни поэта. Главная особенность дивана в том, что каждая часть четырех диванов посвящена разным периодам жизни человека, включая такие темы, как «Истории детства», «Жемчужины молодости», «Чудеса среднего возраста», «Священные советы старости». Понятие «диван» в переводе с фарси означает «запись», «книга». Употребление слова «диван» в значении «книга» встречается и в названиях других тюркских литературных произведений. Известно, что знаменитый Махмут Кашкари назвал свой трехтомный толковый словарь «Дивани лугат ат-тюрк». Сборник мудрости Ходжи Ахмеда Яссави называется «Дивани хикмет» («Книга мудрости»).

Навои своими произведениями поднял тюркский язык до уровня литературного. Основной целью поэта было повысить статус тюркского языка. Книга Алишера Навои «Мухакамат аль-Лугхатайн» («Сравнение тюркского и персидского языков»), завершенная в декабре 1499 года, является доказательством того, что богатство лексики тюркского языка превосходит словарный запас персидского языка. В этой связи, очень ценны размышления Навои об искусстве речи, языка и литературы, трактаты о языке и поэзии. В своем трактате о сравнительном изучении двух языков поэт приводит научно обоснованные суждения о богатой лексике тюркского языка, разнообразии способов словообразования, широких возможностях создания новых слов. Литературовед Ж. Дадебаев, подчеркивая важность творчества поэта, высказывает следующее мнение: «С исторической точки зрения Алишер Навои был всесторонне развитой личностью своей эпохи, который одинаково равноценно трудился в главных областях искусства и науки и добился выдающихся успехов в каждой из этих областей; он по достоинству был в одно и то же время и поэтом, и мудрецом, и деятелем. Несмотря на то, что он жил в среде, где превалировали персидский язык и персидская культура, свои произведения он писал на родном - тюркском языке. Это - самое дорогая сокровищница, великое, бесценное достижение для всего тюркского мира».



Немало исторических личностей, которые по достоинству оценили творчество Алишера Навои, в том числе и великие современники поэта, признававшие высокую ценность его произведений. Захир ад-дин Мухаммед Бабур и Мухамед Хайдар Дулати дают высокую оценку творчеству поэта и высказывают свое мнение. О творчестве Алишера Навои высказывается яркая звезда казахской науки Чокан Валиханов в очерке о Кашгарии, а также известный писатель М. Ауэзов в научной статье «Алишер Навои». Чокан Валиханов стал первым среди ученых Европы и Азии, кто с особым уважением в своих трудах упомянул классика узбекской литературы Алишера Навои. В своем очерке о Кашгарии, написанном в 1857 года он отмечает: «Единственным лучом света для народа были произведения Алишера Навои», а известный ученый Мухтар Ауэзов подчеркивает: «Навои оказал большое влияние на развитие литературы и культуры большинства тюркоязычных народов»¹. И на сегодняшний день немало ученых, которые дают свою оценку творчеству великого поэта. Известный ученый Ж. Дадебаев отмечает: «Алишер - совершенная творческая личность. Уникальные произведения, мысли и размышления Алишербека на тюркском языке – общее достояние тюркских народов. Алишер Навои - гениальный поэт, глубоко почитавший тюркский язык и литературу, внесший неоценимый вклад в развитие тюркского языка и литературы. Это – общее достояние, гордость тюркских народов».

Произведения и назидания поэта Алишера Навои, который в свое время состоял на государственной службе, занимался политическими вопросами, наводят на гуманистические мысли. Поэт всегда прикладывал усилия для улучшения благосостояния народа, посвятил себя служению народу. Поэт, имеющий сан визиря во дворце, имеет собственное видение жизни. В своих произведениях он выражает высокие идеалы, подчеркивая важность укоренения в человеческом сердце совести, благородства, добродетели, моральных и нравственных качеств. Благодаря этим качествам поэт сформировался как человек высоких нравов, чистой совести, твердой веры. И по сегодняшний день Навои находится на высоте своих идеалов.

Известный казахский поэт Бухар находился на должности советника Абылай хана. Большая часть поэтов-жырау – это личности, которые состояли в качестве советников хана во дворце. В поэзии жырау часто на первый план выдвигается проблема национальных интересов и единства страны, образы героев и ханов передаются поэтическими строками.

Навои - всемирно известный гуманист, гениальный государственный деятель, создатель узбекского литературного языка, мастер художественного слова, поэт, поднявший узбекскую классическую литературу на

¹ Ayezov M. Alishyer Navoi// Sobranie sochineniy v dvadsati tomax. -Tom XYIII. Isslyedovaniya, ststi.-Almata, 1985. С. 291-301.



небывалый уровень. «Вся деятельность Алишера Навои направлена на служение народу. Поэт в качестве советника старается направить деяния правителя Хусейна Байкары в гуманистическое русло, возлагает на него большие надежды. Но потомки султана из-за междоусобной борьбы за земли и богатство доводят народ до бедственного положения, нищеты. Феодалские междоусобные войны приводят к разорению народа, ослаблению государства. Понимая тщетность служения дворцу и султану, поэт постепенно отдаляется от него. Он выступает против унижения и эксплуатации человека». Навои мечтает об обществе, основанном на истинном единстве, в котором гармонично сливаются интересы народа и правителя: счастье и слава, колы едины, словно влюбленные, шах и народ. Династия эмира Тимура (Тамерлана), которая погрязла в междоусобицах за престол и корону, богатство и власть, был нужен образ правителя, который мог бы служить примером в трудное время, когда народ оказался в бедственном положении.

Ясама сўзнинг таркибидаги сўз ясалиш асоси сўз ясалишида муайян бир маъноси билан қатнашса, сўз ясовчи умумий маъно билан қатнашади. Шу хусусиятларига кўра, 1) ҳар қандай ясама сўз таркибида сўз ясалиш асоси вазифасида муайян сўз қатнашса, сўз ясовчи бирдан ортиқ сўзлар ясади; 2) сўз ясовчининг маъноси сўз ясалиш асосининг маъноси негизида воқеланади; 3) муайянлик, умумийлик хусусиятига эга бўлишидан қатъи назар, ҳар бир ясама сўз таркибида сўз ясалиш асоси ҳам, сўз ясовчи ҳам бир маъноси билан қатнашади; 4) сўз ясалиш асоси вазифасида қўлланган сўз, лексик бирлик ҳолатида, кўп маъноли бўлиши мумкин.

Ясама сўз – лисоний бирлик, лексема. Лексема сифатида у лексик бирлик – тилнинг лексик қурилиши сатҳига хос бирлик саналади ва тилшуносликнинг лексикология бўлимида ўрганилади. Сўз ясалиши баҳсида эса луғавий бирлик бўлмиш лексеманинг қандай ҳосил қилиниши, уни ҳосил қилувчи бирликлар ва уларнинг моҳияти ҳамда сўз ясалиши, ясама сўз билан боғлиқ бошқа ҳодисалар ўрганилади. Ясама сўзнинг моҳияти сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчининг моҳияти асосида белгиланади.

Ясама сўзнинг маъноси сўз ясалиш асоси ва сўз ясовчининг маъноси синтездан юзага келади. Ясама сўзлар таркибидаги ҳар бир ясама сўз асоси (сўз ясалиш асоси)га хос маъно билан эмас, балки сўз ясалиш асослари учун умумий бўлган белги (маъно) асосида гуруҳланади. Шунинг учун ясама сўзлар гуруҳининг маъноси изоҳланмайди, балки сўз ясалиш асосларига хос умумий маъно ҳамда сўз ясовчининг маъноси билан таърифланади. Масалан, *ترمچی toromči* ‘горнчи’ (*ترم torom* ‘горн’), *تنبورچی tambur(a)či* ‘танбурчи’ (*تنبور tambur* ‘танбур’), *سرنی چی sornayči* ‘сурнайчи’ (*سرنی sornay* ‘сурнай’), *طبل چی tabl(a)či* ‘барабанчи’ (*طبل tabl* ‘дўмбира’, ‘барабан’), *ویلون چی wailonči* ‘скрипкачи’ (*ویلون wailon* ‘скрипка’), *تالچی tálči* ‘толчи’ (*تال tál* ‘тол (музыка асбоби)’ ясама сўзлар гуруҳининг таърифи: “Сўз ясалиш асосларига хос умумий маъно + ‘шахс’ маъноси” (сўз ясовчининг маъноси)дан юзага келади. Сўз ясалиш асосларига хос умумийлик эса «музыка асбоби тури» маъносидир. Бундай ясама сўзлар гуруҳидаги ҳар бир сўз «музыка асбоби тури» маъноси билан бир лексик-семантик гуруҳни ташкил этади – лексик системани шакллантиради. Ёки: *آهنگر áhangar* ‘темирчи’ (*آهن áhan* ‘темир’), *چرمگر čarmgar* ‘кўнчи’ (*چرم čarm* ‘чарм’, ‘тери’), *زرگر zargar* ‘заргар’ (*زر zar* ‘зар’), *دردگر dorudgar* ‘дурадгор’ (*درد dorud* ‘ёғочтахта’) ясама сўзлар гуруҳи «сўз ясалиш асосидан англашилган нарсага оид иш билан шуғулланадиган ёки шу нарсадан бирор буюм ясовчи шахс»ни билдиради. Булардаги сўз ясалиш асосларига хос умумийлик – ишлов



бериладиган «материал» маъносини (нарса-буюм оти) билдиради ва бир лексик-семантик гуруҳни – лексик системани ташкил этади. Демак, сўз яса-лиши маъноси – айна бир сўз ясовчи воситасида маълум бир лексик-семантик гуруҳга оид сўзлардан ҳосил қилинган сўзлар учун умумий бўлган маъно.

Л.Н. Киселеванинг «Очерки по лексикологии языка дари» монографияси иловасида дарий тилидаги 103 та сўз ясовчи (булар кўпчиликни ташкил қилади) ва шакл ясовчи аффикслар келтирилади (бу рўйхатга сермахсул яримаффикслар ҳам киритилган)¹. Табиий, бу аффиксал морфемаларнинг маҳсулдорлик даражаси бир хил эмас. Аффиксал сўз ясалишида булар орқали асосан от ва сифатлар ясалади. Аффиксал сўз ясалишининг сўз ясалиши *асоси + аффиксал морфема* ёки *аффиксал морфема + сўз ясалиши асоси* модели *fārsi-ye dāri* ёки *dāri* тили тарихидаги ўзгармас умумий модель ҳисобланади². Бироқ «...аффиксация усугли орқали сўз яшаш асосан доимий жараён бўлса ҳам, лекин аффиксларнинг таркиби ва миқдори ўзгарувчан бўлган. Баъзи бир аффикслар ҳозирги даврда каммахсул аффиксларга айланган, янги аффикслар вужудга келган, бири иккинчиси билан алмаштирилган, баъзи аффикслар ўзак билан чатишиб кетган, аффикслар алломорфлари, омонимлари ривожланган, аффиксал блоklar ва яримаффикслар блокаи кўпайган»³.

Таъкидлаш керакки, Л.Н. Киселева томонидан ҳозирги дарий, форс ва тожик тиллари сўз ясалиши тизимида классик форс тили давридан кейинги фарқли жиҳатлар 8 та сўз ясовчи суффикс – *-gak (-ak)*, *-a*, *-i < -ih*, *yâ-e nesbat*, *-in* ва *-ina*, *-dâni*, *-bâb*, *-ôk* мисолида ёритилган⁴. Кўрсатилган суффикслар нарса-буюм оти, мавҳум от ва сифат ясайди.

Дарий тили сўз туркумларида сўз ясовчи аффикслар М.Н. Негҳат Саидийнинг «دستور زبان معاصر دری» («Ҳозирги дарий тили грамматикаси») ⁵ асарида ўрганилган (149-159- бетлар). Сўз ясовчи префикслар (پیشوندهای اشتقاقی اسمی، صفتی *pêšwandhâ-ye ešteqâqi-ye esmi, sefati*) бандида 8 та префикс (150- бет) келтирилган. Булардан *ba-*, *nâ-*, *bâ-* – сифат, *bê-*, *na-* – сифат-равиш, *doš-* – от, *ham-* – от-сифат, *em-* – от-сифат-равиш ясовчи, деб белгиланган. Бироқ булардан *em-* ва *doš-* ҳозирги дарий (шунингдек, форс ва тожик) тилида маҳсулсиз, булар иштирокида сўз ясалиши умуман кузатилмайди. Сўз ясовчи суффикслар от (پسوندهای اسمی *paswandhâ-ye esmi*), сифат (پسوندهای صفتی *paswandhâ-ye sefati*) ва raviш (پسوندهای قیدی *paswandhâ-ye qaidi*) ясовчилар ҳамда от-сифат-равиш ясовчилар (پسوندهای اسمی – صفتی – قیدی *paswandhâ-ye esmi – sefati – qaidi*) гуруҳига ажратилган. От ясовчиларга 28 та (153-155- бетлар), сифат ясовчиларга 17 та

¹ Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии языка дари. – М.: Наука, 1973. – С. 131-140.

² Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1975. – С. 70.

³ Quronbekov A. Fors tili leksikologiyasi. – Toshkent: TDSHI, 2009. – В. 16.

⁴ Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии языка дари. – М.: Наука, 1973. – С. 111-130.

⁵ محمد نسیم نگهت سعیدی. دستور معاصر زبان دری. – کابل، ۱۳۹۲.



(156-157-бетлар) ва равиш ясовчиларга 8 та суффикс (158- бет) киритилган. Лекин от ясовчилар таркибида негадир кўплик ва кичрайтиш аффикслари ҳам берилган. Шахс оти ясовчи چی *-čī* суффикси сифат ясовчилар гуруҳига асоссиз киритилган. «Умумий» аффикслар – от-сифат-равиш ясовчилар гуруҳидаги 14 та суффиксининг баъзиларини, бизнингча, от ясовчи (масалан, بان *-bân/ وان -wân*) ёки сифат ясовчи (ا *-â, مند -mand*) деб аниқ белгилаш имкони бор. Умуман, бу гуруҳга бириктирилган суффикслар таҳлил қилинса, чигал вазият юзага келади. Чунки اسا *-asâ* ва سان *-sân* сифат ва равиш ясади, *-a* суффикси асосан от, баъзан сифат, گر *-gar, گار -gâr, کار -kâr* шахс оти ясовчилари иштирокида эса сифат ясаши мумкин.

Форс тилшунослигида айрим сўз туркумлари, чунончи, от ва сифат, аслий сифат ва равиш орасига қатъий формал чегара қўйиб бўлмаслиги доим таъкидланган¹. Бундай хулоса туб сўзларга тегишли. Дарий тилида (шунингдек, форс тилида) ясалма бирликларда уларнинг муайян лексик-грамматик туркумга оидлиги аксарият ҳолларда аниқ ифодаланади:

زیر *zêr* ‘ост’ (от) ва ‘остки’ (сифат), бироқ زیرین *zêrin* ‘остки’ (сифат),
خنک *xonok* ‘совук’ (сифат) ва ‘совук’, ‘аёз’, бироқ خنکی *xonoki* ‘совук’, ‘аёз’ (от),

قیمت *qimat* ‘қиймат’, ‘нарх’, ‘баҳо’ (от) ва ‘қимматбаҳо’ (сифат), бироқ
پر قیمت *porqimat* ‘қимматбаҳо’ (сифат),

بامداد *bâmdâd* ‘тонг (пайти)’, ‘субҳидам’ (от) ва ‘тонгда’ (равиш), бироқ
بامدادان *bâmdâdân* ‘тонгда’ (равиш),

نیک *nêk* ‘яхши’ (сифат, равиш)дан *-i* суффикси ёрдамида نیکی *nêki* ‘яхшилиқ’ (от),

تند *tond* ‘қаттиқ’, ‘кўпол’, ‘дағал’ (сифат, равиш)дан به *ba-* ва ی *-i* ясовчилари орқали بتندی *batondi* ‘кўполлик билан’, ‘кўрс’ (равиш).

Демак, дарий тилида сўз ясовчи аффикс, одатда, муайян лексик-грамматик туркумга оид сўзни ясади. Бошқача айтганда, ясалма бирликларда сўз ясовчилар бир вақтнинг ўзида категориал белги вазифасини ҳам бажаради².

Яримаффиксал сўз ясаши.

Сўз ясашининг кейинги усули – яримаффиксация. Эрон тилшунослигида мазкур усул аффиксация ва композиция оралиғидаги сўз яшаш типига бирлаштирилади³. Ўзбек тилидаги аффиксоид (*лот.* *affixus* – бирлаштирилган, бириктирилган, *юн.* *eidos* – тур) – аффикс вазифасида қўлланувчи морфема⁴, яримаффиксга тўғри келади. Зеро, Ш. Раҳматуллаев таъкидлаганидек,

¹ Мухамедова Н.А. Классификация частей речи персидского языка в работах иранских грамматистов // Восточное языкознание. – Ташкент: ТашГУ, 1990. – С. 21-28.

² Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии языка дари. – М.: Наука, 1973. – С.109.

³ Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1973. – С. 96.

⁴ Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б. 20.



аффиксоид (*лот.* affixoid – аффиксга ўхшаш) деб асли лексик бирлик бўлиб, кейинчалик худди аффикс каби грамматик маъно ифодалашга хизмат қилиб, аффикс каби бир неча лексемаларга қўшилиб келиш хусусиятига эга бўлган бирликка айтилади¹. Бироқ улар ўзбек тилида жуда кам учрайди².

Яримаффикслар ҳақида баҳс кетганда, бу усул қатъий қоидага эга эмаслигини кўрамиз. Яримаффикслар деб ҳисобланувчи ҳозирги замон феъл негиз (ҲЗН)лари қўшма сўзнинг иккинчи таркибий қисми сифатида ҳам қаралади³. Уларни суффикслар деб ҳам ҳисоблайдилар⁴. Л.С. Пейсиковнинг изоҳлашича, «кўрсатилган негизларни аффиксал морфемалар (суффикслар) жумласига узил-кесил киритиш учун етарли далиллар мавжуд эмас, чунки уларнинг ўзи сўз ясашда ясовчи асос сифатида қўлланиши мумкин: *nāyāb* ‘камёб’, *nāzā* ‘бепушт’, *xorāk* ‘озик’, ‘овқат’, *gire* ‘қисқич’, ‘скрепка’ ва б.»⁵.

Ҳозирги дарий тили луғат таркибининг бойишида яримаффикслар (исмий ва феълий) орқали сўз ясаш етакчи ўрин тутди. Яримаффиксларнинг аффикслардан фарқи шундаки, улар ўз маъносини аниқроқ сақлаб қолган бўлади⁶. Яримаффикслар кам миқдорда исмий яримпрефикс ва яримсуффикс ҳамда кўп миқдорда феълдан келиб чиққан яримсуффикслардан иборат. Дарий тили сўз ясашида иккинчи қисми феъл (содда феълларнинг ҲЗН, уларнинг *-i* суффикси ёки инкор юкламаси билан келган вариантлари, буйруқ майли шакли)дан иборат сўзлар салмоқли фоизни ташкил этади. Префиксли ва қўшма феълларнинг ҲЗНлари бу ўринда кам учрайди. Феъл сўз-морфемаларнинг катта миқдори туфайли яримаффиксация усули аффиксация ва композиция усуллари сингари сўз ясашида фаол қўлланилади. Яримаффиксларнинг ишлатилиши асосан янги ижтимоий-сиёсий ва илмий-техник терминларнинг ясаши билан боғлиқ.

Рус эроншунослигида яримаффикслар С.А. Алиевнинг номзодлик диссертациясида⁷ тадқиқ қилинган. В.И. Месамед яримаффикслар орқали ясалган сўзларнинг қўшма сўзларга яқинлигини таъкидлаб, уларни «компози-тоид» деб атайди⁸. Л.Н. Киселева таснифида ҳам яримаффикслар қўшма сўз компоненти сифатида ўрганилган⁹. Бироқ яримаффиксларнинг аффиксга

¹ Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o‘zbek tili. – Toshkent: Universitet, 2006. – B. 116.

² Ўзбек тили грамматикаси. 2 томли. – Тошкент: Фан, 1975. Т.1. – Б. 82.

³ Чавчавадзе Т.А. Именное словосложение в новоперсидском языке. – Тбилиси: Мецниереба, 1981.

⁴ Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1973. – С. 98.

⁵ Кўрсатилган асар. – Б. 13.

⁶ Quronbekov A. Fors tili leksikologiyasi. – Toshkent: TDShI, 2009. – B. 17.

⁷ Алиев С.А. Полуаффиксация в системе словообразования современного персидского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1985. – 19 с.

⁸ Месамед В.И. Калькирование как один из способов пополнения словарного состава современного персидского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 1984. – С. 10.

⁹ Киселева Л.Н. Язык дари Афганистана. – М.: Наука, 1985. – С. 45-46.



айланиши эҳтимолининг аниқлиги эътиборга олинса, бу усул ҳосилалари учун «ясама сўз» терминини қўллаган маъқул.

Келтирилган тадқиқотларда яримаффикслар икки турга: فعلی پسوند واره های *paswandwârahâ-ye fe'li* 'фeyлий яримаффикслар' ва پسوند واره های اسمی *paswandwârahâ-ye esmi* 'исмий яримаффикслар'га ажратилади. Яримаффикслар ичида содда ва блоккли яримаффикслар фарқланади. Блоккли яримаффикслар фeyлларнинг ҲЗН ва сўз ясовчи аффиксдан иборат бутун бирикма ҳисобланади.

Яримаффикслар миқдорининг аффиксал морфемалардан кўп бўлиши табиий. «Аффикслар мустақил сўзлардан келиб чиққан»¹ деган фикрга асослансак, мустақил сўз яримаффикс аффикс кетма-кетлиги аффиксларнинг туғилиш йўлларида бири эканлиги маълум (ҳамма аффикснинг ҳам тарихи тўғридан-тўғри мустақил сўзга бориб тақала бермайди; масалан, бир аффикснинг фонетик (ёки фонетик ўзгаришсиз) варианты бора-бора маъно ва функция жиҳатидан фарқланиб, махсусланиб (аввалги умумий мазмун ва вазифа бу икки вариант орасида тақсимланиб), икки аффикс туғилади ёки бошқа тилдан ўзлаштирилади). Аффиксларнинг аслда мустақил сўздан туғилиши келиб чиқиш жиҳатидан сўз бирикмаси билан қўшма сўз орасида, қўшма сўз билан содда ясама сўз орасида тарихий муносабат борлигини кўрсатади². Айрим эронлик тилшунослар форс тилида яримаффиксларни «оралиқ ҳолат» деб баҳолайдилар³. Демак, яримаффикс ҳақидаги баҳслар мавжуд бўлган ва давом этади. Яримаффикс ҳақидаги қарашлар даврга кўра нисбий баҳоланади.

Қўшма сўзлар тадқиқи муаммоси.

Маълумки, сўз қўшиш ёки композиция усули билан сўз ясалиши деганда, одатда, қўшма сўзлар назарда тутилади. Л.С. Пейсиковнинг сўз ясалишига оид очеркида композиция ҳодисасига моделлар асосида ўзакларнинг қўшилиши⁴, деб таъриф берилади. Шунингдек, ҳамма қўшма сўзлар сўз қўшиш асосида юзага келмаганлиги, улар бошқа йўллар (синтактик бирликнинг лексикализациялашуви, конверсия ва б.) билан ҳам ясалиши таъкидланади⁵. Шунини айтиш керакки, у ёки бу сўзнинг қўшма сўз деб қаралиши уларнинг морфем структурасига боғлиқ. Яъни таркибида бирдан ортиқ мустақил лексик маъно ифодалай оладиган бирлик бўлган ҳар қандай сўз қўшма сўздир. Лекин тилда бирор сўзнинг у ёки бу йўл орқали, бирор

¹ Ўзбек тили грамматикаси. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975. Т.1. – Б. 80.

² Кўрсатилган асар. – Б. 81.

³ ایران کلباسی. ساخت اشتقاقی واژه در فارسی امروز. – تهران، ۱۹۹۲. – ص. ۲۴-۲۵، ۱۴۵

⁴ Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1973. – С. 155.

⁵ Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1975. – С. 99.



ходиса туфайли юзага келиши билан махсус усул асосида янги сўз ҳосил қилиш ҳодисасини фарқлаш керак. Бундай сўзлар сўз ясалишининг тамомила бошқа-бошқа усулларига мансуб бўлиши мумкин. Шу сабабли композиция усули билан сўз ясалиши деганда умуман қўшма сўз ясалишини тушуниш ва қўшма сўз ҳосил бўлиши деганда фақат композиция усули билан сўз ясалишини назарда тутиш тўғри бўлмайди.

Жаҳон тилшунослигида қўшма сўзлар бўйича жуда кўп ишлар қилинган, кўп фикрлар айтилган. Бироқ дарий ва форс тилшунослигида бу ҳодисанинг моҳияти шу вақтга қадар аниқ белгилангани, бу масалада бир фикрга келингани йўқ. Қўшма сўзни аниқлашда тадқиқотчилар турли мезонларга асосланадилар – баъзилар фақат формал, бошқалари катъий равишда семантик ёки функционал жиҳатдан ёндошадилар. Бир гуруҳ олимлар қўшма сўзни унинг яхлитлигидан келиб чиқиб тадқиқ этсалар, бошқалари бу ҳолатни эътибордан четда қолдириб, қўшма сўз компонентларининг морфологик таркибини тавсифлаш билан чекланадилар¹.

Дарий тилида қўшма сўз масалалари Л.Н. Киселева², Р. Фарҳодий³, М.Н. Негҳат Саидий⁴, форс тилида В.С. Расторгуева⁵, Н.А. Ахмеджанова⁶, М. Шокий⁷, Ж.Ш. Гиунашвили⁸, Т.Д. Чхеидзе⁹, Ю.А. Рубинчик¹⁰, Л.С. Пейсиков¹¹, Т.А. Чавчавадзе¹² каби олимлар томонидан турли даражада ўрганилган.

Юқорида санаб ўтилган олимларнинг илмий асарларида қўшма сўзлар турлича тасниф қилинади. Масалан, В.С. Расторгуева, Н.А. Ахмеджанова ва Ю.А. Рубинчик форс тилидаги қўшма сўзларни икки катта гуруҳга

¹ Бу ҳақда қаранг: Чавчавадзе Т.А. Именное словосложение в новоперсидском языке. – Тбилиси: Мецниереба, 1981. – С. 16-30.

² Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии языка дари. – М.: Наука, 1973; Киселева Л.Н. Язык дари Афганистана. – М.: Наука, 1985.

³ Фархади Р. Разговорный фарси в Афганистане. – М.: Наука, 1974.

⁴ محمد نسيم ننگهت سعیدی. دستور معاصر زبان دری. – کابل، 2013.

⁵ Расторгуева В.С. Краткий очерк грамматики персидского языка // Б.В. Миллер. Персидско-русский словарь. – М.: Госиздат иностранных и национальных словарей, 1960. – С. 613-668.

⁶ Ахмеджанова Н.А. Словообразование имен существительных и прилагательных в современном литературном персидском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1956.

⁷ Shaki M. A study on nominal compounds in neo-persian. – Praha, 1964.

⁸ Гиунашвили Дж.Ш. Глагольный компонент детерминативных именных образований персидского литературного языка. Автореф. дис. ... канд. фил. наук. – Тбилиси, 1968.

⁹ Чхеидзе Т.Д. Именное словообразование в персидском языке. – Тбилиси: Мецниереба, 1969.

¹⁰ Рубинчик Ю.А. Грамматический очерк персидского языка // Персидско-русский словарь. В 2-х т. – М.: Русский язык, 1985. Т. 2; Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М.: Издательская фирма «Восточная литература» РАН, 2001.

¹¹ Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1973; Пейсиков Л.С. Лексикология современного персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1975.

¹² Чавчавадзе Т.А. Именное словосложение в новоперсидском языке. – Тбилиси: Мецниереба, 1981.



бўладилар: 1) копулятив; 2) детерминатив қўшма сўзлар. Т.Д. Чхеидзе эса қўшма сўзларнинг қуйидаги турларини ажратади: 1) копулятив; 2) детерминатив; 3) посессив; 4) такрорий қўшма сўзлар.

Л.С. Пейсиковнинг фикрича, форс тилида қўшма сўзлар уч гуруҳга бўлинади: 1) детерминатив қўшма сўзлар (детерминативлар); 2) копулятив қўшма сўзлар (копулятивлар); 3) синтактик типдаги қўшма сўзлар – битишмалар.

Т.А. Чавчавадзе форс тилидаги қўшма сўзларни таснифлашда ҳиндий тилидаги номланишлардан фойдаланиб, тўрт турга ажратади: 1) двандва (копулятив қўшма сўзлар); 2) татпуруша (детерминатив қўшма сўзлар); 3) баҳувриҳи (посессив қўшма сўзлар); 4) авъяйибҳава (қўшма равишлар).

«Баҳувриҳи» термини эрон тилшунослигида қўшма сўз тадқиқига доир ишларда учраб туради¹. Посессив қўшма сўз ёки баҳувриҳи қўшма сўзнинг қадимий турларидан биридир. Манбаларда келтирилишича, ўрта давр форс тилида (эр. ав. IV аср – эрамизнинг VII-VIII асрлари) ҳам баҳувриҳи қўшма сўз ҳосил қилишнинг сермахсул тури ҳисобланган². Т.Д. Чхеидзеннинг фикрича, бу турдаги қўшма сўзларни детерминатив қўшма сўзларнинг бир тури сифатида қараш ҳолатлари учраб туради, чунки кўпгина ҳолларда уларни фарқлаш қийин³. Мазкур тур қўшма сўзлар ҳақида Т.А. Чавчавадзенинг «Именное словосложение в новоперсидском языке» монографиясида диққатга сазовор фикрлар баён қилинган⁴.

Форс тилшунослигида қўшма сўзларни таснифлаш ҳинд грамматика ёки европа анъаналарига асосланган, десак хато қилмаймиз. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, В.С. Расторгуева, Н.А. Ахмеджанова, Ю.А. Рубинчик, Л.С. Пейсиков томонидан илгари сурилган тасниф қўшма сўзларни европача таснифлаш тизимига, Т.Д. Чхеидзе ва Т.А. Чавчавадзе таснифи эса семантик принципга, яъни ҳиндча таснифга асосланган.

Дарий тилшунослигида қўшма сўзлар алоҳида тасниф қилинмаса-да, Л.Н. Киселева ва Р. Фарҳодийнинг грамматик очеркларида композиция ҳодисасининг ўрни ҳақида умумий маълумотга эга бўлиш мумкин. Р. Фарҳодийнинг «Разговорный фарси в Афганистане» монографиясида қўшма сўзлар ҳақида кўпроқ маълумот бор (171-187-бетлар). Монография 1955 йил Парижда француз тилида чоп этилган бўлиб, 1974 йили муаллифнинг қайта тўлдирилган ва тузатишлар киритилган варианты Б.Я. Островский томони-

¹ Пейсиков Л.С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1973. – С. 147.

² Бу ҳақда қаранг: Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. – М.: Наука, 1981. – С. 76.

³ Чхеидзе Т.Д. Именное словообразование в персидском языке. – Тбилиси: Мецниереба, 1969.

⁴ Чавчавадзе Т.А. Именное словосложение в новоперсидском языке. – Тбилиси: Мецниереба, 1981. – С. 35.



дан рус тилига ўғирилган. Монография кобулий лаҳжасини тадқиқ қилишга бағишланган бўлса-да, сўз ясашиши бўлимида копулятивлар ҳамда лексик морфемаларни қўшиш орқали от ва сифат ясашиши ҳақидаги баъзи назарий фикрлар ҳам баён қилинган.

М.Н. Негҳат Саидий қўшма сўзни «икки мустақил сўз ёки икки мустақил ва бир ёхуд бир неча мустақил бўлмаган (суффикслар, боғловчилар, олд кўмакчилар) қисмлардан ҳосил бўлади»¹, деб таърифлайди ва дарий тилидаги қўшма сўзларни қуйидаги турларга ажратади:

- 1) مرکب امتزاجی *morakkab-e emtezâji* ‘аралаш (қоришиқ) қўшма сўзлар’;
- 2) مرکب تکراری *morakkab-e takrâri* ‘такрорий қўшма сўзлар’;
- 3) مرکب عطفی *morakkab-e atfi* ‘боғланган қўшма сўзлар’;
- 4) مرکب هموزن *morakkab-e hamwazn* ‘тенг морфемали қўшма сўзлар’;
- 5) مرکب اتصالی *morakkab-e ettesâli* ‘бириккан қўшма сўзлар’².

Унинг фикрича, қўшма сўзни сўз бирикмасидан фарқловчи белгилар қуйидагилардир:

1) қўшма сўз таркибий қисмлари орасига бошқа сўз киритиб бўлмайди: چارمغز *çarmağz* ‘ёнғоқ’, کیهان نور *kayhânnaward* ‘космонавт’, گل بته *golbota* ‘гулбута’;

2) сўзлар йиғиндисининг маъноси улар маъносидан бошқача: دلکش *delkaš* ‘дилкаш’, ‘ёқимли’, در دسر *dardesar* ‘дардисар’;

3) кўплик белгиси қўшма сўзни сўз бирикмасидан фарқлайди: مرد کار *mardekar* – مرد کارها *mardekarhâ* ‘мардикор – мардикорлар’, صاحب منصب *saheb mansab* – صاحب منصبان *saheb mansabân* ‘офицер – офицерлар’;

4) урғу қўшма сўз ва сўз бирикмаси чегарасини белгилайди;

5) агар қўшма сўз қисмларидан бири мустақил маънога эга бўлмаса ёки алоҳида қўлланмаса, у қўшма сўз саналади: تیت و پرک *titoparak* ‘тартибсиз сочиб юборган; тўзиб кетган’, کار و بار *kârobâr* ‘ишлар’;

6) ягона урғу бўлади: هندی-اروپایی *hendi-orupâyi* ‘хинд-европа’;

7) сўз ясовчи суффикслар ҳам баъзан қўшма сўз чегарасини белгилайди: زن و شویی *zanošuyi* ‘эр-хотинлик’, دست(و)پاچگی *dastopâçagi* ‘саросималик’, ‘шошиб қолиш’³.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қиладиган бўлсак, дарий тилида қўшма сўзлар қуйидаги белгиларга эга:

1. Фонетик белги. Қўшма сўз бир асосий (бош) урғуга эга бўлади.

2. Грамматик белги. Қўшма сўз қисмлари орасида грамматик алоқа мавжуд бўлмайди.

3. Семантик белги. Қўшма сўз бир маънони ифодалайди.

Демак, қўшма сўз содда сўз каби тил бирлиги бўлиб, нутқда ундан тайёр ҳолда фойдаланилади.

¹ محمد نسيم نكھت سعیدی. دستور معاصر زبان دری. – کابل، 2013. – ص. 165.

² Кўрсатилган асар. – Б. 166-173.

³ Кўрсатилган асар. – Б. 165-166.



Юқорида таҳлил этилган таснифларнинг барчаси қўшма сўзнинг ўзига хос хусусиятларини очишга хизмат қилади. Бироқ қўшма сўз типлари ва моделларини тавсифлашда М.Д. Степанова¹ қўллаган усул фойдаланиш учун қулай. Бунда қўшма сўзлар икки принцип асосида: а) структур-генетик жиҳатдан ва б) қўшма сўз таркибий қисмларининг ўзаро синтактик-семантик муносабатига кўра таснифланади.

Қўшма сўзларга оид ишларда қўшма сўзларнинг ясалиш модели ҳақида гапирилади ва бунда, одатда, «қўшма сўз»нинг таркиби қайси туркумга оид сўздан бўлиши назарда тутилади. Бизнингча, қўшма сўз таркибининг қайси сўз туркумига оид сўзлардан бўлиши сўз ясалиши нуқтаи назаридан ҳеч нарсани белгиламайди. Мисол учун:

کودکان از بازی های یکنواخت شان دست می کشند، سرویا برهنه فریادزنان، سوی سرک می دوند: – موتر، موتر! ²

Kudakân az bâzihâ-ye yaknawaxtešân dast mêkašand, sar-o-pâberahna faryâdzanân, su-ye sarak mêdawand: – Môtar, môtar!

‘Болалар бир зайлдаги зерикарли ўйинларини йиғиштириб, ялангбош, ялангоёқ қийқирганча кўча тарафга қараб югурадилар: – Машина, машина!’

یکنواخت *yaknawaxt*: сон+от модели (یک *yak* ‘бир’, *nawaxt* ‘ритм’, ‘темп’ – *nawâxtan* ‘чалмоқ’ феълининг ўтган замон негизи (ЎЗН) отлашуви (транспозиция усули)); *sar-o-pâberahna*: от+сифат модели (سرویا *sar-o-pâ* ‘бош-оёқ’ (от+интерфикс+от моделидаги ясалма мураккаб ясовчи асос сифатида), *berahna* ‘яланг’).

Қўшма сўзлар фақат сўз қўшиш асосида эмас, балки синтактик бирликнинг лексик бирликка айланиши орқали ҳам ҳосил қилинади³. Шу ўринда таъкидлаш керакки, дарий тилида от + олд кўмакчи + от моделидаги сўзлар ҳақида гап кетганда, бундай қўшма сўзларнинг аксарияти «нотурғун» сўзлар жумласига кириши айтилади⁴, чунки бу типдаги сўзларнинг синтактик жиҳатдан яхлитлиги бирикмадан маълум бўлади. Масалан, چشم بودن *čašm/ba/râh* ‘кўз тутган’, ‘умидвор’ сўзи *nešastan* ‘ўтирмақ’ ёки *budan* ‘бўлмақ’ феъли билан қўлланганда, яхлит бирлик, яъни қўшма сўз: چشم براه بودن *čašmbarâh nešastan* ва چشم براه بودن *čašmbarâh budan* ‘кутмоқ’; دوختن *dôxtan* ‘тикмоқ’, ‘қадамоқ’ феъли билан қўлланганда эса, таркибий қисмларга ажралади: چشم براه کسی دوختن *čašm ba râh-e kasê dôxtan* (бу ўринда چشم *čašm* сўзи *dôxtan* феълига воситали тўлдирувчи) ‘кимнингдир йўлига кўз тикмоқ’. Ёки *pâ/dar/rekâb* 1) ‘жўнаб кетувчи’, ‘йўлга (сафарга) чиқишга тайёр’; 2) ‘ўткинчи’, ‘вақтинча’, ‘омонат’ сўзи

¹ Степанова М.Д. Словообразование современного немецкого языка. – М.: Изд-во литературы на иностранных языках, 1953. – С. 111.

² رهنورد زریاب. نقش ها و ی پندارها. – کابل: انجمن نویسندگان افغانستان، ۱۳۶۶ش. – ص ۴۹.

³ Бу ҳақда қаранг: Рубинчик Ю.А. Грамматика современного персидского литературного языка. – М.: «Восточная литература» РАН, 2001. – С. 162-284.

⁴ Киселева Л.Н. Очерки по лексикологии дари. – М.: Наука, 1973. – С. 103.



کردن *skardan* феъли билан қўлланганда, پادر رکاب کردن *pâ dar rekâb kardan* ‘узангига оёқ қўймоқ’, ‘оёқни узангига тикмоқ’ қўшма сўзлигини йўқотади¹. Қиёсланг: شاخ های درخت میوه دار سربھوا نمی باشد *Šâx-hâ-ye daraxt-e mêwadâr sarbahawâ namêbâšad* ‘Мевали дарахт шохлари кўкка бош кўтармайди’ (қўшма сўз); دل به تماشا سربھوا است *Sar ba hawâ del ba tamâšâ* ёки دل به تماشا سربھوا است *Del ba tamâšâ sar ba hawâ ast* ‘Хардамхаёл (боши осмонда-ю, кўнгли томошага банд)’ (сўз бирикмаси).

Айрим ишларда юқоридаги мисоллар фразеологик бирликлар деб ҳам қаралади². Ю.А. Рубинчикнинг фикрича, *dast be dast, dast dar dast, dahân be dahân, tu be tu* кабилар такрорий фразеологик бирликлардир. Уларнинг қўшма сўз бўлмаслигига сабаб: ҳар бир сўз мустақил урғуга эга, улар ўртасида пауза мавжуд. Олд кўмакчиларни боғловчи الف اتصال *alef-e ettesâlga* айлантириш мумкин бўлган ҳоллардагина уларни қўшма сўз деб ҳисоблаш мумкин: *peydarpey* ↔ *peyâpey*, *dambadam* ↔ *damâdam*, *sartâsar* ↔ *sarâsar*. Мазкур бирикмаларда олд кўмакчи интерфиксга айланган³.

М. Шокий *sar-tâ-sar* ни *az yek sar ta sar-e digar* дан ажратиб олинган ярим синтактик ибора (semi-syntactical bound phrase) деб ҳисоблайди. Унингча, бу ибора *tâ* олд кўмакчисининг аферезистга учраши (яъни *â* боғловчисига айланиши) туфайли қўшма сўз – *sarâsar* га айланган⁴. У, шунингдек, *ganj-bar-sar*, *pâ-y-bar-ganj* каби бирикмалар ярим синтактик иборалар бўлиб, феълнинг тушиб қолиши (эллипсис) натижаси эканлигини таъкидлайди. Масалан, *ganj-bar-sar* ва *pâ-y-bar-ganj* бирикмаларида *nahâde*, *sorâhi-dar-dast* ва *qalyân-be-dast* бирикмаларида *gerefte* феълнинг тушиб қолиши кўрсатилган. Бироқ М. Шокий уларни *sar-tâ-sar* га ўхшаб, мукаммал қўшма сўзга айлана олмаслигини уқтиради⁵.

Сўз бирикмаси билан қўшма сўзнинг бир-бирига муносабати тўғрисида гап кетганда, улар орасига кескин чегара қўйиб бўлмаслигини алоҳида кўрсатиб ўтиш зарур. Сўз бирикмаси – қўшма сўз ҳосил бўладиган асосий манбалардан бири. Сўз бирикмаси билан қўшма сўз орасида икки хил баҳоланадиган ҳодисалар кўп учрайди. Қолаверса, юқорида келтирилган мисоллар сингари икки хил талқинга йўл қўядиган бирикмалар масаласи қўшма сўз назариясининг энг заиф нукталаридан биридир. Бу эса қўшма сўзни сўз бирикмасидан фарқлашда юқорида келтирилган уч белги ичида грамматик белги устун туришини кўрсатади.

Маълумки, синтактик бирликнинг лексик бирликка айланиши – лексикализация аста-секин юз берадиган, узок давом этадиган жараён дир. Бу усулдаги барча ясалмаларни сўз бирикмаларининг лексикалашуви натижасида

¹ Кўрсатилган асар. – Б. 103.

² Рубинчик Ю.А. Основы фразеологии персидского языка. – М.: Наука, 1981. – С. 71-75.

³ Кўрсатилган асар. – Б. 75.

⁴ Shaki M. A study on nominal compounds in neo-persian. – Praha, 1964. – P. 18.

⁵ Кўрсатилган асар. – Б. 19.



ҳосил бўлган, дея олмаймиз. Чунки мазкур жараён натижасида модель ҳосил бўлиши мумкинлигини ҳам унутмаслик керак.

Ҳасан Ануша ва Ғуломрезо Худобандалу томонидан тузилган изоҳли луғат сўзбошисида ҳозирги дарий тили (*Афғонистон форсийси*)нинг форс тили (*Эрон форсийси*)дан ўнта энг муҳим фарқи қайд қилинган¹. Бу тафовутлардан иккитаси дарий тилидаги қўшма сўзлар билан боғлиқ:

1. Қўшма сўз ясалишида сифатловчи сифатланмиш олдидан келади:

چارخيار *čambarxiyâr* ‘бодринг’ (*туру*) (چارخيار *čambar* ‘чамбар(ак)’, ‘гардиш’, خيار *xiyâr* ‘бодринг’),

بيد *majnunbêd* ‘мажнунтол’ (مجنون *majnun* ‘мажнун’, بيد *bêd* ‘тол’),

كورموش *kurmuš* ‘кўрсичқон’ (كور *kur* ‘кўр’, موش *muš* ‘сичқон’),

شورنخود *šornaxôd* ‘шўрнўхат’ (شور *šôr* ‘шўр’, نخود *naxôd* ‘нўхат’),

سفيد ريش *safêdriš* ‘оқсоқол’ (سفيد *safêd* ‘оқ’, ريش *riš* ‘соқол’) каби.

این حیوان مانند کورموش کاملاً در زیر زمین زندگی می کند²

In haywân mânan-d-e kurmuš kâmelan dar zêr-e zamin zendagi mêkonad

‘Бу ҳайвон кўрсичқон каби бутунлай ер остида яшайди’;

پس کن دختر پچق و کورموشت را. کور است مگر³

Pas kon doxtar-e počoq wa kurmušat-râ. Kur ast magar

‘Пучук ва қисик кўз (кўрсичқон) қизингни кўй. Наҳотки, кўр бўлса’.

2. Қўшма сўз ясалишида қаратқич (изоҳловчи) қаралмиш (изоҳланмиш)

олдидан келади:

دندان خلال *dandân xelâl* ‘тишқавлагич’ (دندان *dandân* ‘тиш’, خلال *xelâl* ‘ингичка чўп’),

بادام باغ *bâdâmbâğ* ‘бодомзор’ (بادام *bâdâm* ‘бодом’, باغ *bâğ* ‘боғ’),

پنیر مایه *panermâya* ‘ачитқи’ (پنیر *paner* ‘пишлоқ’, مایه *mâya* ‘ачитқи’, ‘хамиртуруш’),

داماد خانه *xânadâmâd* ‘ичкүёв’ (خانه *xâna* ‘уй’, داماد *dâmâd* ‘күёв’) каби.

نازی به غلام می گوید: هندوستان بیا، همان جا به مراد می رسیم و تو خانه داماد شو⁴

Nâzi ba gôlâm mêgôyad: Hendustân byâ, hamânjâ ba morâd mêrasêm wa tu xânadâmâd šaw

‘Нози хизматкорга дейди: «Ҳиндистонга кел, ўша ерда муродимизга етамиз, сен эса ичкүёв бўл»’;

و با ازدواج با دختراندر وی در همان خانه می زیست و به اصطلاح خانه داماد شد⁵

Wa bâ ezdewâj bâ doxtarandar-e way dar hamân xâna mêzist wa ba estelâh xânadâmâd šod

‘Унинг ўғай қизига уйланиб, ўша уйда яшарди ва ичкүёв номини олди’.

¹ حسن انوشه، غلامرضا خدابنده لو. فارسی نانشینده: فرهنگ واژه ها و اصطلاحات فارسی و فارسی شده کاربردی در افغانستان. – تهران: نشر قطره، ۱۳۹۱. – ص. ۵.

² دایرة المعارف آریانا. – کابل: انجمن دایرة المعارف، ۱۳۲۸-۱۳۴۸ش (۶ جلد). – ص ۲۳۸/۱.

³ حسین فخری. اشک کلثوم. به اهتمام علی محمد عثمان زاده. – کابل: انجمن نویسندگان افغانستان، ۱۳۶۶ش. – ص ۶.

⁴ نعمت حسینی. سیما ها و آواها. – کابل: وزارت اطلاعات و کلتور ج.د.ا، ۱۳۶۷ش. – ص. ۴۹۹.

⁵ واریکا دیل دی. سه زن هراتی. ترجمه عبدالعلی نور احراری. – هرات: احراری، ۱۳۹۰ش. – ص ۱۷۵.



Форс тилида ҳам қўшма сўз таркибий қисмларининг юқоридаги (сифатловчи (ёки қаратқич)нинг сифатланмиш (ёки қаралмиш)дан олдин келиши) каби моделлари, яъни *اضافهٔ مقلوب ezâfa-ye maqlub* ҳолатида воқеланиши мавжуд. Шу сабабли бу мавзуни алоҳида тадқиқот объекти бўлиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса.

1. Дарий тили узоқ давр мобайнида илмий тадқиқот объекти сифатида форс тилининг тадқиқига оид ишлар таркибида ўрганилди. Форс тили лексикологияси ва сўз ясаши тадқиқи натижалари дарий тилининг назарий масалаларида эътиборга олинмиши шарт, бироқ тўлиқ экстраполяция қилина олмайди. Форс тили сўз ясаши соҳасидаги тадқиқотлар дарий ва форс тиллари кесишган ва фарқловчи жиҳатларни белгилашга имкон беради.

2. Дарий ва форс тилларида сўз ясовчи аффикс бир вақтнинг ўзида категориал белги вазифасини ҳам бажаради. Бу эса эрон тилшунослигида от ва сифат, аслий сифат ва равиш туркумлари орасига қатъий формал чегара қўйиб бўлмаслиги ҳақидаги қонданинг нисбийлигини билдиради.

3. Лексикализация усули орқали сўз ясашида боғловчили бирикмаларнинг қўшма сўзга айланиши юқори кўрсаткичга эга. Дарий тилидаги сўз бирикмаларининг лексикалашуви жараёни ҳали тўла шаклланмаган бўлиб, қўшма сўз ва сўз бирикмаси орасидаги чегара ўта шартлидир. Қўшма сўзни сўз бирикмасидан фарқлашда қўшма сўзга хос фонетик, грамматик ва семантик белгилар ичида грамматик белги устун туради.

АЗИМДЖАНОВА ДИНАРА

Кандидат филологических наук, доцент, ТГУВ

Приемы употребления глагольных синонимов в персидском языке

***Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы, касающиеся способов употребления глагольных синонимов. В частности, отмечается, что круг вопросов, связанных с изучением синонимии широк. Интерес к изучению способов употребления глагольных синонимов представляет интерес и с практической, и с теоретической точек зрения. Он имеет глубокие социальные корни и тесно связан с вопросами культуры речи, которые охватывают не только нормы языка, но и умелый сознательный отбор языковых средств, а также целесообразное их использование.*

Стилистическая дифференциация персидского языка, структурное разнообразие глаголов открывает широкие возможности для выработки различных приемов употребления глагольных синонимов. В выработке различных способов употребления глагольных синонимов принимают участие не только глагольная часть сложных глаголов, но и именная часть. Кроме этого, для придания высказыванию различных



стилистических оттенков используются различные глагольные фразеологизмы идиоматического характера.

Наличие в языке развитой синонимии является показателем богатства языка. Функциональная же ценность синонимов реализуется в речи. Поэтому при использовании синонимов вырабатываются определенные приемы, которые помогают раскрыть индивидуальные признаки синонимов, подчеркнуть их характерные особенности, усиливают или, наоборот, уменьшают силу выражаемой экспрессии. С другой стороны, характерные признаки синонимов отличаются разнообразием. Это связано со стилистической и эмоциональной окраской, образностью, ассоциативностью. Вот почему приемы употребления синонимов, их стилистические функции представляют особый интерес.

Опорные слова и выражения: стилистические функции глаголов - синонимов, функциональная ценность синонимов, индивидуальные признаки синонимов, приемы употребления синонимов, стилистические функции синонимов.

Аннотация. Мақолада феъл синонимларидан фойдаланиш усуллари билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Хусусан, синонимикани ўрганиш билан боғлиқ масалалар доираси кенг эканлиги таъкидланган. Феъл синонимларидан фойдаланиш усуллари ўрганиш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан қизиқиш уйғотади. У чуқур ижтимоий илдизларга эга ва нутқ маданияти масалалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар нафақат тил меъёрларини, балки лисоний воситаларни моҳирона онгли равишда танлашни, шунингдек улардан мақсадга мувофиқ фойдаланишни қамраб олади.

Форс тилининг услубий фарқланиши, феълларнинг таркибий хилма-хиллиги феъл синонимларидан фойдаланишнинг турли усулларини ишлаб чиқиш учун кенг имкониятлар очиб беради. Феъл синонимларидан фойдаланишнинг турли усуллари ишлаб чиқишда нафақат мураккаб феълларнинг феъл қисми, балки номинал қисми ҳам иштирок этади. Бундан ташқари, баёотга турли хил услубий соялар бериш учун турли хил идиоматик феъл фразеологик бирликлари ишлатилади.

Тилда ривожланган синонимиянинг мавжудлиги бу тил бойлигининг кўрсаткичидир. Синонимларнинг функционал қиймати нутқда амалга оширилади. Шунинг учун синонимлардан фойдаланганда синонимларнинг индивидуал белгиларини очиб беришга, уларнинг характерли хусусиятларини таъкидлашга, ифода этилган ифода кучини оширишга ёки аксинча, камайтиришга ёрдам берадиган маълум техникалар ишлаб чиқилади. Бошқа томондан, синонимларнинг характерли хусусиятлари хилма-хилдир. Бунинг сабаби стилистик ва эмоционал ранг бериш, образлилик, уюшқоқлик. Шунинг учун синонимлардан фойдаланиш усуллари ва уларнинг услубий функциялари алоҳида қизиқиш уйғотади.

Таянч сўз ва иборалар: синоним - феълларнинг стилистик функциялари, синонимларнинг функционал қиймати, синонимларнинг индивидуал белгилари, синонимлардан фойдаланиш усуллари, синонимларнинг услубий функциялари.

Abstract. The article discusses issues related to the ways of using verb synonyms. In particular, the range of issues related to the study of synonymy is wide. Interest in studying the ways of using verb synonyms is of interest from both practical and theoretical points of view. It has deep social roots and is closely related to the issues of the culture of speech, which cover not only the norms of the language, but also the skillful conscious selection of linguistic means, as well as their expedient use.



The stylistic differentiation of the Persian language, the structural diversity of verbs opens up many opportunities for the development of various methods of using verb synonyms. In the development of various ways of using verb synonyms, not only the verb part of complex verbs, but also the nominal part participates. In addition, to give the statement different stylistic shades, various idiomatic verb phraseological units are used.

The presence of a developed synonymy in the language is an indicator of the richness of the language. The functional value of synonyms is realized in speech. Therefore, when using synonyms, certain techniques are developed that help to reveal the individual signs of synonyms, emphasize their characteristic features, enhance or, conversely, reduce the strength of the expressed expression. On the other hand, the characteristic features of synonyms are diverse. This is due to the stylistic and emotional coloring, imagery, associativity. That is why the methods of using synonyms and their stylistic functions are of particular interest.

Keywords and expressions: *stylistic functions of verbs - synonyms, functional value of synonyms, individual signs of synonyms, methods of using synonyms, stylistic functions of synonyms.*

Введение. Круг вопросов, связанных с изучением синонимии, а глагольной, в частности, широк. К числу проблем, представляющих в этой области теоретический и практический интерес, относится изучение стилистических функций глаголов-синонимов. Интерес этот закономерен. Он имеет глубокие социальные корни и тесно связан с вопросами культуры речи, которые охватывают не только нормы языка, но и умелый сознательный отбор языковых средств, а также целесообразное их использование.

Наличие в языке развитой синонимии является показателем богатства языка. Функциональная же ценность синонимов реализуется в речи. Поэтому при использовании синонимов вырабатываются определенные приемы, которые помогают раскрыть индивидуальные признаки синонимов, подчеркнуть их характерные особенности, усиливают или, наоборот, уменьшают силу выражаемой экспрессии. С другой стороны, характерные признаки синонимов отличаются разнообразием. Это связано со стилистической и эмоциональной окраской, образностью, ассоциативностью. Вот почему приемы употребления синонимов, их стилистические функции представляют особый интерес.

Синонимы, будучи одной из категорий языка, являются показателем богатства языка, создают широкие возможности для речевого творчества, помогают передать тончайшие смысловые оттенки.

Каждый язык характеризуется наличием различных стилей, отличающихся своими отличительными чертами. Одной из таких черт является употребление тех или иных синонимов, используемых в данном стиле. При употреблении синонимов вырабатываются определенные приемы, которые и подчеркивают ценность синонимов, раскрывают их индивидуальные признаки, подчеркивают те или иные оттенки значения.



Целью данной статьи является изучение приемов употребления глагольных синонимов, показать особенности их употребления в зависимости от стилистической принадлежности и структурного разнообразия. Отсюда и вытекает основная задача данной статьи – показать наиболее употребительные приемы употребления глагольных синонимов и выявить их стилистические особенности. В основу методологии данного небольшого по объему исследования положены описательный метод. В качестве иллюстративного материала были использованы произведения иранских писателей современности.

Основная часть. Наблюдения показывают, что синонимы, в основном, используются совместно. Причём различные способы их употребления помогают подчеркнуть тот или иной оттенок значения.

Рассмотрим приемы употребления синонимов, используемые в персидском языке.

I. Одиночное употребление синонимов

При одиночном использовании синонимов, как правило, не затрагиваются специфические отношения с синонимами своего ряда и данное слово ведет себя как слово, являющееся единственным для названия того или иного действия. Другие маркированные в том или ином отношении синонимы используются, в основном, для подчеркивания каких-либо стилистических оттенков, для эмоционального настроения, социальной градации.

II. Парное употребление синонимов

Наличие в персидском языке социально-стилистической дифференциации, а также наличие фонетических вариантов определенного количества простых глаголов создает широкие возможности при использовании этого стилистического приема. С другой стороны, в языке для обозначения какого-либо динамического признака предмета существует целая группа глаголов, каждый из которых отражает тот или иной оттенок, то есть содержит качественную характеристику обозначаемого действия. Наличие таких групп говорит о семантической ёмкости глагола, его способности передавать тончайшие оттенки значения, о возможности использовать его как средство эмоционально-экспрессивного отражения действительности. Поэтому внимание писателей прежде всего и привлекает семантическая ёмкость глагола, его способность охватывать и передавать многие стороны реального мира, а также экспрессивность как средство предельной выразительности и эмоционального отражения фактов действительности. Приём парного употребления синонимов позволяет наиболее полно характеризовать степень выражаемого действия, его особенности, выразить субъективно-оценочное отношение самого автора или персонажей к характеру описываемого действия.

В процессе работы нами выделены следующие случаи парного употребления синонимичных глаголов:

- 1) Совместное употребление нейтрального и стилистически или

эмоционально- окрашенного синонима:

افسوس که من توی رختخواب میمیرم! تنها آرزویم این بود که در ایران جان بدهم!¹
 afsus ke man tu-ye raxtexāb mimiram. Tanhā ārezu-yam in bud ke dar rāh-e irān jān
 bedeham “Жаль, что я умираю в постели! Моим единственным желанием
 было умереть (дословно - "отдать жизнь") за Иран!”
 برایش جادو کردم... ملا ابراهیم سه تومن از من گرفت که او را دنبه گداز بکند

Barāyaš jādu kardam... mollā ebrāhim se tuman az man gereft ke u rā dombe
 godāz bokonad “Я колдовал над ней... Мулла Ибрагим взял у меня три ту-
 мана, чтобы поворожить над ней.”

میگویم اینقدر هم بدبین و ناامید نباشید، در عوض کار کنید و زحمت بکشید²
 Miguym inqadar ham badbin va nāomid nabāšid. dar evaz kār konid va zahmat bekašid v
 “...Я говорю: не будьте такими пессимистами и отчаявшимися. Вместо
 этого работайте и трудитесь.”

Как правило, в этом случае второй синоним, будучи стилистически или эмоционально маркированным, выражает большую интенсивность действия или экспрессии, но в то же время такое употребление синонимов "не есть повторение одной и той же мысли - второй синоним не только *покрывает* значение первого, он *перекрывает* его, и, в целом, оба синонима поставленные рядом достигают большей полноты и выразительности, чем каждый из них в отдельности.³

2) Прием градации нарастающей и убывающей последовательности

В границах синонимического ряда его члены в зависимости от своих художественно-выразительных качеств, эмоционально-экспрессивной насыщенности располагаются по принципу градации:

- нарастающей последовательности;
- убывающей последовательности.

Фигуры градации придают повествованию особую художественную экспрессию, которая орнаментируется синонимическими отношениями различного стилистического характера. Здесь возможно следующее сочетание синонимов:

а) синонимическая пара - сочетание двух стилистически нейтральных глаголов:

¹ شاهکار های نثر فارسی معاصر. جلد دوم. تهران، معرفت، 1330. - 251 ص، 194 ص
 (Masterpieces of contemporary Persian prose. Volume II.- Tehran, Maaref, 1330.- 251 pages, 194 pages)

² محمد حجازی، نسیم. تهران: ابن سینا، 1342. - 171 ص. ص 55
 (Mohammad Hejazi, Nasim.- Tehran: Ibn Sina, 1342- 171 p. P.55)

³ Кузнец М.Д. Стилистические функции синонимов// Ученые записки I ЛГПИИЯ.- Ленинград, 1940.- с. 218- 226. Стр 220 . (Kuznets M.D. Stylistic functions of synonyms // Uchenye zapiski I LGPII.- Leningrad, 1940.- p. 218- 226. pp. 220)

⁴ داستان های کوتاه از نویسندگان امروز ایران و جهان. - تهران: خیدری، 1370. - 555 ص. 49
 (Short stories by writers in Iran and the world today..- Tehran: Khidari, 1370, 555 p.,p49)



بایست این سنگو شکافت و تکه تکه اش کرد¹

Bāyest in sangu šekāft va tekke-tekke-yaš kard “Следует расколоть и разбить вдребезги этот камень.”

بقدری این مجلس با حلال و شکوه بود که به نظر میامد که یک تکه زندگی اشراف پایمال شده ساسانیان دو باره جان گرفت و زنده شد.²

Beqaqdr-Ōi in majles bā halāl va šokuh bud ke be naqzar miyāmad ke yek tekke-ye zendwgi-ye ašrāf-e pāymāl šode –ye sāsāniyān do bāre jān gereft va zende šod “Это собрание было настолько чистым и торжественным, что казалось, что воскрес и ожил один эпизод из жизни уничтоженной сасанидской знати.”

В данном случае, как правило, второй глагол служит цели обобщения действия, придает высказыванию характер завершенности, законченности.

б) синонимическая пара - сочетание двух или нескольких глаголов, один из которых синонимичен (второму) в переносном значении:

میغرید و میخروشید و میگفت من دنیا را بهم خواهم زد³

Miḡorrid va miḡorušid va migoft man donyā rā beham xāham zad “Он рычал, вопил и говорил: “Я уничтожу мир”.

ولی سر او درد میکرد. تنش خسته و خرد شده بود⁴

...vali sar—u dard mikard. Tan-aš xaste va xord šode bud “...Но у неё болела голова. Тело её было уставшим и разбитым.”

в) Синонимическая пара - сочетание двух глаголов, употреблённых в переносном смысле.

حس میکرد یک چیزی در او مرده بود، خاموش شده بود...⁵

Hes mikard yek čiz-i dar u morde bud xāmuš šode bud “Она чувствовала... что-то умерло в ней, погасло.”

هزار جور فکر های شگفت انگیز در مغزم میچرخد، میگردد⁶

Hezār jur fekr- hā-ye šegeftangiz dar maqz-am mičarxad, migardad “Тысячи удивительных мыслей вертится, кружится в моей голове.”

III. Употребление синонимов во избежание повтора

Учитывая многоаспектность употребления и наличие различных способов образования глаголов в персидском языке, мы выделили следующие

⁵ شاهکار های نثر فارسی معاصر. جلد دوم. تهران، معرفت، 1330. - 251 ص، 122 ص (Masterpieces of contemporary Persian prose. Volume II.- Tehran, Maaref, 1330.- 251 pages, 122 pages)

⁶ شاهکار های نثر فارسی معاصر. جلد دوم. تهران، معرفت، 1330. - 251 ص، 170 ص (Masterpieces of contemporary Persian prose. Volume II.- Tehran, Maaref, 1330.- 251 pages, 170 pages)

⁷ همین منبع، ص. 19 (The same source, p. 19)

⁸ صادق هدایت. سگ ولگرد. تهران: امیر کبیر، 1342. - 172 ص، 21 ص (Sadegh Hedayat. Stray dog.- Tehran: Amir Kabir, 1342.- 172 p., 21 p)

⁹ صادق هدایت. زنده بگور. تهران: امیر کبیر، 1342. - 132 ص، 10 ص (Sadegh Hedayat. Buried live.- Tehran: Amir Kabir, 1342.- 132 pages, 10 pages)



случаи парного употребления синонимичных глаголов с целью избежать повторения:

1) Использование разнокоренных сложных и простых глаголов:

Как правило, в этих целях используются глаголы, относящиеся к одному стилистическому пласту. А эмоциональная насыщенность достигается благодаря обоюдному воздействию синонимов и контекста, в котором они употреблены.

میرفتم و چنان می لرزیدم که جان از تنم فرو ریخت، از دنیا فرار می کردم، از نفرت وجود خودم میگریختم و نمیدانستم به کجا بروم.¹

Miraftam va čenān milarzidam ke jān az tan-am foru rixt, az donyā farār mikardam, az nefrat-e vojūd –e hod-am migorixtam va namidānestam kojā baravam “Я шёл и так дрожал, что душа моя отделилась от тела, я бежал из мира, убежал от отвращения к собственному существованию и не знал куда мне пойти.”

2) Синонимическая пара - простой глагол и образованный от него сложный глагол.

اگر ربابه گریه میکرد او نیز میگریست و همچنان برعکس.²

Agar rabābe gerye mikard u niz migerist va hamčenān bar’aks “Если Рабабе плакала, она тоже плакала и наоборот.”

نمیدانم چرا از طرف که غلت میزنم جلو چشم است، در رختخوابم میغلتتم.³

Namidānam čerā az taraf ke qalt mizanam jelow češm ast, dar raxtexāb miqaltam “Я не знаю почему, когда я переворачиваюсь с боку на бок, он перед глазами. Я ворочаюсь в своей постели.”

Следует отметить, что синонимия затрагивает не только именную часть сложных глаголов, но и компонирующие глаголы. Поскольку количество глаголов, используемых в качестве компонирующих не очень велико, поэтому во избежание повторения одного и того же глагола употребляются не только другой как простой, так и сложный, но и различные формы одного глагола. Например:

آنها خود بخود پدیدار میشدند و ناپدید میگشتند.⁴ *ānhā xod be xod padidār mišodand va nāpadid migaštand* “Они сами по себе появлялись и исчезали.”

В следующем примере используются не только синонимичные глаголы شدن *šodan* и گشتن *gaštan* "становиться" в качестве компонирующих, но и вторая форма глагола گردیدن *gardidan*: گشتن *gaštan*: گردیدن *gardidan*, что позволило автору избежать, казалось бы, неминуемого повторения компонирующего глагола:

¹ محمد حجازی. پروانه. تهران: مشعل آزادی، 1345. - 104 ص، 45 ص

(Mohamed Hajazi. Butterfly.- Tehran: Mashale azadi, 1345,- 104 p. 45p.)

² صادق هدایت. سه قطره خون. تهران: امیر کبیر، 1366. - 264 ص، 175 ص

(Sadegh Hedayat. Three drops of blood.- Tehran: Amir Kabir, 1987.- 264 pages, 175 pages)

³ صادق هدایت. زنده بگور. تهران: امیر کبیر، 1342. - 132 ص، 10 ص

(Sadegh Hedayat. Buried live.- Tehran: Amir Kabir, 1342.- 132 pages, 10 p.)

⁴ همین منبع، ص 17 (The same source, p.17)



دو روز دیگر تشکیل دولت جمهوری انقلابی اعلام گردید. میرزا صدر کمیته انقلاب مورد کار شد. کمیسر ها هم برای اداره کار ها نامزد گشتند¹

Do ruz-e digar taškil –e dowlāt-e jomhuri-ye enqelābi ‘elām gardid. Mirzāsadr –e komite –ye enqelāb moqred-e kāršod. Komisar hā ham barāye edāre-ye kār nāmzad gaštand “Через два дня было объявлено об образовании революционного республиканского государства. Был представлен председатель революционного комитета. Также были выбраны комиссары для управления работой.”

Также в отношении глагола کردن *kardan* "делать", выступающего в качестве компонирующего и являющего синонимом его книжному эквиваленту نمودن *nemudan*. Часто, чтобы избежать повторения вместо глагола کردن *kardan*, употребляемого в качестве комтонирующего, используется глагол نمودن *nemudan*.

و رولان موفق شد به مدرسه عالی که روشنفکران آتی فرانسه در آن تحصیل میکردند و برخی از دانشمندان معاصر فرانسه در آن تدریس مینمودند وارد شود.²

Va rolān movaffaq šod be madrese-ye ‘āli ke rowšanfekrān –e āti-ye ferānse dar ān tahsil mikardand va barxi az dānešmandān-e moāser-e ferānse dar ān tadrīs minemudand vāred šavad “И Ролану удалось поступить в высшее учебное заведение, где училась будущая французская интеллигенция и некоторые современные мыслители Франции.”

Замена одного компонирующего глагола на другой касается не только глаголов شدن *šodan* – گشتن *gaštan* – گردیدن *gardidan*, کردن *kardan* – نمودن *nemudan*. Такая замена возможна и у целого ряда других сложных глаголов. *Например: قدرت یافتن qodrat yaftan – "обретать силу, власть", لجام زدن lejām zadan – "взнуздывать" u t.n.*

- بیماری او چه میشود؟ آیا بهبود حاصل میکند؟
- لزومی ندارد. بهبود یابد³
- *Bimāri-ye u če mišavad? Āyā behbud hāsel mikonad?*
- *Lozumi nadārad. Bebud āybad.*
- “ - Как его болезнь? Будет ли ему лучше?
- Нет необходимости. Ему будет лучше. ”

IV. Одна из целей употребления синонимов заключается в пояснении, раскрытии содержания того или иного действия, поступка и тем самым сделать его более понятным. С этой целью используются отдельные глаголы и глагольные фразеологизмы идиоматического или неидиоматического характера, которые отражают содержание понятия или иллюстрируют его в более насыщенной, образной форме. Нередко в этих случаях используются пояснительные союзы типа *یعنی* *yanī* "то есть", выражения *باصطلاح* *beestelāh*, *به*

¹ داستان های کوتاه از نویسندگان امروز ایران و جهان. - تهران: خیدری، 1370. - 555 ص، 549 p. (Short stories by writers in Iran and the world today. - Tehran: Khidari, 1991. - 555 p. 549 p.)

² دفتر های هنر و ادبیات. - 1987، № 12، № 12 (Art and Literature magazines. - 1987، № 12)

³ منوچهر مطیعی. مومیایی فروشان. - تهران: معرفت، 1361. - 362 ص، 26 ص. (Manouchehr Matiei. Mummy sellers. - Tehran: Maaref, 1361. - 362 p., 26 p)



ولی مثل اینکه، *mānand-e inke* مانند اینکه *be qol*، сравнительные союзы типа *inke* и т.п.

گفتم: من... من... تدریس میکنم یعنی درس میدهم¹ *goftam: man... man... tadrīs mikonam yani dars mideham* “Я сказал: ”я...я... даю уроки, то есть преподаю”.

ولی از آنجاییکه چند نفر از خویشان نزدیک این جوان از رجال درجه اوا مملکت و متصدی شغل های بسیار مهم بودند و باصطلاح لولو هنگشان خیلی آب می گرفت و حرفشان همه جا در روا داشت

vali az ānjā-yu ke čand nafar az xišān-e naqzdik-e in javān az rejāl-e daraje-ye avval –e tamlakat va motasaddi-ye šoqlhā-ye besyār mohhem budand va be estelāh lulehengešān xeyli āb migereft va harfešān hame jā dar ravā dāšt “ Но ввиду того, что несколько близких родственников этого парня были важными деятелями страны и занимались очень важной работой и, как говорится, являлись влиятельными людьми (т.е. их кувшин берет много воды) и их слова везде имели вес, (т.е. везде имеют эффект)”...

نه زبان داشت، نه گوش یعنی گنگ بود.²

Na zabān dāšt, na guš, yani gong bud “...У него не было ни языка, ни ушей, т.е. он был немым.”

Иногда для придания повествованию характера иронии, насмешки в составе сложного глагола используется иноязычное заимствованное слово, как бы поясняющее, раскрывающее смысл другого слова:

آقا متلک گفت، جوک و باصطلاح آنکدوت گفت و ما مبخندیدیم.³

Aqa matalak goft, jowk va beestelah anekdut goft va ma mixandidim “...Господин острил, рассказывал смешные рассказы и т.н. анекдоты и мы смеялись.”

V. Противопоставление синонимов по их отличительным признакам является показателем различия в их значениях. Синонимы, не выходя за пределы своего ряда, границы которого обозначены различными оттенками значений, заключенных в одном понятии, могут противопоставляться по своим семантическим, стилистическим, эмоциональным признакам. И, таким образом, синонимы могут выполнять роль антонимов. Но если антонимы - это слова, обозначающие противоположные понятия, то противопоставление синонимов происходит внутри одного понятия, на более детальном уровне. В результате, более конкретно, детально характеризуется то или иное понятие, явление или действие. Как правило, противопоставление синонимов осуществляется при помощи противительных союзов, типа *amma, vali* - "но" и т.п.

همه گمان کردند که فریدون جنی شد ولی او دیوانه شد.⁴

¹ محمد حجازی. پروانه. تهران: مشعل آزادی، 1345. - 104 ص، 78 ص

(Mohamed Hajazi..Butterfly.- Tehran: Mashale azadi, 1345,- 104 p. 78p.)

² محمد حجازی. نسیم. تهران: ابن سینا، 1342. - 171 ص، 81 ص

(Mohamed Hajazi. Breeze.- Tehran: Ibn Sina, 1342.- 171 pages, 81 pages)

³ نمونه های ادبیات ایران. تاشکند: ازبکستان، 1999. - 247 ص، 202 ص

(Samples of Iranian literature.- Tashkent: Uzbekistan, 1999.- 247 pages, 202 pages)

⁴ شاهکار های نثر فارسی معاصر. جلد دوم. تهران، معرفت، 1330. - 251 ص، 21 ص



Name gomān mikardand ke faridun jenni šod vali u divāne šod “Все полагали, что Фаридун помешался, но он сошел с ума”.

Противопоставление может быть выражено не только противительными союзами, но и другими средствами. Например: акцентирование внимания на одном из синонимов, их смысловым противопоставлением, отрицанием одного синонима и утверждением другого:

این عشق به او فرمان میداد و میگفت برای نجات محبوب همه چیز را باید فدا کرد حتی از جان نیز باید گذشت.¹

In ešq be u farmān midād va migoft barāye nejāt-e mahbub hame čiz rā bāyad fedā kard hattā az jān niz bāyad gozašt

“Эта любовь приказывала ей: для спасения любимого надо пожертвовать всем, даже отдать жизнь.”

در این کشور حرف بد جزء جر ایم بلکه جنایت است...²

Dar in kešvar harf-e bad joz-e jarāyem balke jēnayāt ast “В этой стране плохое слово - проступок, даже преступление.”

VI. Использование парных синонимов или близких по значению слов с соединительным союзом -o- в качестве именной части сложного глагола не лишено экспрессивности. Семантический объем такого сочетания, в силу соединения двух слов, обладающих своими оттенками значения и стилистическими нюансами оказывается значительно больше, чем у каждого из слов в отдельности:

اگر چه از ساز های معمولی بزودی خسته و کسل میشد.³

agar če az sāzhā-ye ma'muli bezudi xaste-o kasal mišod “Хотя от обычных мелодий он вскоре уставал и утомлялся...”

Еще большую выразительность приобретают те глаголы, в состав именной части которых входят слова, относящиеся к различным стилистическим пластам:

از ملاقات دوستان و آشنایان بقدری کیفور و سر حال شدم که اصلا از یاد بردم چرا به خانه مسعود
از ملاقات دوستان و آشنایان بقدری کیفور و سر حال شدم که اصلا از یاد بردم چرا به خانه مسعود
ام⁴ *az molāqāt –e dustān va āšnāyān be qadri keyfur va sar-e hāl šodam ke aslan az yād bordam čerā be xāne-ye mas'ud raftam* “От встречи с друзьями и знакомыми я настолько пришел в хорошее настроение, что забыл, зачем пришел в дом Масуда.”

(Masterpieces of contemporary Persian prose. Volume II.- Tehran, Maaref, 1330.- 251 pages, 21 pages)

¹ منوچهر مطیعی، مومیلی فروشن، تهران: معرفت، 1361 - 362 ص، 23 ص¹

(Manouchehr Matiei. Mummy sellers.- Tehran: Maaref, 1361.- 362 p., 23 p)

² نسیم خاکستری. اگر آدم ها همدیگر را دوست داشتند // مجمع جهانی کتابهای نوجوانان.- آلمان غربی، 1357.- 31 ص
(Nasim Khakestari. If People Loved Each Other Rag // World Assembly of Adolescent Books.- West Germany, 1978- 31 p)

³ شاهکار های نثر فارسی معاصر. جلد دوم.- تهران، معرفت، 1330.- 251 ص، 7 ص³

(Masterpieces of contemporary Persian prose. Volume II.- Tehran, Maaref, 1330.- 251 pages, 7 p.)

⁴ اطلاعات هفتگی 1372 (Weekly Information 1372)



VII. Другим стилистическим приемом употребления синонимов является расположение слов близких по значению один за другим, тем самым создается единая картина действия. Использование таких синонимов, содержащих различные признаки одного и того же предмета, явления, поступка или действия, отражают его с разных сторон, чем и передается полнота характеризованного действия, сосредотачивается внимание на этих признаках:

پشت سرم درد می‌کرد، تیر می‌کشید، شقیقه ام داغ شده...¹

Poš sar-am dard mikard, tir mikašid, šaqiqe-yam dāq šode... “Мой затылок болел, ломил, виски жгло.”

VIII. Большой выразительностью обладает прием своеобразного нанизывания синонимов, т.е. употребления парных синонимов объединенных бессоюзной связью, имеющих однородную стилистическую окраску. Здесь значения синонимов объединены, в результате такого использования синонимов создается картина нарастания действия, и, как правило, заметная эмоциональность:

میخواهم بروم دور، خیلی دور یک جایی که خودم را فراموش بکنم، فراموش بشوم، گم بشوم، نابود بشوم.²

Mixāham beravam dur, xeyli dur yek jā-yi ke xod-am rā farāmuš bokonam, farāmuš bešavam, gom bešavam, nābud bešavam “Хочу уйти далеко, очень далеко, в такое место, где я забуду сам себя, забудусь, потеряюсь, исчезну.”

Ещё большую выразительность и эмоциональность выражают сочетания более двух синонимов, употребленных в одном небольшом отрезке.

به من قول بده که به مجرد خواندن این مراسم فوراً آنرا مادم کنی. آن را پاره پاره کرده بسوزنی. آنرا بر باد دهی، نه تنها این همه را محو نمایی، بلکه باید سعی کنی مطالبی هم بکلی از خاطرت فراموش شود...³

Be man qowl bedeh ke be mojarrad-e xāndan-e in marāsele fowran ānrā madum koni, ānrā pāre pāre karde besuzani, ānrā barbād dehi, na tanhā in hame rā mahv nemayi, balke bāyad sa'i koni matālebi ham bekolli az xāterat farāmuš šavad “Дай мне слово, что сразу же после чтения этого послания немедленно его уничтожишь, порвешь, сожжешь, истребишь, не только уничтожишь это письмо, но должен постараться, чтобы содержание полностью забылось из твоей памяти”.

IX. Распространенным стилистическим приемом является сочетание синонимичного глагола и глагольного фразеологизма идиоматического характера. Использование идиом в паре с синонимичным ему глаголом, во-первых, обогащает язык произведения, делает его более сочным, разнообразным; во-вторых, идиома раскрывает, дополняет значение близкого ей глагола; в-

¹ صادق هدایت. زنده بگور. - تهران: امیر کبیر، 1342. - 132 ص، 10 ص، 57 ص
(Sadegh Hedayat. Buried live.- Tehran: Amir Kabir, 1342.- 132 pages, 10 pages, 57 p.)

² همین منبع، ص 71 ((The same source, p. 71)
شاهکار های نثر فارسی معاصر. جلد دوم. - تهران، معرفت، 1332. - 224 ص، 45 ص

Contemporary Persian prose masterpieces. Volume II.- Tehran, 51, 1332.- 224 pages, 45 p.)



третьих, этим приемом передается отношение автора или персонажа к происходящему, выражаются те или иные чувства: ирония, досада, сожаление, сочувствие, пренебрежение:

مثل سگ گرسنه جلو دکان قصابی برای یک تکه دم میجنابانند و گدایی میکنند و تملق میگویند.¹

Mesl-e sag-e gorosne jelov-e dokān qassābi barāye yek tekke dom mijambānand va gadāyi mikonand va tamalloq miguyand “Подобно голодной собаке они угодничают, попрошайничают и подхалимничают около мясной лавки ради одного куска. ...”

При пояснении, дополнении сложного глагола идиомой, так же как и при парном употреблении глаголов, используются пояснительные союзы, типа *yani* "то есть", *be qowl-e* "по словам, как говорят" и т.п.

نمیدانم چطور است بعضی اشخاص به اولین برخورد جان در یک قالب میشوند، به قول عام جور و اخت میایند.²

Namidānam četowr ast ba'zi ašxās be avvalin barxord jān dar yek qāleb mišavand, be qowl-e 'ām jur –o- oxt miyāyand “Не знаю как получается, что некоторые люди с первой же встречи сближаются (доел, их душа в одной рамке) - как говорят люди - становятся друзьями.”

X. Несомненный интерес представляет и парное употребление глагольных фразеологизмов идиоматического характера. В данном случае использование идиом усиливает экспрессию стиля, создает впечатление логической полноты и семантической завершенности:

دیگر حنای داش اکل پیش کسی رنگ نداشت و برایش تره هم تازه نمیکردند.³

Digar henā-ye dāš akol piš-e kas-i rang nadāšt va barāyaš tarre ham tāze namikardand “Больше с Даш Аколь никто не считался и его ни во что не ставили.”

وقتی که نمک کسی را چشیدید برایش پاپوش نمیدوزید و پیسی سرش نمیآوردید.⁴

Vaḡti ke nān –e kas-i rā čašidid digar barāyaš pāpuš namiduzud va pisi sar-aš namiyāvārid “Когда вы отведали чей-либо хлеб-соль больше не обводите вокруг пальца и не делайте ему гадости.”

Здесь употреблены два фразеологических оборота с общим значением «обманывать», «околпачивать». Каждый из этих оборотов, обладая каким-то определенным оттенком значения, дополняет, уточняет один другой, чем и создается более полная эмоционально насыщенная картина.

Выводы.

Из сказанного можно сделать следующие выводы:

¹ شاهکار های نثر فارسی معاصر. جلد دوم. تهران، معرفت، 1330. - 251 ص، 98 ص

(Contemporary Persian prose masterpieces. Volume II.- Tehran, Maaref, 1330.- 251 pages, 98 p.)

² صادق هدایت. سگ ولگرد. تهران: امیر کبیر، 1342. - 172 ص، 23 ص

(Sadegh Hedayat. Stray dog.- Tehran: Amir Kabir, 1342.- 172 p., 23 p)

³ صادق هدایت. سگ ولگرد. تهران: امیر کبیر، 1342. - 172 ص، 64 ص

(Sadegh Hedayat. Stray dog.- Tehran: Amir Kabir, 1342.- 172 p., 64 p.)

⁴ همین منبع، 87 ص (The same source, 87 p)



Синонимы, в основном, используются совместно. Специфические отношения с синонимами своего ряда при одиночном использовании, как правило, не затрагиваются и данное слово ведет себя как слово, являющееся единственным для названия того или иного действия.

При парном употреблении синонимов вырабатываются определенные приемы, в выработке которых учитывается структурное разнообразие глагола, его стилистическая принадлежность, образность, сила передаваемой экспрессии. Причем в выработке приемов употребления синонимов принимает участие как глагольная, так и именная часть.

Вполне естественно, выделенные нами в процессе работы приемы употребления синонимичных глаголов не ограничиваются указанными рамками, потому что глагольная система языка вообще, и персидского в частности, обладает неисчерпаемыми возможностями для выражения различных оттенков значений и, следовательно, приемами их передачи. Нами были лишь продемонстрированы условия, при которых проявляются те или иные особенности глагольных синонимов.

АБДУХАМИДОВА ДИЛАФРУЗ

Таянч докторант, ТДШУ

Япон тилидаги қариндош-уруғчиликка оид бирликларни ўрганишдаги ёндашувлар

Аннотация. Япон жамиятида 家-ие – “Уй” жуда муҳим ва кенг қамровли тушунча ҳисобланади. Уй - уй эгаси ва оилдан ташиқил топган яхлит системадир. 家-ие – “Уй” сўзи яшаиш жойи, оила, оилавий гуруҳни, бирор уруғга тегишлиликни, меросхўр, ижтимоий мавқе каби турли маъноларни англатиши кўриб чиқилади. Уйбу мақолада 主人 сюдзин – эр, 家内(канаи)-хотин, 奥さん(окусан)-рафиқани, 嫁(ёмэ)-келин каби терминларнинг 家-ие – “Уй”га боғлиқлиги изоҳланади.

Қавм-қариндошлик бирликларининг қиёсий-солиштирма тадқиқотлари кўпгина олимлар томонидан олиб борилган. Бундан ташиқари, антропологик, диалектик жиҳатдан, тарихий-типологик, прагматик жиҳатдан қилинган тадқиқотлар қузатилди. Япон тилининг қариндош-уруғчилик номларининг ўзига хослиги ҳақида энг аввало европалик ва америкалик олимлар (Эмбрее, Норбеск, Корнелл, Беардлей, Бефу, Фишер), кейинчалик япон олимлари (Судзуки, Фужии, Комори) чуқур тадқиқотлар олиб боришган. Уйбу мақолада асосан қариндош-уруғчиликка оид лексик бирликларнинг 家-ие – “Уй”га боғлиқлиги жиҳатдан олиб борилган тадқиқотлар таҳлилга тортилади. Қариндошчилик номларининг қўлланилувида Уй мезон сифатида олинадиган ижтимоий позиция, статус номлари (positional terminology, social status) сифатида олинадими ёки ўзини марказда қўйиб аниқ маънодаги қавм-қариндошлик терминлари (kinship terminology) ёки ўзгарувчан текноним(modified текнопуту)сифатидами , オイコニミ – ойконим (oikonymu , oikos (イコ) жиҳатдан қараб ишлатиладими бу 4 хил қараиш мунозарали мавзу ҳисобланади. Бугунги кунгача қилинган тадқиқотларда қавм-қариндошлик бирликларининг маънолари таҳлилга



тортилмаган, шу бирликлар қўлланилишида шахс тафаккуридаги ўзига хос тушунчалар етарлича ўрганилмаганлиги аниқланди.

Таянч сўз ва иборалар: Қариндош-уруғчилик номлари, мурोजсаат бирликлари, нуқтаи назар, текноним, ойконим, ижтимоий статус ва позиция терминлари, ўз(учи) ва ўзга(сото) муносабати.

Аннотация. В японском обществе 家-ие –«дом» - очень важное понятие. Дом - это целостная система, состоящая из домовладельца и его семьи. В данной работе рассмотрены значения слова «дом» 家-ие, такие как место проживания, семья, семейная группа, принадлежность к роду, наследник, социальный статус. В этом исследовании совершён анализ связи таких терминов как 主人 сюдзин – муж, 家内(канай) - жена, 奥さん(окусан) - супруга, 嫁(ёмэ) - невеста с «Домом» 家-ие.

Сравнительно-сопоставительные исследования терминов родства проводились многими учёными. Кроме того, были проведены антропологические, диалектические, историко-типологические, прагматические, исследования. Особенности родственных имён японского языка были сначала подробно изучены европейскими и американскими учеными (Эмбрэ, Норбек, Корнелл, Бердли, Бефу, Фишер), а затем японскими учеными (Судзуки, Фудзи, Комори). В данной статье анализируется исследование в котором изучена связь имен родства с «домом». Существует четыре основных научных направления при использовании имен родства, которые являются объектом разногласия учёных: 1. Термины имен родства создают понятие дом которые обозначает социальную позицию или социальный статус(термины социального статуса); 2. Эгоцентричная точка зрения, в которой центр внимание эго - сам человек с использованием терминологии родства 3. Модифицированная текнонимия, 4. Ойконим с точки зрения жилища. В современных исследованиях не был проведён широкий анализ значения терминов родства. Было обнаружено, что конкретные концепции в когнитивном направлении недостаточно изучены в применении терминов родства.

Опорные слова и выражения: термины родство, выражение обращения, точка зрения, модифицированный текноним, ойконим, термины социального статуса и позиции, отношение свой(учи) и чужой(сото).

Abstract. In Japanese society, 家-ie –“house” is a very important and comprehensive concept. A house is a complete system made up of the homeowner and the family. 家-ie –the word “house” is considered to have different meanings, such as place of residence, family, family group, belonging to a tribe, inheritor, social status. In this study, terms such as 主人 (syujin)–husband, 家内(kanai)-wife, 奥さん(okusan)-your wife, 嫁(yome)-bride are related to 家-ie –“house”.

Comparative studies of kinship terms have been studied by many researchers. In addition, anthropological, dialectical, historical, typological, applied and focus studies have recently been observed. European and American scholars (Embree, Norbeck, Cornell, Beardley, Befu, Fisher) after that Japanese scholars (Suzuki, Fuji, Komori) have researched in-depth scientific works on the peculiarity of Japanese kinship references. In the article analyzes the researches about kinship terms related to 家-ie –“house” have been observed. There are four main scientific points of view about the use of kinship references: 1)the social position taken as a criterion of the house is taken as status names(positional terminology, social status); 2)kinship terminology 3)modified teknonymy; 4) oikonimi — oykonim ie –“house”. Which viewpoint is more effective? It is one of the controversial topic in the japanese kinship references. The meanings of kinship terms have not been widely analyzed in nowadays’



researches. It has been found that specific concepts in personality thought have not sufficiently been studied in the application of kinship terms.

Keywords and expressions: name of kinship, reference terms of kinship, point of view, modified teknonym, oikonymy, positional terms, social status terms, internal and external relations.

Кириш. Қариндош-уруғчилик кўп тилларда оила билан боғлиқ. Лекин япон тилида “家-ие - Уй “ яшаш жойи билан боғлиқ. Социолог олимлар 家-ие Япониянинг ўзига хос анъанаси бўлиб, маданий маънодаги оила дегани эмаслигини таъкидлашади(Аруга Кидзаемон). Гуревич Т.(2006)“家-ие - Уй “ концепти маданий доминант эканлигини айтади.¹ Уй яшаш учун ёки турли ташкилот ёки муассаса жойлашиши учун мўлжалланган бино; бирор оила ёки хонадон ўрнашган бино ва шу бинога тааллуқли ер; оила, хонадон маъноларини англатувчи кенг маънодаги тушунчадир.² Япон жамиятида 家-ие –“Уй” тушунчаси жуда муҳим ва кенг қамровли бўлиб, жамият ҳаётида катта аҳамиятга эга тушунча ҳисобланади. Уй - уй эгаси ва оиладан ташкил топган яхлит системадир. Япон тилининг изоҳли луғатида 家-ие иероглифининг 5 хил ўқилиши мавжуд. Булар: 力 Ка –хитойча ヶ-ке истисно тарзида ўқилиши ва японча ўқилишлари いえ-ие, や-я, うち-учи кабилардир. 家-ие иероглифининг изоҳли луғатда куйидаги маънолари келтирилган:

- 1.Одам яшаши учун мўлжалланган бино. Яшаш жойи, уй.
 - 2.Инсон ўзи яшаётган бино уйи, ўз уйи.
 - 3.Эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, ака-ука каби яқин қондошлик алоқаларига эга кишиларнинг биргаликда ҳаёт кечирувчи кичик коллективи.
 - 4.Оила, уй. Оила аъзоси.
 - 5.Хотин, рафиқа маъносида
 - 6.Авлоддан авлодга ўтиб келаётган оилавий коллектив. Уруғ. Фамилия. Меросхўр, ворис. 「家を継ぐ」 - Уй вориси
 - 7.а)Оилавий коллективнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеи. Оиланинг келиб чиқиши оилавий статус, мартаба. б) Зодагон, аслзода, зоти тоза
 - 8.Фуқаролик Кодексида белгиланган уй системасига кўра, уй хўжайинининг умумий бошқаруви асосида оилани рўйхатга олиш китобчасидаги бир оила таркибига қирувчи қариндошлар гуруҳи;
 - 9.Буддизм роҳиби яшайдиган уй³
- Юқоридагилар 家-ие –“Уй” сўзининг ўз маънолари бўлиб, у яшаш жойи, оила, оилавий гуруҳни, бирор уруғга тегишлиликни, меросхўр, ижтимоий мавқе каби турли маънолани англатишини кўриб чиқдик.

¹ Gurevich T.M. Lingvokulturologicheskiy analiz kontseptosfera chelovek v yaponskoy yazikovoy kartine mira. Dis. na sois. uch. st. dok. kult. [Linguocultural analysis of the HUMAN conceptual sphere in the Japanese linguistic picture of the world. Dr. cul. sci.diss.] Moskow, 2006.

² “O‘zbek tilining izohli lug‘ati” “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” [Annotated dictionary of the Uzbek language] Toshkent 2018


³ Namiki Takashi (1981) “Kokugo daijiten” [Japanese language dictionary] Syogakukan



Мақсад ва вазифалар. Ушбу ишда қариндош-уруғчиликка оид лексик бирликларининг тилшуносликда қандай ёндашувлар асосида ўрганилганлиги кўриб чиқилиб, қариндош-уруғчилик номларини “家-ие - Уй” билан боғлиқлиги борасида қилинган тадқиқотлардаги муаммоли жиҳатлар ўрганилади. Бунинг учун аввал “家-иенинг маънолари таҳлил қилиниб, қариндош-уруғчилик номларининг “家-ие – Уйга боғлиқлиги изоҳланади. Сўнг дунё тилшунослигида қариндош-уруғчиликка оид лексик бирликларининг ўрганилишидаги ёндашувлар таҳлил қилиниб, муаммоли жиҳатлар ўрганилади.

家-ие – “Уй”-шу уйда яшовчи инсонлар муносабатларини рамзий ифодалаш воситасидир (М.Терасава 2003, Фролова 2012) Куйидаги 1-жадвалда никоҳдан кейинги қариндош-уруғчилик номлари 家 ие -Уйга боғлиқлиги кўрсатилган.

1-жадвал



Жаноб, хўжайин маъносини билдирувчи 主人 сюдзин қадимда зодагонлар орасида уй бошлиғини кўрсатиш учун қўлланилган, ҳозирда яхши сифатларга эга уй хўжайини, турмуш ўртоқ, эр маъносини англатувчи сўзга айланиб хотин томонидан турмуш ўртоғини кўрсатиш учун қўлланилади. Бундан кўринадики, 主人 сюдзин эр яшаш жойи 家(ие)-Уйга боғлиқ.

- 家内 (канаи)-хотин иероглифига эътибор берилса, 家-ка-Уй ва 内-наи(учи) –ичкари маъносини англатиб, хотин “уй ичида” бўлиши ҳақидаги қарашларга асосланади. 3-шахс билан мулоқатда ўз хотинини билдириш учун қўлланилади.

- 奥さん (окусан)-рафикани билдирувчи мулойим стилга эга лексика. Эдо давридаги савдогар оиласи яшайдиган Уйнинг қурилиши оригинал режалаштирилган бўлиб, кенг бўлмаган фасад ва уй бўйлаб ичкариги қириладиган қилиб қурилган. Уйнинг олд қисми савдо ишлари ва миждозлар учун, Уйнинг ички 奥-оку қисмида оила яшаган. Агар эр уй олд қисмида



савдо билан шуғулланган бўлса, аёли Уйнинг ичкари қисмида юмушлар билан машғул бўлган.¹ Бунда қариндошликни англатувчи ушбу сўз 家(ие)-Уй билан боғлиқлигини кўриш мумкин.

- 嫁(ёмэ)-келин термини 3 та маънони англатади: ўғилнинг хотини, келин ва хотин. Ёмэ сўзи ёбимэ сўзидан келиб чиққан. 嫁(ёмэ) Сўзма сўз қиз(аёл)нинг уйдаги исми маъносини англатади. Бу сўзнинг дастлабки маъноси ўз уйини ташлаб бегона уйга ишлаш, набираларни дунёга келтириш, турмуш ўртоғининг ота-онасига ғамхўрлик қилиш учун келган қизни англатади. Шу жиҳатдан 家(ие)-Уйга боғлиқ дейиш мумкин.

Япон жамиятида “家-ие муҳим рол ўйнайди. Маълум корхонанинг ўзи бир алоҳида Уй “家-ие деб ҳисобланиши, корхона раҳбари 親父 оядзи –ота деб номланиши ўз корхонаси ўз Уйи “家-ие, бошқа корхона ўзганинг уйи сифатида қабул қилиниб, мурожаат жараёнида бунга катта эътибор берилиши бунга мисол бўла олади.

Методлар. Япон тилидаги қариндошлик алоқалари борасида Ватанабе Томосукэ (1968)², Ватанабе Ёшио (1982)³ Чин Цую⁴, Хирано Тошимаса (1974) Судзуки Такао(1973), Танака Акио(1975), 劉柏林(2001) Холназаров Маъмуржон (2017)⁵ кабилар изланиш олиб бордилар.

Ватанабе Томосукенинг “Қариндош уруғчилик сўзлари ва жамият структураси”га бағишланган тадқиқотида япон тилидаги қариндошлик муносабатлари структураси жамият структураси билан боғлиқлиги жиҳатдан кўриб чиқилган. Ватанабе Ёшио(1982) қариндош-уруғчилик номлари ва муносабатларини социоантропологик жиҳатдан ўрганиб чиққан. қавм-қариндошлик терминларидаги мурожаат шакллари борасида Сузуки Такао(1973), Танака Акио(1975), Рюка Шивабаяши(2001), Чин Цуюларнинг тадқиқоти диққатга сазовардир. Хитойлик тадқиқотчи Чин Цую “Қариндош-уруғчилик сўзларида мурожаатни англаш-замонавий япон-хитой тилларининг солиштирма

¹ E. L. Frolova(2011) Termini` rodstva v funktsii oboznacheniya suprugov yaponskoy semey. [Kinship terms in function of meaning couples of a japanese family]Novosibirsk

² Vatanabe Tomosuke(1968) Syakai kouzo to gengono kankei ni tsuiteno kisoteki kenkyu(1), (sinzoku goi to syakai kouzo), Kokuritsu kokugo kenkyujyo[Basic research on the relationship between social structure and language(kinship terms and social structure)] Kokuritsu kokugo kenkyujyo Publ.

³Vatanabe Yoshio (1982) Gendaino bunka jinruigaku shinzoku no syakai jinruigaku, shibundo, [Modern cultural anthropology Social anthropology of relatives] Shibundo Publ., p.168-178

⁴ Chin Tsuyu (1990) Shinzokugoini mirareru taigu ishiki-gendai nichyu ryogo no taisyo kenkyukara shinzokugo-[Treatment consciousness in kinship terms - Contrastive analysis between Japanese and Chinese]

⁵ Holnazarov Ma`murjon (2017) Shinzokuni okeru kosyoni tsuite - uzubekugo to nihongotono taisyouteki kantenkara- ,[The names of relatives- Contrastive analysis between Uzbek and Japanese] Nihongo, nihongogaku kenkyu dai 7 go [Japanese Japanese studies No.7].



тадқиқи” номли тадқиқотида япон-хитой тилларидаги қариндошлик сўзларида мурожаат шакллари икки тилда ифодаланишини солиштирган.

Гуревич Т.(2006) 家 -ие руҳияти ҳанузгача бола тарбияси, хулқ атвор нормаларида оилавий муносабатларда сезиларли даражада эканлигини таъкидлайди. У масалага асосан културологик жиҳатдан ёндашган. *Учи-Ўз* (ичкари) ва *сото-ўзга*(ташқари)муносабати жиҳатдан тадқиқ қилган. Қариндош-уруғчилик бирликларини Оила концепти билан боғлиқлигини айтади.

Ёшимидзу Озаки(2018) «Замонавий япон тилидаги қариндош-уруғчиликка оид мурожаат бирликларининг даврга ва ёш ўтишига қараб ўзгариши»¹ номли тадқиқотида қариндош-уруғчиликка оид мурожаат бирликларининг ҳозирги кундаги қўлланилиши, қадимдан бугунги кунгача қандай ўзгаришга учраганлиги 1985 йилдан 2013 йилгача олиб борилган тадқиқотлар орқали аниқлаштирилади. Бунда акцентдаги ўзгаришлар ҳам ҳисобга олинган.

Шибата Такешу(1978) диалектга доир лексикологик тадқиқот олиб бориб, мамлакатнинг ҳар бир худудида қўлланилувчи қариндош-уруғчиликка оид лексик бирликлар номларини ўзига хослигини тадқиқ қилди.²

3-шахс қариндош-уруғчилик номларини тадқиқот объекти сифатида олган Комори Омори(2013)³ сўровнома ўтказиб, ёзиб олинган овозли материалларидан қариндошлик номларини йиғиб, оилавий муносабатлар ва ёшга доир тадқиқотларини бирлаштириб социолингвистик жиҳатдан таҳлил қилган. Комори Юри(2013) қариндош-уруғчилик терминларини қондошлик алоқалари билан боғланган қариндошчилик ҳамда никоҳ орқали боғланган қондош бўлмаган қариндошчилик алоқаларига ажратади. Шу тариқа, қариндошлик муносабатларини ёшига қараб фарқлаб, бободан олдинги авлод, бобо авлод, ота авлод, бола авлод дея 4 гуруҳга ажратиб тадқиқ қилади. Тадқиқ натижалари 4 асосий хулосани беради:

1.Сўзловчи гап бораётган шахс ҳақида сўзловчи нуқтаи назаридан, тингловчи нуқтаи назаридан ва 3 шахс нуқтаи назаридан олиб 3 хил фокусдан ёндашади.
2.Сўзловчи ва тингловчидан бошқа 3 шахс ҳақида гапирганда қўлланадиган шакл сифатида қариндош-уруғчилик терминлари ва исм қўлланилиб, кам ҳолларда фамилия ишлатилади. 3. Қайси нуқтаи назардан, қариндош-уруғчилик лексик бирлигининг қай бири танланиши сўзловчи, тингловчи ёки мавзу қилиб олинаётган 3

¹ Odzaki Yoshimitsu (2018) "Gendai nihongoni okeru shinzoku kosyono jidai henka to kareihenka" [Changes in the age and aging of relative names in modern Japanese] Vol. 42 No. 1 (Tsumaki dai 53 go) 53 ~ 77

² Shibata Takeshi (1978) «Nihon hogenno goi: hsindzoku meisyoto sono ta»[Japanese dialect vocabulary: relative names and others] Sansyodo

³ Komori Yuri (2013) "Shinzoku kande mochirareru tasyosino unyo-wadaino jinbutsu o toraeru shiten to hyogen keishiki-// Syakai gengokagaku tokusyu: Uerufea • Ringuistikusuni tsunagaru jissenteki gengo, komyunikesyon kenkyu [Operation of third person terms used among relatives - a viewpoint and expression format that captures the person in the topic] Vol.16, No. 1



шахсининг авлодидаги фарқ ва қондош муносабатларига боғлиқ. 4. Тингловчининг ёши кичик бўлса, сўзловчи тингловчининг ёшини ҳисобга олиб гап мавзуси бўлган шахсни қайси нуқтаи назардан олиш кераклигини белгалайди.

Ито Канако(2017) замонавий Хитой ва Япон тилларида қариндош-уруғчилик номларига оид солиштирма тадқиқот олиб борган. У қариндошлик номлари ичидан 3-шахс қариндош-уруғчилик номлари(reference terms)ни танлаб олиб, уларнинг хитой ва япон тилидаги қўлланилувидаги фарқли жиҳатларини ойдинлаштирган. У Оморидан фарқли равишда оила аъзоларидан сўровнома ўтказмай, бадий адабиёт тили материалларига асосланиб, қайси нуқтаи назардан, қандай тузилишдаги 3-шахс қариндош-уруғчилик номлари шакли танланганлиги тадқиқ қилинган.¹

Натижалар ва мулоҳаза. Япон тилининг қариндош-уруғчилик номларининг ўзига хослиги ҳақида энг аввало европалик ва америкалик антрополог олимлар Япониянинг оила ва қариндош-уруғчилик структурасини тадқиқ қилганлар(Бачник 1983, Таманой 1986)

Япон тилидаги қариндош-уруғчилик номларини биринчилардан бўлиб тадқиқ қилган антрополог Морган(1870) номлар ва мурожаат шаклини фарқлаб ажратиб олмаганлиги жиҳатдан етарлича тадқиқ қилинмаган.

Қариндош-уруғчилик номларини қўлланилувида таҳлил олиб борган Эмбрее антрополог олим сифатида урушдан олдинги даврда Япониянинг қишлоғи асосида тадқиқот олиб борган (Эмбрее,1939) У япон тилидаги қариндошчилик номларининг ўзига хослиги сифатида шу номлар олдидан *ウチノ* -учино аниқловчи сўзини қўшиб қўллаш билан ушбу қариндошчилик номини қўллашда бола(фарзанд) асосий мезон бўлишига урғу берган. Норбеск(1954) эса бу тарзда қўлланилишининг мезони сифатида (point of reference)яъни кимни нуқтаи назаридан шу ном ишлатилаётганига ўз нуқтаи назаридан эмас, ие- “Уй” нуқтаи назаридан эканлигини таъкидлайди. Лекин Корнелл(1956) ўз рафиқасини *うちのお母さん*-учи но окасан тарзида эмас, балки *お母さん* окасан тарзида мурожаат қилишдек ишора қилиб қўлланилиши ўзининг нуқтаи назаридан эмас 3 шахс яъни уйнинг энг кичик боласини аташ мезони қилиб олинса-да, бунда шахсга тўғридан-тўғри мурожаат қилмаяпти деб ҳисоблаб, бундай қўлланилувни ўзгарувчан текноним (modified teknonym) деб номлайди.

Қариндош-уруғчилик номлари тизимида 家-ие-Уйнинг аҳамияти. Япон тилидаги қариндош-уруғчилик номлари тизимида Уй концептининг аҳамиятини жамият структураси жиҳатдан биринчилардан батафсил тадқиқ қилган Норбеск ва Бефу(1958) дир. У ўз рафиқасини *かちゃん* качян каби

¹ Ito Kanako (2017) «Shindzoku meisyo no tasyo yohoni kansuru gendai chyunichi tasyohikaku: mamaga “Tsuma”to naru tokitova»[Comparison of modern Chinese-Japanese subjects regarding the usage of other names of relatives: When a mom becomes a wife] Shinsyu daigaku jinbungakubu



мурожаат қилгандек қўлланилиши фиктив яъни қондош бўлмаган бутунлай бегона кишиларга нисбатан қўлланилуви деб белгилайди. Корнеллнинг тахмин қилган гипотезаси 3-шахсни уйнинг энг кичик фарзанди нуқтаи назаридан эмас ие “Уй” нуқтаи назаридан олиб қаралса, барча ўзига хосликларни англаш мумкин деб асослаб, Япон тили қавм-қариндошлик номларида “Уй” концептининг долзарблигини қайта-қайта таъкидлайди. Худди шу нуқтаи назардан Беардлей (1959), Китаожи (1971), Танака (1976,1977)лар ҳам бориб, муаммо сифатида олинаётган қариндошчилик сўзларининг ишлатилишида кўрсатилаётган “Уй”нинг ижтимоий ўрни жиҳатдан бу турдаги қариндош-уруғчилик сўзларини ижтимоий позицияни англатувчи терминлар (positional terminology, social status terms) деб асослайдилар. Бу тадқиқотчилар терминларни қўлланилувида уйнинг боласи томондан қаралгандек шахсий нуқтаи назари мезон сифатида олинмасдан “Уй” тушунчаси асосий мезон қилиб олинishi кераклигини таъкидлаганлар.

Бунга нисбатан Фишер(1964) оила аъзолари ўртасидаги сўзловчи 自称詞 *жисёси* ва тингловчи 対称詞 *таисёси* ни кўрсатадиган шахс отларини тадқиқ қилиб, уларни ижтимоий хусусиятга асосланган социоцентрик бўлиб маълум коллектив, жамоани мўлжал қилиб олиб (group oriented), шу нуқтаи назардан ишлатилса-да, қариндошчиликни номлаш мезони оиланинг энг кичик фарзанди бўлишини таъкидлаган.¹

Судзуки(1973) эса ўз хотинини 力ちゃん *качян(онаси)* деб мурожаат қилингандек қўлланилишини номлаш мезони ⅠⅡ-Уй эмас, уйдаги энг кичик фарзанди бўлади деб ҳисоблаган, лекин Уй концепти қариндошчилик номларининг умумий асосини (common footing) ташкил қилишини, яъни ⅠⅡ-Уй чегараланган сфера (circumscribed sphere) муҳим элемент эканлигини кўрсатади. Айнан шу нуқтаи назардан қариндош-уруғчилик терминларининг қўлланилишини янгидан 「オイコニミ」 ойкономи (oikonomy, oikos (ⅠⅡ) деб номлайди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, дастлаб қариндош-уруғчилик борасидаги тадқиқотларни олиб борган европалик антропологлар учун ўз хотинини 力ちゃん *качян(онаси)* деб чақирилиши бирмунча ажабланарли туюлган. Бу турдаги қўлланишни тадқиқ қилиш давомида япон тилидаги қариндошчилик номларида ⅠⅡ-Уй концепти муҳим жиҳат эканлиги ойдинлашган. Бироқ, бу турдаги қўлланишни шахснинг Уйдаги ўрнига ишора қилинганлиги ёки Уйнинг энг кичик фарзанди нуқтаи назаридан олиб қариндошчилик муносабатларига ишора қилинганлиги, бу жиҳат ҳанузгача аниқ ечим топмай, шу икки қарашга ажралганича қолмоқда. Бу тарзда қўлланишининг асосий мезони Уйми ёки энг кичик фарзанд нуқтаи

¹ Fisher J.L., Words for Self and Others in Some Japanese Families. American Anthropologist, 1964, 66 (6) : 115–126,



назаридан қаралаётган шахси икки турдаги қараш муаммолигича қолмоқда. Бундан ташқари, қариндошчилик номларининг бу тарзда қўлланилувини Уй мезон сифатида олинадиган ижтимоий позиция, статус номлари (positional terminology, social status) сифатида, ёки Ўзини марказда қўйиб аниқ маънодаги қариндошлик номлар (kinship terminology) , *ўзгарувчан текноним(modified teknonymy)* , オイコニミ — ойконим (oikonymy , oikos (イエ) сифатида олиниси ҳам баҳсли мавзу дейиш мумкин.

“Уй” нуктаи назарими ёки “Ўз” нуктаи назарими.

Ўз хотинини カチャン качян(онаси) деб чақириб қўлланилиши, энг кичик фарзанд нуктаи назаридан オジ oji(амаки, тоға) オバ oba(хола, амма) каби қўлланилиши кузатилган.

Япон тилидаги қариндошлик терминологиясини ҳар томонлама ўрганишни тадқиқот объекти Судзуки(1973, 158-178) аввал қариндош-уруғчилик номларини Ўз нуктаи назаридан (эгоцентрик) қўлланилувчи бирликлар деб кўрсатган. Уй анъанаси марказий ўринда бўлган даврларда маълум уйнинг энг кичик ўғли ёки қизи катта ўғилнинг фарзандлари томонидан オジ oji(амаки, тоға) オバ oba(хола, амма) деб мурожаат қилинадиган шахслар сифатида кўрсатиб, сўзловчи ўзининг нуктаи назарини катта ўғилнинг болалари(ҳали туғилмаган бўлса ҳам) билан тенг қўйиб, шу нуктадан олдидаги қариндошига オジ oji(амаки, тоға) オバ oba(хола, амма) деб мурожаат қилади деб ҳисоблаган. Судзуки бундай қўлланилувни реал мавжуд бўлмаган шахсни белгилаб эътиборни шу нуктадан кўриш маъносида қариндошлик номларининг фиктив қўлланилиши деб номлайди.¹

Хулоса. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қавм-қариндошлик бирликлари турли тиллар билан қиёсий-солиштира ўрганилган тадқиқотлар анчагина. Бундан ташқари, антрополог, диалектик жиҳатдан, тарихий-типологик, қўлланилув, фокус нуктаи назаридан қилинган тадқиқотлар кузатилди. Япон тилининг қариндош-уруғчилик номларининг ўзига хослиги ҳақида энг аввало европалик ва америкалик олимлар Эмбрее, Норбеск, Корнелл, Беардлей(1959), Бефу, Фишер(1964) кабилар чуқур тадқиқотлар олиб боришган. Судзуки(1973) Уй концепти қариндошчилик номларининг умумий асосини(common footing) ташкил қилишини кўрсатади. Айнан шу нуктаи назардан қариндош-уруғчилик терминларини қўлланилишини янгидан 「オイコニミ」 ойкономи (oikonymy , oikos (イエ) деб номлайди. Бу турдаги қўлланилувни шахснинг Уйдаги ўрнига ишора қилиняптими ёки Уйнинг энг кичик фарзанди нуктаи назаридан олиб қариндошчилик муносабатларига ишора қилиняптими, бу жиҳат ҳанузгача аниқ ечим топилмай келмоқда.

Бироқ ушбу тадқиқотларда қавм-қариндошлик бирликларининг маънолари таҳлилга тортилмаган, шу бирликлар қўлланилишида шахс тафак-

¹ Судзуки Такао(1973) Котоба то бунка [Word and culture] Tokio:Ivaname shyoten.



куридаги ўзига хос тушунчалар етарлича ўрганилмаганлигича қолмоқда. Шу жиҳатдан, япон тилидаги қариндош-уруғчилик билан боғлиқ бирликларни 家-ие-Уй билан боғлиқлиги борасида когнитив семантик жиҳатдан тадқиқ қилиш бугунги кунда долзарбдир.

2-жадвал



2-жадвалдаги каби 家-ие-Уй ифода белгиси ва маъно белгиси орқали қариндош-уруғчилик номлари мурожаат шакллари билан боғлиқ деган гипотеза асосида “Уй” нуқтаи назаридан олиб қаралса, қариндошчилик номларининг бу тарзда қўлланилувини Уй мезон сифатида олиб, когнитив-семантик тадқиқ қилинса барча ўзига хосликларни англаш мумкин.

МУСТАФАЕВА САМИДА

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), ТДШУ

Ҳозирги хитой ва япон тилларида мин даври кишилик олмошларининг қўлланиши

Аннотация. Кишилик олмошлари тилда қатор хусусиятларига кўра аҳамиятли ҳисобланади. Кишилик олмошларининг стилистик функцияси айниқса муҳим. Бундан ташқари кишилик олмошлари миллий маданият, ижтимоий-сиёсий ҳаёт, фалсафий қарашларни ҳам акс эттиргани боис алоҳида тадқиқот объекти бўладиган сўзлар сирасига киради. Қолаверса, кишилик олмошлари сўзловчининг суҳбатдошига муносабати, ижтимоий мавқеи, ҳаттоки, диний ва фалсафий қарашларини ҳам намоён этади. Шу боис Мин даври романлари (XIV-XV асрлар), хусусан, давр насрининг дурдона асраларидан бўлмиш “Уч шоҳлик” романида қўлланган кишилик олмошларининг тадқиқи давр лексикасининг хусусиятларини кўрсатиши билан бир қаторда, ушбу туркум сўзларнинг диахрон ва синхрон аспектда тадқиқ қилиниши хитой тили лексикасининг тараққиёт динамикаси юзасидан ҳам айрим хулосаларни беради. Япон тили кишилик олмошларининг таҳлилини амалга ошириши орқали Мин даври



романларнинг синосфера худудидаги бошқа тиллар лексикасига таъсири юзасидан хулосаларни олиш мумкин.

Таянч сўз ва иборалар: Мин даври, кишилик олмоилари, “Уч шоҳлик”, япон тили, байхуа тили, лексика, синосфера, морфем бирликлар, хитой тили.

Аннотация. Личные местоимения важны по ряду особенностей. Особенно важна стилистическая функция личностных местоимений. Кроме того, личные местоимения входят в число слов, которые станут предметом специального исследования, так как они отражают национальную культуру, общественно-политическую жизнь, философские взгляды. Кроме того, личностные местоимения отражают отношение говорящего к собеседнику, его социальный статус и даже его религиозные и философские взгляды. Таким образом, изучение личных местоимений, использованных в романах периода Мин (XIV-XV вв.), особенно в романе «Троецарствие», показывает особенности лексики того времени, а диахроническое и синхронное изучение этого ряда слов дает некоторые выводы о динамике китайской лексики. Проведя анализ личных местоимений японского языка, можно сделать выводы о влиянии романов периода Мин на лексику других языков синосферы.

Опорные слова и выражения: период Мин, личные местоимения, «Троецарствие», японский язык, язык Байхуа, лексика, синосфера, морфема, китайский язык.

Abstract. Personal pronouns are important according to a number of features in the language. The stylistic function of personal pronouns is particularly important. In addition, personal pronouns are among the words that will be the subject of special research, as they reflect the national culture, socio-political life, philosophical views. In addition, personal pronouns reflect the speaker's attitude toward the interlocutor, his social status, and even his religious and philosophical views. Therefore, the study of personal pronouns used in the novels of the Ming period (XIV-XV c.), especially in the novel "Three Kingdoms", shows the features of the lexicon of the period, as well as the study of this series of words in diachronic and synchronous terms gives some conclusions about the dynamics of Chinese lexicon. By analyzing Japanese personal pronouns, it is possible to draw conclusions about the influence of Ming period novels on the lexicon of other languages in the synosphere.

Keywords and expressions: Min period, personal pronouns, "Three kingdoms", Japanese, Bayhua, lexicon, synosphere, morpheme units, Chinese language.

Кириш. Хитой адабий тили ривожланиш тарихида Мин даврида яратилган насрий асарлар (роман, ҳикоя, новелла ва драмалар)нинг ўрни алоҳида. Маълумки, ушбу даврда кўплаб насрий асарлар вужудга келиб, айнан шу насрий асарлар хитой адабий тилининг кейинги босқичларидаги қатор муҳим жиҳатларини белгилаб берган, романларда давр тили ана шу ривожланишининг марказида турган ва муҳим роль ўйнаган.

Хитой Мин даври адабиёти икки даврга ажратилади: илк (前期) ва сўнг (后期) босқичлари. Илк босқич давр адабиётида икки йирик романчилик намунаси 《三国演义》 (“Уч шоҳлик”) ва 《水浒传》 (“Дарё ўзанлари”) асарлари алоҳида эътироф этилади. Ушбу давр мамлакатда рўй берган сиёсий-ижтимоий вазият сабаб, салмоқли бадий асарлар анчайин кам яратилган. Айтиш жоизки, айнан Мин даври илк босқичи Хитойда адабий



тил тараққиётида алоҳида аҳамият касб этади. Унинг аҳамияти ва мамлакатда тил вазиятида ҳал қилувчи роль ўйнагани бир томондан Юань даврида Пекин (Хонбалиқ)нинг мамлакат пойтахти мақомида бўлгани боис Шимол шевалари мавқенинг ошиши ва бутун мамлакат бўйлаб шимол шевалари асосида шаклланган расмий-бошқарув тили 官话 (гуаньхуа)нинг муомалага киргани, Юань драмаларининг айнан шу тилда яратилиши ва бу расмий тилнинг Мин даврида янада такомил этишида кўринса, иккинчи томондан содда халқ тили сифатида юзага келган 白话 (байхуа)нинг катта ҳажмдаги прозаик асарлар тили сифатида адабиётда мустаҳкам ўрнашиши ва вэнянга параллел равишда адабий тил мақомига эга бўлишида намоён бўлади. Мазкур мақола объекти сифатида айнан “Уч шоҳлик” романининг танланиши бежиз эмас. Асар тарихий-хрониологик асар “三国志” (“Уч шоҳлик ҳақида тарихий қайдлари”) ва халқ орасида оммалашган ривоятлар асосида яратилгани ва асар воқеалари Уч подшоҳлик (айрим манбаларда князлик дея эътироф этилади) даврида юз бергани боис кишилиқ олмошлари мисолида хитой байхуа тилининг бир неча асрлик лексик тақомилини кўрсатиб бера оладиган асар саналади.

Мин даври романларида хитой тилининг қатор морфологик ва синтактик, лексик-семантик қурилмалари нафақат ўз даври тилшунослигининг муҳим ҳодисасига айланди, балки ҳозирги хитой тили, қўшни мамлакат тиллари, жумладан, япон, корейс тилларининг лексик-семантик, қисман морфологик қатламига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Айни шу таъсирни жумладан, кишилиқ олмошлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мақсад ва вазифалар: мақола доирасида Хитой Мин даври “Уч шоҳлик” романида қўлланган кишилиқ олмошлари мисолида хитой адабий тили лексикаси эволюцияси ҳамда унинг яқин мамлакатлар адабиёти воситасида тилига таъсири масаласини ўрганиш ва синхрон аспектда давр кишилиқ олмошларининг тилда қўлланишини таҳлил қилиш асосий мақсад сифатида белгиланган. Ушбу мақсадга биноан қатор вазифалар келиб чиқади, жумладан:

- давр асарларининг хитой адабий тили тараққиётида тутган ўрнини аниқлаш;
- Мин даври романчилик намунаси бўлмиш “Уч шоҳлик” асарининг синосфера ҳудудидаги қўшни мамлакатлар адабиётига таъсир масаласини тавсифлаш;
- хитой адабий тили лексикасининг Мин даврига қадар ривожланиш динамикасини кишилиқ олмошлари мисолида таҳлил қилиш;
- Асарда қўлланган кишилиқ олмошлари мисолида давр адабиёти лексикасининг бугунги хитой ва япон тили лексикасига таъсирини белгилаш.

Усуллар: мақолани ёзишда тарихий-қиёсий, синтез, тавсифий методлар қўлланди.



Натижа ва мулоҳазалар: Мин даври романлари япон адабиётига салмоқли таъсир кўрсатгани, давр асарларининг япон тилига таржима қилиниши ва давр айрим романлари таъсирида япон адабиётида янги жанрларнинг юзага келиши асар лексикасининг тилга таъсири ҳам сезиларли бўлган деган мулоҳазаларни келтириб чиқаргани боис, ушбу мақола тадқиқи доирасида Мин даври романларининг япон тили лексикасига таъсири ҳамда унинг ҳозирги япон ва хитой адабий тилида сақланиб қолиши даражасини аниқлаш ишнинг асосий натижасини белгилайди.

Хитой иероглифларининг япон тилида қўлланиши жараёнида хитой тили лексикаси ҳам ушбу тилга кириб борган. Муомалада японча сўзлар билан бир қаторда хитой лексик бирликлари ҳам қўлланган.

Хитой байхуа тилида ёзилган Мин даврига оид ёзма ёдгорлик 《三国演义》 (“Уч шоҳлик”) романида 我 *wǒ*, 吾 *wú*, 某 *mǒu*, 朕 *zhèn*, 孤 *gū*, 俺 *ǎn*, 偶 *ǒu* сўзлари биринчи шахс кишилиқ олмошлари сифатида қўлланган.

Кишилиқ олмошлари орасида “我 *wǒ*” олмоши энг қадимий ҳисобланади. Хитойдаги энг қадимги ёзма ёдгорликлар 甲骨文, яъни тошбақа косалари ва ҳайвон суяқларига битилган ёзувлардаёқ ушбу иероглифнинг қўлланганига гувоҳ бўлиш мумкин, аммо график жихатдан ҳарбий қурол 戈 *gē* “найза” иероглифига монанд ёзилган. Сюй Шэннинг 《说文解字》 луғатида “我 *wǒ*” га қуйидаги таъриф келтирилган: “我 иероглифи, “қадимги 杀 *sha* “ўлдирмоқ; қатл этмоқ” иероглифи ҳамдир”¹. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, 我 *wǒ* иероглифи ҳарбий қуролга алоқадор, ўзлашма туркум иероглифлар сирасига киради. Биринчи шахс кишилиқ олмоши маъноси ўзлаштиргач 3-4 минг йил тараққиёт жараёнида бўлгандан кейингина ниҳоят кишилиқ олмоши маъносида тил лексикасига сингган. Кейинчалиқ ўзининг туб маъносини йўқотган. 我 *wǒ*нинг биринчи шахс кишилиқ олмоши маъноси дастлаб кучли бўлмаган, Шимол-жануб сулолалари (420-589 йй.) даврига келиб биринчи шахс кишилиқ олмоши “мен” маъноси ушбу иероглифнинг устивор маъносига айланган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, уч шоҳлик даври (220-280 йй.) 我 *wǒ* иероглифида “мен” маъноси такомилнинг илк босқичи бўлган.

我 *wǒ* каби 吾 *wú* сўзининг ҳам туб маъноси биринчи шахс кўрсатиш олмоши бўлмаган. “Хань сулоласи тарихи: Гуан У Ди даври” (《后汉书·光武帝纪上》) ҳамда “Гуанюнь” (《广韵》) асарларида қуйидаги таърифни топиш мумкин: “吾, 御也” “吾 *wú* – уриш, ҳужум қилиш демақдир”. Шу боис биринчи шахс кишилиқ олмоши 吾 *wú* “防禦 *fángyù*, душманга зарба

¹ 陈翠珠.汉语人称代词考论//华中师范大学研究所期刊, 武汉, 2009. №3. 第 45-49 页. Чэн Цуйчжу. Ханюй рэнчэнг дайци каолун//Хуачжун шифан дасюэ янцзюсуо цикань. Ухань, 2009. №3. –С. 45-49.



бериш, хужум килиш” сўзидаги 吾 *wú* бўлагидан келиб чиққан. Баҳор ва куз (春秋) даврида маъно жиҳатдан тараққий этиб, ўша давр хань миллати умуммиллий тили лексикасига кириб келган. Яън тилида 我 *wǒ* билан бир қаторда 吾 *wú* ҳам биринчи шахс кишилиқ олмошини ифодалай бошлаган. Илмий изланишлар шуни кўрсатадики, 吾 *wú* сўзи биринчи шахс кишилиқ олмоши вазифасида Фарбий Жоу сулоласи (мил.авв. 1046-771 йй.)нинг сўнги даврида қўллана бошлаган. Баҳор ва куз даврига келиб эса шиддат билан такомилга етган мазкур лексема Шарқий Цзинь сулоласи даврига келиб ёзма нутқда, хусусан сиёсий матнларда қўлланиш даражаси 我 *wǒ* дан ошиб кетганлигини кўрсатади¹. Ҳисоб-китобларга кўра “Уч шоҳлик” асарида 我 *wǒ* “мен” умумий ҳисобда 1409 марта, кўплик шакли 96 марта, 吾 *wú* 2339 марта, жумладан кўплик шакли 55 марта қўлланган. Ҳар икки олмошнинг ҳам асардаги грамматик функцияси бир хил, гапда эга, тўлдирувчи, аниқловчи вазифаларида қўлланган.

我 *wǒ* ва 吾 *wú* нинг синтактик функциялари деярли фарқланмайди, ҳатто тилшунослар улар бир-бирининг ўрнида қўлланиши мумкин деган фикрни билдиришади². Бироқ, семантик ва функционал жиҳатдан қараганда уларнинг фарқли жиҳатлари ҳам намоён бўлади. “Уч шоҳлик” романида Лью Бэй мувафакқият қозонишидан олдин ўзига нисбатан 我 *wǒ* олмошини қўллайди, Цао Цаонинг нутқида ҳам шу ҳолат кузатилади. Асар бош қаҳрамонларининг барчаси ҳалқ томонидан миллий қаҳрамон даражасига кўтарилагач, 吾 *wú* олмошининг қўлланиш даражаси сезиларли даражада ошади. Кўриниб турибдики, ўша даврда 我 *wǒ* ва 吾 *wú* олмошлари шахснинг жамиятда тутган ўрни, мавқеи, маданиятини ҳам кўрсатган. Ўзидан мавқеи баланд ёки тенг бўлган суҳбатдош билан суҳбатда, унга нисбатан ҳурматни билдириш ва камтарлик нуктаи назаридан 吾 *wú* олмоши қўлланади. Қолган вазиятларда эса 我 *wǒ* нинг қўлланишига гувоҳ бўлиш мумкин.

俺 *ǎn* олмошининг “Уч шоҳлик” романида қўлланиш ҳолати кам бўлиб, умумий ҳисобда 10 марта қўллангани кузатилади. 俺 *ǎn* шевада биринчи шахс кишилиқ олмошини ифодалайди, манбаларга кўра Сун сулоласи (960-1279 йй.) даврига келиб шаклланган³. Юань (1206-1368 йй.) ва Мин (1368-1644 йй.) сулолалари даврига келиб мамлакат шимолида ёйилишни бошлаган. Бу таърифдан келиб чиқадиган бўлсак “Уч шоҳлик”да 俺 *ǎn* олмошининг қўлланиши ўринли эмас. Аммо маълумки, роман Мин сулоласи

¹ 陈翠珠.汉语人称代词考论//华中师范大学研究所期刊, 武汉, 2009. №3. 第 45-49 页. Чэн Цуйчжу. Ханюй рэнчэнг дайци каолун//Хуачжун шифан дасюэ янцзюсу цикань. Ухань, 2009. №3. –С. 45-49.

²陈翠珠. Чэн Цуйчжу. Кўрсатилган асар.

³陈翠珠. Чэн Цуйчжу. Кўрсатилган асар.



даврида ёзилган, унинг муаллифи Луо Гуаньчжун Шаньси провинциясида туғилиб, ўша ерда фаолият олиб борган. Шу боисдан ёзувчи асаридида ўша худуд шеvasига хос лексиканинг учраши табиий. 俺 *ǎn* олмоши асарда биринчи шахс кишилик олмоши бирлик шаклини ҳам, кўплик шаклини ҳам ифодалаб келган. 俺 *ǎn* олмошининг қўлланиши шевага хос лексика саналгани сабаб оғзаки нутқ хусусиятини кўрсатиш баробарида хиссий бўёқдорликка ҳам эга саналади. Асар қаҳрамонларидан бири Жанг Фэй Лью Бэй ҳақида гапира туриб, “我哥哥” *wǒ gēge* “менинг акам” бирикмасини “俺哥哥” *ǎn gēge* тарзида баён қилади, бу ўринда “我哥哥” *wǒ gēge* эмас, айнан юқорида келтирилган бирикманинг қўлланиши улар ўртасидаги муносабатнинг қанчалик яқин эканлигини кўрсатади.

某 *mǒu*, 朕 *zhèn*, 孤 *gū*, 偶 *ǒu* олмошлари. Бу олмошларнинг асарда қўлланиш частотаси анча паст. Улар ҳам гапда эга, тўлдирувчи ва аниқловчи вазифаларида келган.

Иккинчи шахс кишилик олмошларида 你 *nǐ*, 汝 *rǔ*, 尔 *ěr* олмошлари қўлланган. Бунда 汝 *rǔ* суҳбатдошга хурматни ифодалаган. 你 *nǐ* ва 尔 *ěr* олмошлари нейтрал лексика ҳисобланиб, ўзида эмоционал бўёқдорликни намоён этмайди.

Асарда қўлланган учинчи шахс кишилик олмошлари сон жиҳатдан кам бўлиб, 彼 *bǐ* ва 他 *tā* олмошлари қўлланган.

Олмошларнинг кўплик шакллари 等 *děng* морфемаси воситасида ҳосил қилинган.

биринчи шахс кишилик олмошлари	иккинчи шахс кишилик олмошлари	учинчи шахс кишилик олмошлари
我 <i>wǒ</i>	汝 <i>rǔ</i>	他 <i>tā</i>
吾 <i>wú</i>	你 <i>nǐ</i>	彼 <i>bǐ</i>
俺 <i>ǎn</i>	尔 <i>ěr</i>	
某 <i>mǒu</i>		
朕 <i>zhèn</i>		
孤 <i>gū</i>		
偶 <i>ǒu</i>		



Ҳозирги хитой тилида асарда қўлланган олмошларнинг маълум қисми қўлланса-да, уларнинг аксари адабий тил доирасида муомаладан чиққан ҳисобланади. Ҳозирги хитой тилидаги кишилик олмошларини қуйида жадвал шаклида келтирамиз:

Бирлик шакллари	Хитой тилида	Транскрипция	Ўзбек тилига таржимаси
I	我	wǒ	мен
II	你、您	nǐ, nín	сен
III	他、她	tā	у
Кўплик шакллари			
I	我们、咱们	wǒmen, zāmen	биз
II	你们、您们	nǐmen, nínmen	сиз
III	他们	tāmen	улар

Юқоридаги жадвалда келтирилгани каби ҳозирги хитой адабий тилида 我 wǒ биринчи шахс кишилик олмоши сифатида қўлланади ва мазкур олмош нейтрал оттенкага эга лексика ҳисобланади. Иккинчи шахс кишилик олмошлари икки шаклда мавжуд, бунда 你 nǐ нейтрал лексика бўлиб, 您 nín хурмат маъносини ифодалагани боис, асосан расмий доиралар, ёзма ҳужжатларда қўлланади. Учинчи шахс кишилик олмошлари сифатида 他 tā、她 tā қўлланиб, улар фақат график жиҳатдан ёзувда гендер хусусиятига кўра фарқланади, 他 tā эркакларга нисбатан қўлланса, 她 tā аёл кишига ишора қилади. Аммо, олмошлар фонетик жиҳатдан фарқланмайди. Учала шахс олмошларининг кўплик шакллари жадвалда кўрсатилгани каби 们 men суффикси воситасида ясалган. Фақат биринчи шахс кишилик олмошининг кўплик шаклини акс эттирувчи 咱们 zāmen сўзининг бирлик формаси мавжуд бўлмай, у 我们 wǒmenдан фарқли равишда суҳбатдошни ҳам қамраб олади. Масалан:

下课以后，我们去图书馆。Xià kè yǐhòu wǒmen qù túshūguǎn. Дарсдан кейин биз кутубхонага борамиз. (Бу ўринда нутқ муаллифи суҳбатдошига шунчаки ахборот бериб, унинг ҳам кутубхонга бориши назарда тутилмаган.)

下课以后咱(们)去吃饭吧。Xià kè yǐhòu zān (men) qù chīfàn ba.

Дарсдан кейин (биз) овқатлангани борамизми? (бунда кишилик олмоши суҳбатдошни ҳам қамраб олади.)

Юқорида келтирилган олмошлардан ташқари хитой адабий тилида биринчи шахс кишилик олмоши маъносида 本人 běnrén ва иккинчи шахс кишилик олмоши ўрнида 贵方 guìfāng бирикмалари қўлланади. Келтирилган биринчи бирикма кўрсатиш олмоши+от структурасини гавдалантирса, иккинчи бирикма сифат+от бирикувидан ҳосил бўлган. 本人 běnrén асосан эълон ва айрим ҳужжатларда қўлланса, 贵方 guìfāng хурмат маъносини англатиб, кўпроқ расмий, иш юритув доираларида муомалада бўлади.



“Уч шоҳлик” романида қўлланган олмошлардан 俺 *ǎn* шимолий шева-ларда ҳамон муомалада ҳисобланади.

Роман биринчи шахс кишилиқ олмошларидан 朕 *zhèn* ҳозирги хитой ёшлари нутқида қўлланишига гувоҳ бўлиш мумкин. 朕 *zhèn* олмоши аслида Цин сулоласига қадар “мен” маъносида нейтрал лексика сифатида қўлланган бўлса, Цин сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнг фақат император нутқида биринчи шахс кишилиқ олмоши сифатида қўлланган¹. Бугунги кунда ушбу олмош ёшлар нутқида сўзлашув услубида тенгруклари билан мулоқотда қўлланади. Бунда кўрсатилган лексема юмор оттенкасига эга бўлиб, фақат сўзлашув услубига хос тарзда намоён бўлади.

Хитой тили иероглифлар воситасида япон тилига таъсири масаласи доим тадқиқотчилар диққат марказида бўлган. Айниқса, Мин даври романларининг япон Эдо даври адабиётига таъсири салмоқли бўлгани қатор ишларда эътироф этилган². Хитой адабиёти дурдоналарининг Японияга кириб бориши ва асарларнинг япон тилига таржима қилиниши нафақат адабиёт ва маданиятга таъсири билан аҳамиятли ҳисобланади. Мин даври романлари хитой байхуа тилининг ўрганилиши учун зарур манба ҳам ҳисобланган. Бунинг натижасида давр асарлари лексикаси япон тилига кириб борган. Табиийки, асарда қўлланган кишилиқ олмошлари ҳам бундан мустасно эмас.

Япон тилида кишилиқ олмошлари қўлланиш доирасига кўра ёзма ва оғзаки тил олмошларига бўлинади. Қуйида ёзма тил кишилиқ олмошлари келтирилган³:

биринчи шахс кишилиқ олмоши	иккинчи шахс кишилиқ олмошлари	учинчи шахс кишилиқ олмошлари
<ul style="list-style-type: none"> • 我 wa • 吾варэ • 吾a • あれарэ • あのано • 己онорэ 	<ul style="list-style-type: none"> • なна • なれнарэ • 汝нандзи 	<ul style="list-style-type: none"> • か ка • 彼 карэ • あ а • あれ арэ

Уларнинг орасида кишилиқ олмошларининг дастлабки шакллари *ва, о, оно, на, ка, та* бўлиб, қолган шакллар уларга *рэ*нинг қўшилиши натижасида

¹ ХДНС. –Р. 1661.

² Батафсил қаранг: Mustafaeva S. The influence of Ming Chinese novels on Edo-Japanese literature. // Solid state technology. №6, 2020. P. 4967-4973.

³ Киэда М. Грамматика японского языка. Т. I. –М., –С. 96. Kieda M. Grammtika yaponskogo yazika. T. I. –М., –S. 96.



хосил бўлган. Кўрсатилган бошланғич шакллар бугунги кунда қўлланмайди, фақат *ва* олмоши ёрдамчи сўз “*га*” билан бириккан ҳолда 吾が³国 *вага куни* “менинг юртим (ватаним)” ҳамда 吾が³君 *вага кими* “(бизнинг) хукмдоримиз” каби бирикмалардагина қўлланиши мумкин¹.

Юқорида келтирилган олмошлардан ташқари хитой тилидан ўзлашган бир қанча кишилиқ олмошлари ҳам мавжуд: биринчи шахс учун: *боку, е, сесэй, ясэй, усэй, сэсса, вагахай, дзibun, яцугарэ, маро, сорэгаси, мидзукара, ми, варава*(фақат аёллар ўзига нисбатан қўллаши мумкин), *коко*.

Иккинчи шахс: *кикун, кико, кидоно, кикэй, киси*(фақат аёлларга нисбатан), *рокэй, дайкэй, сокка, дэнка, какка, годзэн, гохэн, кими, соко, нуси, тоно, марото, оми, онми, омаэ, омото*(фақат аёлларга нисбатан), *сономото, вадоно, вануси, киндзи, маси, вагодзэ* (фақат аёлларга нисбатан).

Учинчи шахс: *кояцу, сояцу, аяцу, каяцу*².

Оғзаки тил олмошлари сифатида М.Киэда грамматикасида қуйидаги кишилиқ олмошлари келтирилади:

I. *Ора, оира, вай, ватти, атаси, атаи, ватаи, ватаки, атэ, ватэ, коти, ути* ва б. Бундан ташқари, биринчи шахс кишилиқ олмошлари учун *боку, дзibun, сэсса, вагахай*; иккинчи шахс учун *кими, кисама, годзэн* каби сўзлар ҳам қўлланган.

II. *Аната, омаэ, тэмаэ, кими*.

III. Учинчи шахс учун алоҳида олмошлар мавжуд бўлмай, учинчи шахсни ифодалашда одатда бошқа туркум сўзларидан фойдаланилган³.

Олмошларнинг қўлланиши ва шахсни ифодалашига кўра таснифини қуйидаги жадвал орқали янада аниқроқ кўрсатиш мумкин.

Шахс	Биринчи шахс	Иккинчи шахс	Учинчи шахс
Ўзидан юқори шахсга нисбатан	ватакуси тэмаэ	аната анатасама	ко } со } но { ката а } { оката { охито
Ўзига тенг шахсга нисбатан	ватаси боку дзibun	аната омаэсан кими	ко } со } но хито а }
Ўзидан қуйи шахсга нисбатан	васи орэ	соната омаэ тэмаэ (кисама) (онорэ)	ко } со } { но моно а } { рэ яцу,ицу

¹ Киэда М. Кўрсатилган асар. –Б. 97-98.

² Киэда М. Кўрсатилган асар. –Б. 98.

³ Киэда М. Кўрсатилган асар. –Б.103-104.



Ҳозирги япон тилида кишилик олмошларидан асосан қуйидагилар қўлланади¹: 私 (*ваташи*) биринчи шахс кишилик олмоши сифатида қўлланиб, нейтрал буюқдорликка эга. Аёл ва эркак кишилар томонидан, ёшидан қатъи назар қўлланиши мумкин. Биринчи шахс кишилик олмоши сифатида 僕 (*боку*) сўзи ҳам қўлланиб, асосан, ёш эркак жинсига мансуб шахслар нуткида учрайди. 貴方 (*аната*) иккинчи шахс кишилик олмоши сифатида қўлланиб, нейтрал буюқдорликка эга. Учинчи шахсга нисбатан асосан кўрсатиш олмоши+от шаклидаги あの人 (*ано хито*) бирикмалар қўлланади. Кишилик олмошларидан 彼 (*карэ*) ва 彼女 (*каножэ*) каби сўзлар қўлланади. Бунда, 彼 (*карэ*) ўғил болаларга, 彼女 (*каножэ*) эса қиз болаларга нисбатан асосан норасмий доираларда қўлланади. Шунингдек, бу икки лексема “ўғил бола дўсти” ва “қиз бола дўсти ёки дугонаси” маъноларида ҳам ишлатилади.

Олмошларнинг кўплик шакли –тачи (*тачи*) суффикси билан ҳосил қилинади. Аммо, айрим расмий доираларда қўлланувчи шакллар юқорида кўрсатилган шаклларни қабул қилмайди. Масалан, 我々 (*варэ варэ*), расмий доираларда корхона ёки гуруҳ номидан гапирилаётганда қўлланувчи форма сифатида келтирилса, 我等 (*варэра*) аксинча, норасмий доирада бадиий асарларда қўлланади.

Хитой Мин даври романлари кишилик олмошларининг ҳозирги хитой ҳамда япон тилларида қўлланиши бўйича фикрлар янада аниқ кўриниши учун таҳлиллар қуйидаги жадвал воситасида келтирилди:

	Мин романларида қўлланган кишилик олмошлари	Ҳозирги япон тилида нисбатан фаол қўлланувчи кишилик олмошлари	Ҳозирги хитой адабий тилида кишилик олмошлари
I шахс	我 <i>wǒ</i> , 吾 <i>wú</i> , 某 <i>mǒu</i> , 朕 <i>zhèn</i> , 孤 <i>gū</i> , 俺 <i>ǎn</i> , 偶 <i>ǒu</i>	私 <i>watashi</i> , 僕 <i>boku</i>	我 <i>wǒ</i>
II шахс	汝 <i>rú</i> , 你 <i>nǐ</i> , 尔 <i>ěr</i>	貴方 <i>anata</i>	你 <i>nǐ</i>
III шахс	他 <i>tā</i> , 彼 <i>bǐ</i>	あの人 <i>ano hito</i> , 彼 <i>kare</i> , 彼女 <i>kanojyo</i>	他 <i>tā</i>
Кўплик шакли			
I шахс	我等 <i>wǒdeng</i> , 吾等 <i>wúdeng</i>	我々 <i>wareware</i> , 我等 <i>warera</i>	我们 <i>wǒmen</i>
II шахс	汝等 <i>rúdeng</i> , 你等 <i>nǐdeng</i>	-	你们 <i>nǐmen</i>
III шахс	他等 <i>tādeng</i> , 彼等 <i>bǐdeng</i>	彼等 <i>karera</i>	他们 <i>tāmen</i>

¹ https://ru.qaz.wiki/wiki/Japanese_pronouns



Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳар икки тилда кишилиқ олмошлари ўзига хос эволюция босқичларини бошдан кечирган. Япон тилида кишилиқ олмошлари вазифасида қўлланувчи лексик бирликлар сон жиҳатидан устун бўлса-да, уларнинг аксари отлар воситасида ҳосил қилинган. Хитой тили кишилиқ олмошлари айнан, олмош туркумига оид сўзлар воситасида тилда акс этади. Хитой тили кишилиқ олмошларида гендер кўрсаткичи график воситаларда акс этса, япон тили олмошларида лексик ва фонетик қобилигида ҳам акс этади. “Уч шоҳлик” романи биринчи ва иккинчи шахс кишилиқ олмошлари бирлик шаклидан ҳозирги япон адабий тилига ўтган ва қўлланишда бўлганлари учрамади. Учинчи шахс кишилиқ олмошлари бирлик шаклидан 彼 *bǐ* ҳозирги япон тилида ҳам шу иероглиф воситасида 彼 *kare*, 彼女 *kanojyo* шаклида функционал-семантик ўзгаришга учрамаган ҳолда қўлланган. Аммо, олмошларнинг кўплик шаклида мос келадиган ўринлар бирлик шаклига қараганда кўп. Яъни, биринчи ва учинчи шахсларда деярли тўлиқ мос келади. Ҳозирги хитой адабий тилида эса асарда қўлланган кишилиқ олмошларидан биринчи, иккинчи, учинчи шахс кишилиқ олмошлари бирлик шакллари асарда акс эттирган эмоционал бўёқдорликни сақламаган ҳолда қўлланишда бўлиб, олмошларнинг кўплик шакллари асардаги каби 等 *deng* морфемаси воситасида эмас, 们 *men* суффикси воситасида ҳосил қилинган.

МУХАМЕДЖАНОВА ШАҲНОЗА

ўқитувчи, ТДШУ

Ҳозирги хитой тили неологизмлари ясалишида

«族 *zú*» аффиксининг роли

Аннотация. Мазкур мақола ҳозирги хитой тили аффиксация усулида «族 *zú*» аффиксининг ўрнини аниқлашга бағишланади. Маълумки, тил лексик фонди тилнинг ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда четдан тайёр лексик бирликларни ўзлаштириши орқали мутассил бойиб боради. Табиийки, хитой тили ҳам бундан мустасно эмас. Тилда қайси усулнинг маҳсулдор бўлиши тилнинг қатор хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Хитой тилида аффиксация маҳсулдорлиги жиҳатидан сўз қўшиши (композиция) усулидан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Айтиши жоизки, аффиксациянинг хитой тили сўз ясалишида роли кун сайин ортиб бормоқда. Шу боисдан мазкур сўз ясалиши усулида кун сайин янги аффиксал бирликлар кашф этилмоқда. Хитой тилида аффиксация усули сермахсул усул сифатида намоён бўлиши билан бир қаторда аффиксал бирликлар, яъни сўз ясайдиган ярим аффикс, тўлиқ аффикслар миқдори ҳам ортиб бормоқда.

Ҳозирги хитой тили неологизмларнинг ясалишида муҳим роль ўйнаётган аффикслардан бири 族 *zú* ҳисобланиб, у хитой тилида қатор янги сўзларни ясаида



иштирок этмоқда. Бу сўзларнинг аксарияти от туркумига мансуб бўлиб, маълум бир характерга эга бўлган қатлам ёки ижтимоий гуруҳни кўрсатиши учун хизмат қилади. 族 zú иштирокида ясалган сўзлар кўпроқ ижтимоий мансублик ёки ижтимоий ҳаётдаги роли, вазифаларига кўра умумлаштириб маълум бир гуруҳ шахсларига нисбатан қўлланадиган сўзларни ясаида иштирок этади. Лекин бизнинг фикримизча, 族 zú кўпроқ тўлиқ аффиксал бирлик эмас, балки ярим аффикс ҳисобланади. Чунки 族 zú иштирокидаги сўзлар ясалаётганда ўзининг асл маъноси, яъни гуруҳ ёки жамоа маъноларини тўлиқ йўқотмаган. Бу сўзлар қандайдир гуруҳ ёки синфга тегишлиликни ифодалайди. Тил лексикаси каби унинг морфем бирликлари ҳам мутассил бойиб боради.

Дунё тилишунослигида кузатилаётган тенденциядан ортда қолмаган ҳолда хитой тилида ҳам аффиксация усули сўз ясаишида борган сари фаол иштирок этмоқда, шу боис тилда мавжуд аффиксал бирликлар ҳам сон жиҳатдан ортиб бормоқда.

Таянч сўз ва иборалар: аффиксация, «族 zú», неологизм, лексик бирлик, префикс, аффикс, ярим аффикс, сўз ясаиши.

Аннотация. Статья посвящена изучению способа словообразования в современном китайском языке с использованием аффикса «族 zú». Известно, что лексический запас языка постоянно пополняется за счет внутренних возможностей языка и заимствованиями из иностранного языка. Конечно, китайский не исключение. Какой метод наиболее эффективен для языка, зависит от ряда особенностей языка.

В китайском языке аффиксация занимает второе место по продуктивности после метода сложения слов. Подобно лексике языка, его морфемные единицы постоянно пополняются. Помимо тенденции, наблюдаемой в мировой лингвистике, метод аффиксов становится все более активным в словообразовании в китайском языке, поэтому количество аффиксальных единиц в языке также увеличивается.

Одним из аффиксов, который играет важную роль в построении современных китайских неологизмов, является 族 zú, который участвует в построении ряда новых слов в китайском языке. Большинство этих слов относятся к существительному и служат для обозначения социальной группы, имеющей определенный характер. Слова, образованные с участием 族 zú, больше участвуют в образовании слов, которые применяются к определенной группе людей в соответствии с их социальной принадлежностью или ролью в социальной жизни. Но, по нашему мнению, 族 zú - это не полная аффиксальная единица, а полуаффикс. Потому что, когда слова образуются с участием 族 zú, оно не полностью теряет свое первоначальное значение, значение группы или сообщества. Подобно лексике языка, его морфемные единицы постоянно пополняются.

Помимо тенденции, наблюдаемой в мировой лингвистике, в словообразовании все более активным становится метод аффиксации в китайском языке, поэтому количество аффиксальных единиц, присутствующих в языке, также увеличивается.

Опорные слова и выражения: аффиксация, «族 zú», неологизм, лексика, префикс, аффикс, полуаффикс, словообразование.

Abstract. The article is devoted to the study of the method of word formation in modern Chinese using the «族 zú» affix. It is known that the lexical stock of a language is constantly replenished due to the internal capabilities of the language and extracted from a foreign language. Of course, Chinese is no exception. Which method is the most effective for a language, depends on a number of features of the language.



In Chinese, affixing is the second most productive after word addition. Like the vocabulary of a language, its morphemic units are constantly replenished. In addition to the trend observed in world linguistics, the affix method is becoming more and more active in word formation in the Chinese language, therefore the number of affix units in the language is also increasing.

One of the affixes that plays an important role in the construction of modern Chinese neologisms is 族 zú, which participates in the construction of a number of new words in the Chinese language. Most of these words refer to a noun and serve to denote a social group that has a specific character. Words formed with the participation of 族 zú are more involved in the formation of words that are applied to a specific group of people in accordance with their social status or role in social life. But, in our opinion, 族 zú is not a full affix unit, but a semi-affix. Therefore, when words are formed with the participation of, zú, it does not completely lose its original meaning, the meaning of a group or community. Like the vocabulary of a language, its morphemic units are constantly replenished.

In addition to the trend observed in world linguistics, the method of affixation in the Chinese language is becoming more and more active in word formation, therefore the number of affix units present in the language is also increasing.

Keywords and expressions: affixation, “族 zú”, neologism, vocabulary, prefix, affix, semi-affix, word formation.

Кириш. Хитой тили лексикаси дунёнинг бошқа тиллари сингари асосан икки омил таъсирида бойиб боради. Биринчи омил деганда тил ички имкониятлари доирасида таъсир қиладиган омил назарда тутилса, иккинчи омил ташқи таъсирни назарда тутди. Маълумки, хитой тилида ички имкониятлари асосида бойиши деганда композиция (合成法) усули етакчи ҳисобланиб, аффиксация (加词缀 *jiacizhui*) ундан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди.

Сўз ясалишида аффиксация масаласи бўйича дунё тилшунослигида, хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам кўплаб тадқиқот ишлари амалга оширилган. Хусусан, хитой тилида аффиксациянинг роли, сўз ясалиши тизимидаги ўрни ва махсулдорлигини аниқлаш масаласида ҳам хитой, хориж ва ўзбек хитойшунослари томонидан изланишлар олиб борилган. Хусусан, Лу Чживэй¹, Чжан Цзин², Ван Чао Юань³ каби хитой тилшунослари, В.И.Горелов, А.Л.Семинас, А.А.Хоматова каби рус хитойшунослари мазкур масаланинг асосан, хитой тили лексикологияси доирасида тадқиқ этишган. Ўзбек хитойшуносларидан С.А.Хашимова хитой тилида аффиксация масаласини монографик планда тадқиқ этган бўлса, С.А. Носирова томонидан мазкур сўз ясалиш усулининг ижтимоий-сиёсий терминологияда тутган ўрни юзасидан тадқиқот ва таҳлиллар амалга оширилган, С.Т.Мустафаеванинг хитой тилшунослик терминлари тадқиқига бағишланган монография-

¹ Lu Zhiwei. “汉语的构词法” Beijing, 1957. – 160 页.

² Zhang Jin. “Ju, cizu, juzi”. – Haerbing, 1984. – 220 页.

³ 王赴航..动词重叠研究方法. Beijing.2003. – 64 页.



сида аффиксация хитой тили лингвистик терминлари ясашида махсулдорлиги юзасидан иккинчи ўринда турадиган усул сифатида эътироф этилган.

Айтиш жоизки, аффиксациянинг хитой тили сўз ясашида роли кун сайин ортиб бормоқда. Шу боисдан мазкур сўз ясашиш усулида кун сайин янги аффиксал бирликлар кашф этилмоқда. Ҳозирги хитой тили неологизмларнинг ясашида муҳим роль ўйнаётган аффикслардан бири 族 zú ҳисобланади.

Муҳокама. Маълумки, Хитой тилининг сўз бойлиги, дунёнинг бошқа тиллари сингари, тилнинг ички имкониятлари ва чет тилидан ўзлаштирилган сўзлар билан тўлдирилмоқда. Айниқса сўнги йилларда ХХР да мунтазам нашр этилаётган неологизм луғатлари ва ўзлашма сўзлар луғатлари бунинг исботидир¹. Хитой тилининг ўзига хос хусусиятлари бошқа тилдан сўз ўзлаштиришга йўл қўймайди, деган фикр мавжуд. Бунинг асосий сабаблари шундаки:

- хитой ёзувининг иероглифлардан ташкил топганлиги;
- сўздаги бўғин ва товушлар микдорининг чекланганлиги ўзлашма сўзларнинг кўпайишига катта тўсқинлик қилади;
- тонларнинг мавжудлиги ўзлашмалар товушининг тўлиқ идентификациясини сақлаб қолишга имкон бермайди;
- морфологик/семантик аҳамиятга эга бўғин бўлиниши (хитой тилида ҳар бир бўғин алоҳида морфемага тенг бўлиб, ҳар бири алоҳида иероглифда ёзилади ва лексик маъно англатади.²

Аффиксация сўз ясашиши усули сифатида турли хил структур-семантик характерга эга бўлган лексик бирликларни вужудга келтиради. Хитой тилидаги аффикслар, худди бошқа тиллардагидек, мустақил маъноли сўзларнинг асл маъноси қисман ёки бутунлай йўқолиши натижасида сўз ясовчи воситаларга айланиши оқибатида пайдо бўлади. Энг самарали ҳосила аффикси «族 zú» дир, луғатда ушбу кўшимчага 51 та сўз берилган.

«族 zú» аффиксини кўриб чиқар эканмиз, биринчи навбатда унинг асл маъноларига эътибор қаратсак:

1) қариндош, фамилиядош, қавм бошлиғи, оила.

2) умумий насабга ва умумий генетик хусусиятларга эга бўлган кишиларга ишора қилади, яъни ирк.

¹Словарь буквенных слов китайского языка. Шанхай: Шанхай цышу чубаньшэ, 2001. (汉语字母词词典. 上海: 上海辞书出版社, 2001). Словарь неологизмов современного китайского языка. Шанхай: Шанхай цышу чубаньшэ, 2009. (现代汉语新词语词典. 上海: 上海辞书出版社, 2009). Словарь неологизмов китайского языка 2014 года. Пекин: Шаньу иньшугуань, 2015. (2014 汉语新词语. 北京: 商务印书馆, 2015). Цэнь Цисян. Словарь иностранных заимствований китайского языка. Пекин: Шаньу иньшугуань, 2015. (岑麒祥. 汉语外来语词典. 北京: 商务印书馆, 2015).

²Novotna, Z., 1967. Linguistic factors of the low adaptability of loan-words to the lexical system of modern Chinese, Monumenta Serica, Vol. 26, pp. 103-118.



3) тарихда шаклланган одамларнинг барқарор жамоасига тааллуқлидир, улар умумий тилга эга, иқтисодий ҳаётда шунингдек умумий маданиятда шаклланган психологик фазилятларга эга: миллат.

4) биргаликда яшайдиган ва қондош бўлган одамлар учун умумий атама: қавм, қабила.

5) умумий хусусиятларга эга бўлган катта гуруҳ.

6) феодал давридаги қаттиқ жазо. Оиланинг бир аъзоси жиноят содир этса, бутун оилани, шу жумладан онаси ва рафиқасининг оиласини ўлдириш: геноцид.

7) бирлашиш ва диққат эътиборни жамлаш.¹

«族 zú» ирқ, миллат, уруғ, қавм, синф, гуруҳ (умумий хусусиятга эга), йиғилмоқ (қадимги Хитойда), бутун оилани ўлим жазосига тортмоқ.²

Масалан: 族群 zúqún этник гуруҳ, халқчилик, 汉族 hànzú хан миллати, 家族 jiāzú оила, уруғ, қавм, 回族 huízú хитойдаги хуй миллати, 种族 zhǒngzú ирқ, 民族 mínzú миллат, 满族 mǎnzú Хитойдаги ман миллати.

Хитой тилида аффиксация усули сермахсул усул сифатида намоён бўлиши билан бир қаторда аффиксал бирликлар, яъни сўз ясайдиган ярим аффикс, тўлиқ аффикслар миқдори ҳам ортиб бормоқда. Айнан аффиксал бирлик сифатида ўзини намоён қилаётган морфемалардан бири бу «族 zú» морфемаси бўлиб, у хитой тилида қатор янги сўзларни ясашда иштирок этмоқда. Биз мақола доирасида «族 zú» аффикси билан ясалган сўзларни куйидаги моделларга бўлиб чиқдик:

1) [фёъл + от + 族 = от]

啃老族 kěn lǎo zú ўқимасдан, ишламасдан, ота-онаси ҳисобига ҳаёт тарзини кўрувчи ёшлар: 啃 kěn “кемирмоқ”, 老 lǎo “қари”, 族 zú “синф, гуруҳ”

上班族 shàng bān zú офис хизматчиси: 上班 shàngbān ишга бормоқ, 族 zú синф, гуруҳ

追星族 zhuī xīng zú фанат, мухлис: 追 zhuī қувмоқ, талпинмоқ, 星 xīng юлдуз, 族 zú синф, гуруҳ

哈韩族 hā hán zú корейс усулидаги нарсаларни хуш кўрувчи; 哈韩 hāhán корейс маданиятига мухлис бўлмоқ, 族 zú синф, гуруҳ

工薪族 gōng xīn zú ёлланган ишчилар: 工 gōng меҳнат, 薪 xīn ўтин, ойлик маош, 工薪 gōngxīn ёнланма ишчи, 族 zú синф, гуруҳ.

Юқорида келтирилган «族 zú» иштирокида ясалган 5 та сўзга тўхталадиган бўлсак, унда асосий компонентлар фёъл + от шаклида бўлиб,

¹ “新华字典” Xinhua изоҳли луғати. <https://zidian.911cha.com/zi65cf.html>

² “汉俄词典 китайско-русский словарь” 1233 б.



бу бирикмаларга 族 zú аффиксал бирлигининг бирикишидан отнинг ясалиш ҳолати кузатилади. Бу сўзлар маълум бир ижтимоий гуруҳдаги шахсларни ясашда хизмат қилади.

2) [сифат+ феъл +族=от]

快闪族 kuàishǎnzú флешмоб: 快 kuài тез, 闪 shǎn ялтирамоқ, ёнмоқ, 族 zú синф, гуруҳ

低头族 dītóuzú мобиль ускуналарни хуш кўрувчилар: 低 dī паст, кичик, бошини пастга эгмоқ, 头 tóu бош, соч, бошлиқ, 族 zú синф, гуруҳ.

裸考组 - luǒkǎozú – бирон бир дастлабки тайёгарликсиз имтиҳонга борувчилар; 裸 luǒ яланғоч, 考 kǎo имтиҳон, 族 zú синф, гуруҳ

Ушбу мисолда биз сифат + феъл шаклдаги сўзларга 族 zú аффиксал бирлиги қўшилишида от ясалиши ҳолатини кўришимиз мумкин.

3) [от+族=от]

草莓族 cǎo méi zú *ташқи кўриниши ҳар томонлама зўр бўлган одамлар*: 草莓 cǎoméi қулуннай, 族 zú синф, гуруҳ

月光族 yuè guāng zú *маошдан маошгача яшайдиган одамлар*: 月 yuè ой, 光 guāng ёруғлик, нур, 月光 yuèguāng ой нури, 族 zú синф, гуруҳ

单人族 dān rén zú *якка ўзи яшашни истайдиган одамлар*: 单 dānrén жуфти йўқ, якка инсон, 族 zú синф, гуруҳ

围脖族 wéi bó zú *шарф киядиганлар эмас, балки кўпинча микроблогдан фойдаланувчилар*; 围脖 wéibó шарф 微博 wēibó микроблог сўзи билан омонимик жиҳатдан бир хилдир.

Қуйида келтирилган 3 мисолда биз от+族 zú аффиксал бирлигини кўриб турибмиз. Улар ҳам қайсидир характерни намоён қиладиган гуруҳларни кўрсатиш учун хизмат қиляпти.

4) [феъл+族=от]

哈租族 hāzūzú нарсаларни сотиб олишдан кўра, шартнома бўйича фойдаланишни афзал кўрган одамлар: 哈 hā нафас чиқармоқ, 租 zū ижарага олмоқ, 族 zú синф, гуруҳ

Ушбу мисолимизда эса биз феъл + 族 zú компоненти қўшилишини кўришимиз мумкин.

Юқорида келтирилгани каби 族 zú аффикси ёрдамида кўплаб тил бирликларини ҳосил қилиш мумкин. Бу сўзларнинг аксарияти от туркумига мансуб бўлиб, маълум бир характерга эга бўлган қатлам ёки ижтимоий гуруҳни кўрсатиш учун хизмат қилади. 族 zú иштирокида ясалган сўзлар кўпроқ ижтимоий мансублик ёки ижтимоий ҳаётдаги роли, вазифаларига кўра умумлаштириб маълум бир гуруҳ шахсларига нисбатан қўлланадиган сўзларни ясашда иштирок этади. Лекин бизнинг фикримизча, 族 zú кўпроқ тўлиқ аффиксал birlik эмас, балки ярим аффикс бўлиб ҳисобланади. Чунки



族 zú иштирокидаги сўзлар ясалаётганда ўзининг асл маъноси, яъни гуруҳ ёки жамоа маъноларини тўлиқ йўқотмаган. Бу сўзлар қандайдир гуруҳ ёки синфга тегишлиликни ифодалайди. Хитой тилида аффикслар асос сўзларнинг сўз яшашнинг формантларига, «курувчи элементларига» айланиши натижасида вужудга келган. Маълум бир сўз аффиксга айланишидан олдин ўзининг туб маъносини йўқотади. Аффикс абстракт-грамматик маънога эга бўлади ва ўзининг туб маъносидан аста-секинлик билан холи бўлади. Изланишлар натижасида шу аён бўлдики, изолятив турдаги тилда ҳам агглютинация мавжуд бўлади. Агглютинациянинг ривожланиши изоляция доирасида рўй беради.¹

Хулоса. Қуйида берилганларга кўра шуни хулоса қилиш мумкинки, хитой тили лексик фонди дунёнинг кўплаб тилларида бўлгани каби тил ички имкониятлари асосида шаклланмоқда. Ҳозирги хитой тилида аффиксация усули бошқа сўз ясалиш усулларига қараганда сўз кўшиш усулидан кейин маҳсулдор бўлиб ҳисобланади. Аффиксация доирасида лексик бирликлар ички компонентларнинг морфологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, бир қанча моделлар фарқланади. «族 zú» аффикси билан асосан от туркумига тегишли сўзлар ясалади. Мақола доирасида таҳлилга тортилган 族 аффиксли сўзнинг барчаси от туркумига оид бўлиб, компонентлар морфологик хусусиятига кўра моделлаштирилганда феъл+от+族 zú қурилишини намоён этадиган сўзлар сон жиҳатидан устун. Таҳлил натижасида, хитой тили интернет-лексикасида лексик бирликларнинг ҳосил бўлишининг анча кўп учрайдиган воситаси суффиксация ва префиксация ҳисобланиши аниқланиб, улар хитой тили Интернет-лексикасида барча лексик бирликларининг ҳосил бўлишининг 67 %ини ташкил этади.

Хитой тили интернет-лексикасида лексик бирликларининг сўз ясовчи барча суффикслари орасида «族 zú» суффикси энг маҳсулдор ҳисобланади: “Синьхуа” Интернет-тили луғатида бундай суффиксга эга сўзлар барча суффиксация йўли билан ҳосил бўладиган сўзларнинг 46 %ини ташкил этади. Интернет-лексикани баён этиш, жамиятнинг янги воқелигига мослашган замонавий хитой тилининг лексик тизимидаги ўзгаришларни аниқлайди. Русумга кирган ёки тор доирада тарқалган интернет сўзлар бир авлоднинг катта бўлишига қараб йўқолиб кетиши мумкин. Бироқ, иероглифли мосликка эга ва етарли даражада аниқ бир маънога эга сўзларнинг бир қисми кундалик (жонли) тил таркибига кириши мумкин.

¹ Хашимова С. А. “Особенности образования существительных при помощи аффиксов в современном китайском языке (на примере суффиксов 员, 夫, 师, 生.) актуальные вопросы современной науки и образования. 82 стр



ИСОМИДДИНОВА ТУРСУНОЙ

тадқиқотчи, ТДШУ

Ҳиндий тилида соматик фразеологизмларнинг семантик таҳлили

Аннотация. Тилдаги фразеологик бирликлар ҳар бир халқнинг ўзига хос психологияси, турмуш тарзи, менталитети, урф-одатлари каби билан боғлиқдир. Фразеология бўлими – хорижий тилнинг фразеологиясини ўрганиши – бу нафақат сўз бойлигини ўрганиши самарадорлигини оширади, балки у тилнинг лугатиунослик соҳаси хусусиятлари билан яқиндан танишишига имконият беради. Чет тилининг фразеологик қатламига мансуб ФБларнинг турли лисоний жиҳатларини ҳиндий тили мисолида кўриб чиқиши ҳиндий тилидаги фразеологизмларни чуқур ўрганиши, фразеологизмларни бадиий матнларда ўқиб таҳлил қила олишида ҳам катта аҳамият касб этади.

Ушбу мақолани ёзишдан кўзланган асосий мақсад ҳиндий тилида соматик отлардан ясалган фразеологизмларни семантик таҳлил этишидан иборат.

Мақсадни амалга оширишида куйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- даставвал асосий манба В.М. Бескровныйнинг «Хинди-русский словарь» лугатининг биринчи томида берилган барча соматик отларни белгилаб чиқиши ва кўшимча лугатлардан соматик фразеологизмларни йиғиши;

- жамланган мисолларни семантик жиҳатдан ўрганиб чиқиши;

- дунё тилиунослигида соматик фразеологизмлар қай даражада тадқиқ қилинганлиги;

- уларнинг ўзига хос ифодаланиши жиҳатларини мисоллар талқинида очиб бериши;

Соматик сўзлардан янги лексемалар ҳам ясалади ва ҳиндий тили лексик системасини бойитади. Бундаги натижалар эса ҳиндий тили лексикологиясида, этнолингвистика, ҳиндий тили дарсликларда, ўқув қўлланмаларда, ҳиндий тили фразеологик лугат тузишида бериладиган тартибга солинган янги маълумотлар сифатида қўлланилиши мумкин.

Асосий масала ҳиндий тилидаги соматик фразеологизмларни турли хил гуруҳларга семантик жиҳатдан ажратиши.

Фразеологик бирликларнинг аксариятини соматик фразеологизмлар ташкил этади ва шу ўринда кўпгина олимлар ушбу таснифни турлича ўрганиб кўпгина хулосаларга келишган. Йиғилган мисоллар семантик жиҳатдан таҳлилга тортилди ва кўзланган мақсадга борилди.

Таянч сўз ва иборалар: фразеология, соматизм, фразеологик бирлик, соматик фразеологизм, фразеологик чатишма, фразеологик бутунлик, фразеологик қўшилма, моносемия, полисемия, синонимия.

Аннотация. Фразеологизмы в языке связаны с определенной психологией, образом жизни, менталитетом, традициями каждого народа. Раздел Фразеология – изучение фразеологии иностранного языка - не только повышает эффективность изучения лексики, но и дает возможность ближе познакомиться с особенностями лексической сферы языка. Рассмотрение различных языковых аспектов ФБ, относящихся к фразеологическому слою иностранного языка, на примере языка хинди также имеет большое значение для углубленного изучения фразеологизмов языка хинди, умения анализировать их путем чтения фразеологизмов в художественных текстах.

Основной целью написания данной статьи является семантический анализ фразеологизмов, образованных от соматических существительных в языке хинди.

При реализации поставленной цели были определены следующие задачи:

- но первоисточником является Определение всех соматических существительных, приведенных в первом томе словаря бескровного «Хинди-русский словарь» В.М. Бескровного и подборка соматических фразеологизмов из дополнительных словарей;

- семантическое исследование обобщенных примеров;
- в какой степени соматические фразеологизмы исследуются в современной мировой лингвистике;

- раскрыть аспекты их специфического выражения на примерах толкования;

Новые лексемы также создаются из соматических слов и обогащают лексическую систему хинди. Эти результаты могут быть использованы в качестве регламентированных новых данных в лексикологии языка хинди, этнолингвистике, индийском языке в учебниках, учебных пособиях, при составлении фразеологического словаря языка хинди.

Основной вопрос - семантическое разделение соматических фразеологизмов в языке хинди на различные группы.

Большинство фразеологизмов составляют соматические фразеологизмы, и именно на этом месте большинство ученых пришли к многочисленным выводам, по-разному изучив данную классификацию. Собранные образцы были взяты с семантической точки зрения для анализа, и намеченная цель была достигнута.

Опорные слова и выражения: фразеология, соматизм, фразеологическая единица, соматический фразеологизм, фразеологический сращения, фразеологическая целостность, фразеологическое присоединение, моносемия, полисемия, синонимия.

Abstract. *Phraseological units in the language are connected with the specific psychology, lifestyle, mentality, customs of each people, etc. The phraseology Department – the study of the phraseology of a foreign language – not only increases the effectiveness of studying vocabulary, but it also gives an opportunity to get acquainted with the features of the linguistic sphere of the language more closely. Consideration of various linguistic aspects of phraseological units belonging to the phraseological layer of a foreign language on the example of the Indian language is of great importance in the deep study of phraseologisms of the Indian language, in the ability to read and analyze phraseologisms in artistic texts.*

The main purpose of writing this article is to provide a semantic analysis of phraseologisms in the Indian language, which are formed from somatic nouns.

In carrying out the goal, the following tasks were taken into account:

- at first the main source is the designation of all somatic nouns given on the first roof of V.M. Beskrovny's dictionary «Хинди-русский словарь» and the collection of somatic phraseologisms from additional dictionaries;

- to study the semantically collected examples;

- somatic phraseology in World linguistics research on the extent of World linguistics;

- to reveal specific aspects of expression in the interpretation of examples;

New lexemes from somatic words are also made and enrich the lexical system of the Indian language. And the results from this can be used in the Indian language lexicology, ethnolinguistics, Indian language textbooks, educational manuals, as well as new regulated information that is given in the compilation of a phraseological Dictionary of the Indian language.



The main issue is the semantic separation of somatic phraseologisms of the Indian language into different groups.

Most of the phraseological units are somatic phraseologisms, and in this respect many scientists have come to many conclusions by studying this classification in different ways. The collected samples were drawn from the semantic point of view to the analysis and the intended purpose was achieved.

Keywords and expressions: *phraseology, somatism, phraseological unit, somatic phraseologism, phraseological interlace, phraseological integrity, phraseological addition, monosemia, polysemia, synonymy.*

Кириш. Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилшунослигида ҳозиргача фразеологик бирликлар тадқиқида академик В.В. Виноградов¹ таснифига асосланилади. Бироқ моҳиятга фақат семантик нуқтаи назардан ёндашилган мазкур тасниф серкирра фразеологизмларнинг хусусиятларини тўла очишга монелик қилади. В.В. Виноградовнинг фразеологизмларни таркибидаги компонентлар ифодалаган маъносига кўра фарқлашга асосланган таснифи ҳақли равишда тилшуносларнинг баҳс-мунозараларига сабаб бўлди.

В.М. Бескровныйнинг «Хинди-русский словарь» луғатининг биринчи томида берилган барча соматик отларни белгилаб олинди².

Жумладан, ўзбек тилшунослари Ш. Шоабдурахмонов, А. Ҳожиевларнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” китобида: “фразеологик бирлик таркибидаги компонентлар ифодалаган маънога кўра... *фразеологик бирлашма, фразеологик бутунлик, фразеологик чатишма* каби турларга ажратилади. Фразеологизмларни кўчма маъносини тушуниш учун уларни бу каби турларга ажратишнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, улар орасида фақат турғунлик даражасида фарқ бор, холос”³.

Бу хусусда Н.М.Шанский⁴ нинг: —Фразеологизмларни ажратишда фақат маъновий тамойилларга асосланиш фразеологик бутунлик ва фразеологик чатишма ўртасида чалкашлик келтириб чиқаради, деган фикри муҳим. Демак, фразеологизмларнинг функционал-семантик хусусиятларини ҳисобга

¹ V.V. Vinogradov *Osnovnie pomyatiya russkoy frazeologii kak lingvesticheskoy distiplini.* – Trudi yubileynoy nauchnoy sessii LGU. Sessiya fililogicheskaya. L. 1946. – P. 68..

[V. V. Vinogradov *The main references to Russian phraseology as a linguistic distipline.* - Proceedings of the anniversary scientific session of LSU. Philological session. L. 1946. - P. 68.]

² V.M.Beskrovniy, G.A. Zograf, V.M.Liperovskiy. Pod red. V.M. Beskrovnogo. *Xindi russkiy slovar.* v 2-x tomax okola 75 000 slov. T I. – M.: Sovetskaya Entsiklopediya, 1972. 905 p.

[V. M. Beskrovny, G. A. Zograf, V. M. Liperovsky. Edited by V. M. Beskrovny. *Hindi Russian dictionary. there are about 75,000 words in 2 volumes.* T I. - Moscow: Soviet Encyclopedia, 1972. 905 p.]

³ Shoabdurahmonov SH., Asqarova M., Hojiev A., Rasulov I., Doniyorov X. *Hozirgi o'zbek adabiy tili, 1-qism.* – T.: O'qituvchi, 1980. – B. 142.

[Shoabdurakhmonov Sh., Askarova M. Khojiev A., Rasulov I., Danierov Kh. *Now Uzbek literature toungue, 1-part.* - T.: Teacher, 1980. - P. 142.]

⁴ Shansky N. M. *Lexicology of the modern Russian language.* - M.: Prosveshchenie, 1964. - p. 142

[Shanskiy N.M. *Leksikologiya sovremennogo russkogo yazika.* – M.: Prosveshchenie, 1964. – С. 142]



олган ҳолда уларни фразеологик бутунлик ва чатишмага ажратиш ҳамшиша ҳам кутилган натижани беравермайди. Чунки *туянинг думи ерга текканда; эски тос, эски ҳаммом; Аҳмоққа Қува бир тош* каби фразеологизмларнинг барчаси кўчма маънога асосланади.

Ўзбек фразеологиясида олиб борилаётган сўнгги йиллардаги баъзи тадқиқотлар фразеологизмларнинг семантик таснифига эмас, балки семантик тузилишига асосланмоқда. Бундай таҳлил йўлини Ш.Раҳматуллаев бошлаб берди. “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслигининг учинчи нашрида фразеологизмларнинг уч хил семантик таснифидан воз кечилади ва фразеологизмлар уч хил семантик тузилишига кўра таҳлили келтирилади¹.

Семантик таҳлил жараёнида шуни айтиб ўтиш жоизки, кўчма маъно англатадиган барча луғавий бирликларни фразеологик бирликлар сифатида қараш мумкин бўлади. Аммо ҳар хилликдан қочиш ва аниқликка интилиш мақсадида бу борада Ш.Раҳматуллаев айтган қуйидаги фикрга асосланиб иш кўрамиз, яъни фразеологик бирликларнинг уч гуруҳига эътиборимизни қаратамиз²: “Фраземадан яхлитлигича англашиладиган маъно билан унинг таркибидаги лексемалар англатадиган маънолар орасидаги муносабат асосида фразеологик бирликларнинг уч *семантик* тури фарқ қилинади: 1) фразеологик бутунлик, 2) фразеологик чатишма, 3) фразеологик кўшилма.” Биз мазкур ишда ушбу таснифга таяниб ФБларни семантик жиҳатдан 3та гуруҳга тақсимлаб чиқдик:

Даставвал, *фразеологик бутунлик*, яъни маъносини таркибидаги сўзларнинг маънолари асосида изоҳлаш мумкин бўлган фразеологик бирликларга оид фразеологизмларни таҳлил қилиб чиқамиз.

а) Ҳиндий тилидаги таркибида *आँख, कान, ज़बान, गला, गरदन, दिल, नाक* компонентли фразеологик бирликлар таҳлил этилганида, улар орасида *фразеологик бутунликка* оид баъзи мисолларни кўрсатиб ўтамиз:

आँख उठाकर न देखना

Сўзма-сўз таржима: кўзларни кўтариб қарамаслик;

Адабий таржима: *кўз очиб қарамаслик*;

Маъноси: эътибор бермаслик;

कान खड़े होना

Сўзма-сўз таржима: қулоғи тикка турмоқ;

Адабий таржима: *қулоғи динг бўлмоқ*;

Маъноси: хушёр тортмоқ;

¹ Shoabdurahmonov SH., Asqarova M., Hojiev A., Rasulov I., Doniyorov X. Hozirgi o'zbek adabiy tili, 1-qism. – T.: O'qituvchi, 1980. – B. 144.

[Shoabdurakhmonov Sh., Askarova M. Khojiev A., Rasulov I., Danierov Kh. Now Uzbek literature toungue, 1-part. - T.: Teacher, 1980. - P. 144.

² Rakhmatullaev Sh. Explanatory phraseological Dictionary of the Uzbek language. - T.: Teacher. 1978. 404 p.

[Raxmatullaev SH. O'zbek tilining izohli frazeologik lug'ati. – T.: O'qituvchi. 1978. 404 b.]



ज़बान काट लेना

Сўзма-сўз таржима: тилни кесиб олмоқ;

Адабий таржима: *тилинг кесилсин;*

Маъноси: ёмон гаплари учун танбех бермоқ;

गला काटना

Сўзма-сўз таржима: бўйнини кесмоқ;

Адабий таржима: *бошини танасидан жудо қилмоқ; бўйнини узмоқ;*

Маъноси: қотиллик, бошини кесмоқ;

गरदन उठाना

Сўзма-сўз таржима: бўйин кўтармоқ;

Адабий таржима: *бош кўтармоқ; бўйин эгмаслик;*

Маъноси: исён кўтармоқ; бўйсунмаслик;

दिल देना

Сўзма-сўз таржима: қалб (юрак)ни бермоқ;

Адабий таржима: *қалбан севмоқ;*

Маъноси: севгиси учун жонини фидо қилмоқ;

नाक चढ़ना

Сўзма-сўз таржима: бурни юқорига кўтарилмоқ;

Адабий таржима: *бурни кўтарилмоқ;*

Маъноси: манмансирамоқ;

б) Қуйида фразеологик *чатишма*, яъни маъноси таркибидаги сўзларнинг маъносидан келиб чиқмайдиган, ҳатто унга зид маъно ифодаладиган фразеологик бирликлар таҳлилини кўриб чиқамиз. Бу турдаги фразеологик бирликлар қаторига қуйидаги *आँख, कान, ज़बान, गला, गरदन, दिल, दाँत, नाक* компонентли мисолларни келтириб ўтишимиз мумкин.

आँखों के नाखून लेना

Сўзма-сўз таржима: кўз тирноқларини олмоқ;

Адабий таржима: *ақлини йиғмоқ, ақлга кирмоқ;*

Маъноси: ақли бўлмоқ; хатосини тушуниб уни бошқа қайтармаслик;

कान का कच्चा

Сўзма-сўз таржима: кулоқнинг ишончсизлиги(хом);

Адабий таржима: *лаққа тушмоқ;*

Маъноси: эшитган гапига ишонувчан, алданмоқ;

ज़बान देना

Сўзма-сўз таржима: тил бермоқ;

Адабий таржима: *сўз бермоқ;*

Маъноси: ваъда бермоқ;

दिल की फांस

Сўзма-сўз таржима: қалбнинг тузоғи;

Адабий таржима: *кўнгли оғримок;*



Маъноси: кимдандир қаттиқ хафа бўлмоқ;

गले में भाला डालना

Сўзма-сўз таржима: бўйнига найза суқмоқ;

Адабий таржима: *олма отиб ёр олмоқ;*

Маъноси: ўзига ёр танламоқ;

गरदन उड़ाना

Сўзма-сўз таржима: бўйни учмоқ;

Адабий таржима: *бошини танасидан жудо этмоқ;*

Маъноси: қатл этмоқ;

दाँत गड़ाना

Сўзма-сўз таржима: тишини суқмоқ;

Адабий таржима: *кўз олайтирмоқ;*

Маъноси: бирор нарсани олиш истагида бўлмоқ;

नाक का बाल

Сўзма-сўз таржима: буруннинг сочи;

Адабий таржима: *ишонган тоғи;*

Маъноси: вафодор дўст;

в) Тадқиқот жараёнида кўриб ўтилган таҳлиллар каби, *фразеологик қўшилма*, яъни таркибидаги сўзларнинг лексик маъноси сақланадиган, бири иккинчисининг боғлиқ маъносини реаллаштирувчи нутқий матн вазифасини ўтайдиган фразеологик бирликлар таҳлили кўриб чиқилади. Бу турдаги фразеологик бирликлар қаторига қуйидаги мисолларни келтириб ўтишимиз мумкин.

आँख उठाकर न देखना

Сўзма-сўз таржима: кўзини кўтариб қарамаслик;

Адабий таржима: *кўз очиб қарамаслик: қиё ҳам боқмаслик;*

Маъноси: эътиборсиз бўлмоқ;

कान पकाना

Сўзма-сўз таржима: қулоқ пиширмоқ;

Адабий таржима: *қулоқ пишитмоқ;*

Маъноси: тайинламоқ, ўргатмоқ;

ज़बान पकड़ना

Сўзма-сўз таржима: тилини ушламоқ;

Адабий таржима: *огзини ушламоқ;*

Маъноси: гапиртиришга қўймаслик;

दाँत तोड़ना

Сўзма-сўз таржима: тишини синдирмоқ;

Адабий таржима: *ер тишилатмоқ;*

Маъноси: енгмоқ;

दिल से दूर होना

Сўзма-сўз таржима: қалбидан узоқ бўлмоқ;



Адабий таржима: *кўздан йироқ кўнгилдан йироқ;*

Маъноси: бирор кишини эсдан чиқармоқ;

नाक तक खाना

Сўзма-сўз таржима: бурнигача емоқ;

Адабий таржима: *бурнидан чиққунча емоқ;*

Маъноси: кўп овқат емоқ;

Соматик фразеологизмларда моносемия, полисемия ва синонимия ходисаси. Ҳар бир тилда, жумладан ўзбек тилида кўпчилик сўзлар бир неча маънони билдириб келади. Шунингдек, тилда биргина маънода қўлланиладиган сўзлар ҳам бор.

а) Биргина тушунча ё тасаввурни ифодалаб, бир маънони англатиб келган сўзлар бир маъноли сўзлар ёки *моносемия* деб аталади: *шаҳар, қишлоқ, урғу, равиш, кесим, изоҳловчи, роман, ухламоқ, гапирмоқ, трактор*, сингари сўзлар бир маъноли сўзлар (моносемия) дандир. Одатда фан, техника ва турли ҳунар соҳасидаги терминлар шу бир маъноли сўзлар асосида яратилади.¹

आँख अटकना – [сўзма-сўз: кўз тўхталмоқ;] севиб қолмоқ;

कान उड़ा देना – [сўзма-сўз: кулоқлар учмоқ;] қаттиқ шовқин солмоқ;

कान गरम कर देना – [сўзма-сўз: кулоғи иссиқ бўлмоқ;] кулоқ чаккасидан солмоқ;

कलेजा छिदना – [сўзма-сўз: юраги ёрилмоқ;] ранж аламдан қийналмоқ;

कलेजा छेदना – [сўзма-сўз: кўкрагини тешмоқ;] юрак-бағрини тешиб ўтмоқ;

छाती फुलाना – [сўзма-сўз: кўкрагини шиширмоқ;] ўзини мағрур тутмоқ;

छाती ठोंककर कहना – [сўзма-сўз: кўкрагини уриб айтмоқ;] қасам ичмоқ;

दाँतों ज़मीन पकड़ी न रहना – [сўзма-сўз: тишлар ерни ушламаслиги;] бутунлайн ҳонавайрон бўлмоқ;

नाक ऊँची रखना – [сўзма-сўз: бурунни баланд тутмоқ;] иззат-обрўни баланд тутмоқ;

नाक तोड़ना – [сўзма-сўз: бурнини йиртмоқ;] ҳақорат қилмоқ;

अंग छूना – [сўзма-сўз: бадан тегизмоқ;] қасам ичмоқ;

उँगलियों पर नचाना – [сўзма-сўз: бармоқларни банд қилмоқ;] кимнидир ноғорасига ўйнамоқ;

कँठ मैं बैठना – [сўзма-сўз: бўйинда ўтирмоқ;] доимо эсда тутмоқ;

¹ Pinxasav Ya. The current language of Uzbek literature. Lexicology and phraseology. Guide for correspondence department students of the Faculties of Philo-logic of pedagogical institutes. - T.: Teacher nash., 1969. P 9. [Pinxasov YA. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Leksikologiya va frazeologiya. Pedagogika institutlari filologiya fakul'tetlarining sirtqi bo'lim studentlari uchun qo'llanma - T.: O'qituvchi nash., 1969. b.9.]



जीभ के नीचे होना – [сўзма-сўз: тил остида бўлмоқ;] ваъданинг устидан чикмоқ;

टाँग तले से निकलना – [сўзма-сўз: оёқдан чиқиб кетмоқ;] ўз мағлубиятини тан олмоқ;

а) Фразеологик полисемия - биттадан ортиқ маънони англата олиш тил бирликларига хос хусусият бўлиб, ибораларнинг ҳам кўп қисмида учрайди.

Полисемантик ибораларнинг икки, уч, тўрт ҳаттоки беш маънолилари ҳам учрайди. Масалан, *бошига қилич келса ҳам* ибораси битта маънони, *ақли етади* ибораси уч маънони, *бўйнига қўймоқ* ибораси уч маънони, *қўлга олмоқ* ибораси эса тўрт маънони англатади.

Икки ёки ундан ортиқ тушунчани, тасаввурни ифодалаб, бир неча маънони билдириб келувчи сўзлар кўп маъноли сўзлар ёки *полисемия* дейилади.¹

आँखों के नाखून लेना – [сўзма-сўз: қўзнинг тирноқларини олмоқ;] а) ақл йиғмоқ; б) ақлга кирмоқ;

आँखें खुली की खुली रहजाना – [сўзма-сўз: қўзларини очмоқ;] а) таажубланмоқ; ҳайрон бўлиб қолмоқ; б) вафот этмоқ; ўлмоқ;

कान खाना – [сўзма-сўз: қулоқни емоқ;] а) қулоқ-миясини емоқ; б) қаттиқ шовқин солмоқ; в) гаплар билан жонга тегмоқ;

कलेजा उड़ना – [сўзма-сўз: юраги учмоқ;] а) хушдан кетмоқ; б) ўзини йўқотиб қўймоқ; в) ҳавотир олмоқ; ҳаяжонланмоқ;

कलेजे बल्लियों (बाँसों) उछलना – [сўзма-сўз: жигари бамбук ёғочларида сакрамоқ;] а) хурсанд бўлмоқ; хурсандчиликдан сакрамоқ; б) кўркишдан қотиб қолмоқ; (юрак)

गरदन झुकना – [сўзма-сўз: бўйин эгмоқ;] а) бўйин синмоқ; (के आगे кимгадир) б) уялмоқ; в) ҳушидан кетмоқ; г) вафот этмоқ; ўлмоқ;

छाती के किवार खोलना – [сўзма-сўз: кўкраги эшикларини очмоқ;] а) юрагидаги гапларини кимгадир айтмоқ; б) чидаб бўлмайдиган азоб бермоқ; в) тушунтирмоқ; таништирмоқ; г) қаттиқ хурсанд бўлмоқ;

दाँतों तले उगी दबाना – [сўзма-сўз: бармоқни тишни тагида босмоқ;] а) ниҳоятда таажубланмоқ; б) бармоқни лаблар устига қўймоқ (индамаслик учун); в) таъзия, ҳамдардлик билдирмоқ;

नाक पर मक्खी न बैठने देना – [сўзма-сўз: бурнини устида пашшани ҳам ўтиришига қўймаслик;] а) жуда ҳам эҳтиёткор бўлмоқ; б) жуда ҳам виждонли, ҳалол бўлмоқ; в) жуда озода бўлмоқ;

कदम उठाना – [сўзма-сўз: оёғини кўтармоқ;] а) тез кетмоқ; б) муваффақиятга эришмоқ; в) қанақадир ишни бошлаш; г) қадам қўймоқ (киришмоқ);

¹ Pinxasav Ya. The current language of Uzbek literature. Lexicology and phraseology. Guide for correspondence department students of the Faculties of Philo-logic of pedagogical institutes. - T.: Teacher nash., 1969. P 19. [Pinxasov YA. Hozirgi o'zbek adabiy tili. Leksikologiya va frazeologiya. Pedagogika institutlari filologiya fakul'tetlarining sirtqi bo'lim studentlari uchun qo'llanma - T.: O'qituvchi nash., 1969. B.19.]



क्रदम छूना – [сўзма-сўз: оёққа тегиниш;] а) табрикламоқ; б) қасам ичмоқ; сўз бермоқ; в) лаганбардорлик (хушомад) қилмоқ;

घुटने टेकना – [сўзма-сўз: тиззасига суянмоқ;] а) тиз чўкмоқ; б) тавозелик билан сўрамоқ, ялинмоқ;

नस पकड़ उठना – [сўзма-сўз: томирни ушламоқ;] а) бутун вужуди билан хурсанд бўлмоқ; б) завқланмоқ;

в) Фразеологик синонимия – кўпгина тадқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортган масаладир. Бундай синонимия дастлаб ғарб тиллари (инглиз, немис, француз) материаллари асосида ёритилди. Кейинроқ рус ва ўзбек тили фразеологик синонимиясини ўрганиш ҳам кенг кўламда бошлаб юборилди.

Синонимия терминини ФБларга нисбатан биринчи бўлиб, А.В. Кунин қўллаган дейиш мумкин. У фразеологик бирликларнинг вариантларини синонимлар деб атайди. Структурал синонимларнинг турлари сифатида лексик, грамматик синонимия турлари кўрсатилган. Бунда вариантларнинг лексик ва грамматик фарқланиши асос сифатида олинади. А.В.Кунин иборалар ўртасидаги ва сўз билан ибора ўртасидаги синонимия тўғрисида фикр юритган. Луғатдан фойдаланиш ҳақидаги изоҳларнинг 9-пунктида (16-бет) “синонимик оборотлар” терминига ҳам структурал синонимияни мисол қилиб келтирган¹.

आँख अटकना

Сўзма-сўз таржима: кўз тўхталмоқ;

आँख चार होना

Сўзма-сўз таржима: кўзи тўрт бўлмоқ;

Адабий таржима: *кўз уруштирмоқ*;

Маъноси: севги изҳор қилмоқ; бир-бирига тикилиб қарамоқ;

कान पकाना

Сўзма-сўз таржима: кулоқ пиширмоқ;

कान पर बहरे कर देना

Сўзма-сўз таржима: кулоғини қар қилмоқ;

Адабий таржима: *қулоқ пишитмоқ*;

Маъноси: тайинламоқ, ўргатмоқ; гап уқтирмоқ;

गले का हार दोलना

Сўзма-сўз: бўйиннинг маржонини тебратмоқ;

Адабий таржима: *а) жуда севимли; б) ортиқча юк, ташивиш, дардисар;*

в) севимли бўлмоқ; г) доимо бирга бўлмоқ;

Маъноси: хушёр тортмоқ; диққат билан эшитмоқ;

¹ Kunin A. B. On the correlation of a phraseological unit with a word. Proceedings of the SamGU. im. a. Navoi. Questions of phraseology III. - Samarkand, 1978. - p.94.

[Kunin A. B. O sootnesennosti frazeologicheskoy yedinititsi so slovom. Trudi SamGU. im.A.Navoi. Voprosi frazeologii III. – Samarkand, 1978. – S. 94.]



दिल टूट जाना

Сўзма-сўз таржима: калби синмоқ

दिल टूटना

Сўзма-сўз таржима: ҳолсизланмоқ

Адабий таржима: *ҳолдан тоймоқ*

Хулоса. Мазкур мақола “Ҳиндий тилида соматик фразеологизмларнинг семантик таҳлили” деб номланади. Ушбу мақолада соматик фразеологизмлар таснифларга ажратиб чиқилди ва आँख, कान, ज़बान, गला, गरदन, दिल, नाक лексемаси иштирок этган ФБлар атрофлича таҳлил этилди. Тўпланган ушбу компонентга эга ФБ мисолларнинг 45%и ҳиндий тилида *фразеологик бутунликка*, 31,1%-и *фразеологик чатишма* турига, 26,34%-и *фразеологик қўшилма* турига хос деб топилди.

Соматик фразеологизмларда моносемия, полисемия ва синонимия ҳодисаси юзасидан тўпланган соматик фразеологизмларда моносемия, полисемия ва синонимия ҳодисалари ўрганиб чиқилди. Тўпланган мисолларнинг 70 % дан кўпроғи полисемия гуруҳига мансубдир. Синонимия қоидасига мувофиқ таҳлилга тортилган आँख, कान, कंठ, गला, ज़बान, दिल, दाँत, नाक компонентли фразеологик бирликлар ўзига хос маъно қирраларига эга бўлишди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳиндий тилида соматик фразеологизмлар инсон тана аъзолари билан боғлиқ бўлиб, кузатувлар натижасида ўзбек тили билан тенг келадиган ва миллийлик ҳамда қадрият жихатидан мосликларни ташкил этувчи фразеологизмлар мавжудлиги исботланди.



МАНБАШУНОСЛИК ВА МАТНШУНОСЛИК //
ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЕ И ТЕКСТОЛОГИЯ //
SOURCE STUDY AND TEXTOLOGY

ШАДМАНОВА САНОБАР

тарих фанлари доктори, профессор, ТДШУ

ЭГАМБЕРДИЕВ АБДУВАҲОБ

таянч докторант, ТДШУ

**Усманийлар давлати Туркистон матбуоти кўзгусида
 (XIX аср охири - XX аср бошларида)**

***Аннотация.** Мақолада Россия империяси ҳукмронлиги даврида Усманийлар давлати образининг Туркистон матбуоти орқали шакллантирилиши кўрсатиб берилди.*

Туркистон даврий матбуотида хорижда чоп этилган мақола ва хабарлар доимий равишда босиб турилган. Айниқса, Туркияда рўй берган сиёсий воқеалар диққат билан қузатилган. Жумладан, 1908 йилда ҳокимиятга ёш туркларнинг келиши билан боғлиқ жараёнлар, Туркия армиясидаги ўзгаришлар, турли урушларга алоҳида эътибор берилди. Шунингдек, панисломизм ва пантуркизм гояларининг тарқалиши ва бу Туркистон учун ниҳоятда хавфли эканлиги таъкидланади.

XX аср бошларида Туркиядаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, ёш туркларнинг Туркиядаги фаолияти, мамлакатдаги партиявий курашлар, ҳамда “Бирлик ва тараққиёт” партиясининг сиёсий жараёнларда етакчилик қилишига Европа ҳамжамиятининг муносабати Туркистон даврий матбуотида кенг ёритиб берилган. Шунингдек, Ғарб матбуотида ушбу жараёнларни талқин этишида ёш туркларнинг сиёсий фаолиятини тўлиқ англамаган ҳолда ёритилаётганлиги қайд этиб ўтилган.

***Таянч сўз ва иборалар:** “Туркестанские ведомости”, “Бирлик ва тараққиёт” партияси, ёш турклар, ираде, “бетараф парламент”, “панисломизм”, “Сурати Мустақийм”.*

***Аннотация.** Данная статья показывает, что образ Османского государства формировался через туркестанскую прессу во время правления Российской Империи.*

В периодических изданиях Туркестана регулярно публикуются статьи и отчеты, опубликованные за рубежом. За политическими событиями в Турции внимательно следят. В частности, особое внимание уделяется процессам, связанным с приходом к власти молодых турок в 1908 году, изменениям в турецкой армии, различными войнами. Также отмечается, что распространение идей панисламизма и пантуркизма чрезвычайно опасно для Туркестана.

Общественно-политические процессы в Турции в начале XX века, деятельность молодых турок в Турции, партийная борьба в стране и отношение европейского сообщества к руководству партии «Единство и развитие» в политическом процессе широко освещались в туркестанской периодике. Также было отмечено, что западные



СМИ не до конца понимали политическую деятельность младотурок в их интерпретации этих процессов.

Опорные слова и выражения: «Туркестанские ведомости», партия «Единство и развитие», младотурки, ираде, «нейтральный парламент», «панисламизм», «Сурати Мустақийм».

Abstract. It is to show that the image of the Ottoman state was formed through the Turkestan press during the reign of the Russian Empire.

Turkestan periodicals regularly publish articles and reports published abroad. The political developments in Turkey have been closely followed. In particular, the processes related to the coming to power of young Turks in 1908, changes in the Turkish army, various wars are given special attention. It is also noted that the spread of ideas of pan-Islamism and pan-Turkism and this is extremely dangerous for Turkestan.

Socio-political processes in Turkey in the early twentieth century, the activities of young Turks in Turkey, party struggles in the country, as well as the attitude of the European community to the leadership of the "Unity and Development" party in the political process were widely covered in Turkestan periodicals. It was also noted in the Western media that the interpretation of these processes was covered without a full understanding of the political activities of young Turks.

Keywords and expressions: "Turkestanskies Vedomosti", "Unity and Development" party, young Turks, will, "neutral parliament", "pan-Islamism", "Surati Mustaqiyim".

Усманийлар давлати ва Туркистон муносабатлари қадимий илдизларга эгадир. Россия империяси Туркистонни босиб олгач, мустамлакага айланган Туркистон хорижий мамлакатлар билан мустақил ташқи сиёсат олиб боришдан маҳрум бўлди. Россия империяси ҳукумати маҳаллий ҳукмдорларга қайси давлатлар билан қандай сиёсат олиб боришни белгилаб берди. Шунингдек, Туркистон аҳолиси орасида хорижий мамлакатларга бўлган муносабатини сингдириш учун даврий матбуотдан фойдаланди. 1870 йилдан бошлаб Туркистонда дастлабки газета нашр этила бошлади, бу Туркистон генерал-губернаторлигининг расмий органи бўлган «Туркестанские ведомости» газетаси¹ эди. Шундан кейин Туркистон генерал-губернаторлиги-

¹ Turkistonning madaniy markazlaridan biri bo'lgan Toshkent shahrida o'lkaning to'ng'ich gazetasi "Turkestanskiye vedomosti" ("Туркестанские ведомости") gazetasi 1870-yil 28-aprel (10-may)da chiqqan boshlagan edi. Turkiston o'lkasini boshqaruvi to'g'risidagi 23 qoidaga ko'ra, ushbu gazeta Rossiya guberniya vedomostlariga tenglashtirilgan bo'lib, unga amaldorlar obuna bo'lishi majburiy edi. "Turkestanskiye vedomosti" ("Туркестанские ведомости") gazetasi rasmiy va norasmiy qismlarga bo'lingan bo'lib, rasmiy qismida Turkiston general-gubernatorlarining buyruq va farmoyishlari bosilib chiqqan. Gazetaning norasmiy qismida o'lka tarixiga, geografiyasiga, madaniy hayotiga oid maqola va xabarlar, statistic ma'lumotlar berilib borilgan. Shuningdek gazetada "ichki axborot", "mahalliy axborot", "xalqaro axborot", "feleton" bo'limlari tashkil etilgan edi. "Turkestanskiye vedomosti" ("Туркестанские ведомости") gazetasi Turkiston general-gubernatorligining rasmiy organi bo'lsada, uning sahifalarida N.A.Seversev, A.P.Fedchenko, I.V.Mushketov, V.F.Oshanin, V.V.Bartold, N.A.Mayev, A.D.Grebenkin, A.P.Xoroshkin, N.S.Likoshin, G.A.Aranderenkolarining



нинг ўзбек тилида расмий газета “Туркистон вилояти газети”¹ чиқарилди. 1905 йилдан кейин эса жаҳондаги воқеалар, хусусан, Туркиянинг таъсири натижасида миллий газеталар чоп этила бошлади. Ушбу газеталарда “Хориж хабарлари” рукни остида хорижий мамлакатларда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, савдо ва элчилик алоқалари тўғрисидаги хабарлар босиб чиқарила бошлаган. Ушбу хабарларда XIX аср охири - XX аср бошларида Туркияда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар таҳлил қилинган мақолалар ҳам чоп этиб борилган. Туркистон генерал-губернаторлигининг расмий органи бўлган “Туркестанские ведомости” ва “Туркистон вилояти газети” саҳифаларида айниқса, Туркиядаги сиёсий вазиятга доир масалалар кенг ёритилган. Мазкур мақолаларнинг аксарияти 1908-1914 йиллардаги Туркиядаги сиёсий жараёнлар ҳамда уларнинг интерпретацияси масаласига бағишланган.

Маълумки, 1907-1908 йилларда Туркияда инқилобий вазият юзага келди. 1908 йил 3 июлда “Ёш турклар”дан бўлган армия зобитлари раҳбарлигида кўзғолон кўтарилди. Унга Ниёзбий раҳбарлик қилди. У “Бирлик ва тараққиёт” партияси аъзоси, ҳарбий гарнизон қўмондони эди. 1908 йил 20 июлда Монастир шаҳрида “Бирлик ва тараққиёт” партияси тантанали бир вазиятда Конституция тикланганлигини эълон қилди ва султондан бу масала бўйича фармон беришини талаб қилди. Армия “Ёш турклар” томонида эканлиги Абдулҳамидни чўчитиб қўйди. У 1908 йилнинг 24 июль куни Конституция тикланганлиги ҳақидаги қарорни имзолади ва парламент сайловларини ўтказишга ваъда берди.

Мазкур 1908 йилдаги сиёсий воқеалар билан боғлиқ масалалар Туркистон расмий газеталари диққат марказида бўлди. Жумладан, “газеталар тахририяти цензурадани озод бўлдилар, аёллар кўчаларга очиқ юз билан чиқа бошлади. Юқори мавқега эга бўлган манбалар хабарига кўра, Султон конституцияни тиклашга киришган. Вазир Саид пошонинг мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда, у кўп жойларга ўз айғоқчиларини қўйиб ташлаган, султоннинг шахсий котибининг вазирлар кенгашидан чиқаришга муваффақ бўлди ва у очиқ равишда сарой амалдорларига қарши чиқди. Бу эса турк жамиятида фаол изоҳланмоқда. Солоникда шаҳар ҳокимиятни ўзгартириш

ma'lumotlarga boy, qiziqarli maqolalari doimiy ravishda chop etilgan. 1917-yil dekabr gacha chop etilgan.

¹ Turkistondagi birinchi o'zbek tilidagi gazeta “Turkiston viloyati gazetasi” 1870-1883 yilgacha “Turkestanskiye vedomosti” (“Туркестанские ведомости”) gazetasiga “Illova” tarzida chiqarilgan. 1883-yil 30-yanvaridan 500 nusxada alohida gazeta sifatida chiqarib boshlandi, 1888-yil kelib 600 nusxada bosilgan hamda uning ko'p qismi majburiy obunachilarga aylantirilgan mahalliy amaldorlarga jo'natilgan, 1910-yillarda gazeta 1850 nusxada chop etilgan edi. 1872-1883 yillarda gazetaga Turkiston general-gubernatorligida tarjimon bo'lib ishlagan Shohimardon Ibragimov, 1883-yilning yanvaridan to'ylning oxirigacha Muhammadhasan Chanishev, 1883-yilning oxiridan 1917-yil fevraligacha N.P.Ostroumov muharrirlik qildi. 1917-yilgacha chop etilgan.



тарафдори – ёш турклардан иборат бўлган ҳарбий кўшинлар қўлига ўтгани хабар қилинган” каби жумлаларни ўқишимиз мумкин¹. Бундан ташқари, газетанинг ушбу сониди 14 июлда Буюк вазирнинг олдига газета ноширлари келиб, ҳалқнинг сиёсий маҳбусларга амнистия бериш ҳақидаги талабларини етказганлиги, Вазир қамокдаги ва сургундаги сиёсий маҳбусларни озод қилиш ҳақида *ираде* тайёрланганини хабар қилди ва у газеталарнинг фавқулудда сониди эълон қилганлиги², ҳамда натижада Константинополь қамокхоналаридан 963 нафар киши озод этилганлиги, шунингдек, сиёсий маҳбуслар билан бирга жинойий ишда айбланган кишилар ҳам озод этилганлиги қайд этилади. Ёш турклар ижтимоий тартибсизликларнинг олдини олиш мақсадида полиция ёрдамида жинойий маҳбусларни қайта камашга муваффақ бўлганлиги³.

“Туркестанские ведомости” газетасида келтирилишича, ҳарбий зобитлар йиғилиб, 6 нафар аъзодан иборат делегацияни баъзи бепарво зобитларни ишдан четлаштириш талаби билан вазирнинг олдига жўнатади, бироқ вазир амалдаги конституцияга мувофиқ уларни ишдан бўшата олмаслигини маълум қилади⁴.

Европа жамияти Туркияда рўй бераётган партиявий курашларни диққат билан кузатиб бораётганлиги таъкидланиб, ёш туркларнинг душманлари устидан қилган ғалабаларини самимий қўллаб-қувватлаб турганлиги газета саҳифаларида қайд этилади. “Туркестанские ведомости” газетасида таъкидланишича, Европа мамлакатлари матбуотининг бундай муносабатини уларнинг ёш туркларни ёқтириши билан эмас, балки ушбу партия ҳукмронлиги тўлиқ ўрнатилсагина Туркия жаҳон ҳамжамиятига қўшилади, деб ҳисоблаши билан боғлиқ эди⁵. Газетада ёш турклар партияси ҳокимият тепасига келганидан сўнг улар қўйган мақсадларининг аксарияти қоғозда қолиб кетганлиги ва Усманийлар империяси маъмурий тузилишини ўзгартиришга жиддий эътибор қаратмаганлиги таъкидланади. Шунингдек, газета мақолалари муаллифларининг фикрига кўра, “Бирлик ва тараққиёт” партия кўмитаси конституциявий ҳокимиятнинг ташқи шаклини ташкил қилиш билан кифояланди, “бетараф парламент”нинг мавжудлиги Европа давлатларининг Туркия ички ишларига аралашувининг олдини олишга кафолат бўлиши уларга етарли бўлди. Натижада ёш турклар Ғарбий Европа сиёсий доираларида ўз тарафдорларини йўқотдилар ва Туркиянинг аҳволи Абдулҳамид II даврига қараганда ёмонлашган⁶.

¹ Turkestanskiye vedomosti (Туркестанские ведомости). – 1908. – 17 iyul. - №155.

² Turkestanskiye vedomosti (Туркестанские ведомости). – 1908. – 17 iyul. - №155.

³ Turkestanskiye vedomosti (Туркестанские ведомости). – 1908. – 22 iyul. - №159.

⁴ Turkestanskiye vedomosti (Туркестанские ведомости). – 1908. – 17 iyul. - №155.

⁵ Mladoturetskaya partiya i Yevropa // Turkestanskiye vedomosti (Младотурецкая партия и Европа // Туркестанские ведомости). – 1912. – 5 iyun. - №124.

⁶ Mladoturetskaya partiya i Yevropa // Turkestanskiye vedomosti (Младотурецкая партия и Европа // Туркестанские ведомости). – 1912. – 5 iyun. - №124.



Ўлка матбуотида Европа газеталарида ёш турклар ҳақида кўп ёзилаётганига катта эътибор берилган. “Аммо ёш туркларнинг турк ҳукуматини иккига бўлиб юбораётганини, қилаётган ишларини тўлиқ англаб етмасдан, қай йўллардан фойдаланаётганликлари хусусида ҳеч қандай тасаввур ҳосил қилмасдан ёзмокдалар” деб қайд этилади. Шунингдек, “Ёш туркларнинг ушбу ҳатти-ҳаракатлари сиёсатга ружу қўйиш, ҳукумат қонунларини писанд қилмасликдир. Ҳукуматга келган ёш турклар биринчи низомларини ҳукумат томонидан фармойиш билан чиқариб, албанияликлар, македонияликлар, арман, яхудий ва арабларни асл ҳалифаликка олиб келганлари уларнинг нодонлигидир. Гарчи улар узокни кўра оладиган, ақлли, ўқимишли бўлсалар-да, ўз фаросатларини мамлакат тараққиёти учун сарфлаш ўрнига фақатгина тахт ва ҳокимият учун саъй-ҳаракат қилмокдалар. Бир томонда араб жамоатлари ва Албаниядаги ҳузурсизлик ҳамда ички зиддиятларга сабабчи бўлмиш ёш туркларнинг бундай ҳаракатлари келажакда нафақат ҳалифалик, балки бутун ислом оламининг парокандалигига олиб келади, деган фикр билдирилади. Абдулҳамидхон жаноблари тахтдан тушгандан буён, Париж шаҳрида ёш турклар амал қилган қондани маҳкам тутиб, гўё французларнинг “Бизга аввало хуррият, кейин Франция керак” деган қондаларига амал қилмокдалар”¹ деб ўлкадаги маҳаллий матбуот Туркиядаги воқеаларга ўзининг муносабатини билдиради.

Туркистон матбуотида Македония, Албания ва Арабистонда Туркияга қарши кўзғолонлар ҳақидаги маълумотлар мунтазам равишда бериб борилган. Жумладан, 1912 йилда Туркиянинг молиявий оғир аҳволи, Македония, Албания ва Арабистонда унга қарши кўзғолонлар кўтарилиши ҳисобга олинганда Туркия Эрон билан чегарадош бўлган Урмия вилоятида қўшин тўплаб, Россиянинг Кавказдаги чегараларига яқин жойда қўшин тўплаб, бу борда Россия ва Англия каби етакчи мустамлакачи давлатларнинг фикрини сўрамасдан бундай ишга жазм қилгани сирли эканлиги таъкидланади².

Шу билан бирга Албаниядаги воқеа-ҳодисаларга ҳам “Туркистон вилояти газети”да кенг ёритиб берилган. Хусусан, Асад пошо ва Исмоил Камол ўртасида уруш бошлангани, урушда икки томондан 8 мингдан ортиқ аскар иштирок этгани, икки томондан ҳам талофотлар кўплиги хабар қилинади. Туркиянинг собиқ Мудофаа вазири Иззат пошонинг Албанияга кириб бориши тўғрисидаги хабар берилади. Хабарда Иззат Пошо бошлиқ 6 офицер ва бир қанча турк аскарларидан иборат қўшин Албанияга киргани, аммо бундан Европа давлатлари хусусан Австрия безовта бўлгани қайд этилган³.

¹ Mladoturetskaya partiya i Yevropa // Turkestanskiye vedomosti (Младотурецкая партия и Европа // Туркестанские ведомости). – 1912. – 5 iyun. - №124.

² Persiya i Turtsiya // Turkestanskiye vedomosti (Персия и Турция // Туркестанские ведомости). – 1912. – 17 mart. - №62.

³ Turkiston viloyati gazet. – 1914. – №3.





Бағдодда араблар ўртасида келишмовчилик юзага чиққани ва турк аскарлари вазиятни бартараф қилишга уринишган ҳамда араблардан кўпчилик ўлдирилгани тўғрисида хабар берилди¹.

“Туркистон вилояти газети” саҳифаларида 1914 йилда нашр этилган 2-сонидан Туркия армиясининг ҳарбий техник жиҳатдан кучайтирилаётгани ҳақида маълумотлар чоп этилди². Туркия ўз армиясини техник жиҳатдан кучайтириш мақсадида, мунтазам равишда қурол-аслаҳалар сонини ошириб боришган. Хусусан ҳарбий-денгиз флоти соҳасини ривожлантиришга кўпроқ маблағ ажратганлиги, турк армияси ниҳоятда қувватлик “Рио де Женейро” деб номланган ҳарбий кемани сотиб олиб, “Армстронг” номли ширкат билан ҳамкорликда денгиз бўйидаги шаҳарлар ва ҳарбий денгиз кўшинларини кучайтириш мақсадида бошқа денгиз ҳарбий кўшинлари учун лозим бўладиган қурол-аслаҳаларни сотиб олиш бўйича шартнома имзолангани қайд этилган. Шунингдек, турк ҳукумати томонидан нафақат денгиз кўшинлари, балки қуруқлик кўшинларини ҳам ривожлантириш мақсадида Германиядан генерал чақирилган. Денгиз ва қуруқлик кўшинларини ривожлантираётган турк ҳукумати ўз армиясини ҳаво кемаларисиз ҳам қолдирмас керак деб қайд этилиб, газета шу тариқа бутун армиясининг қуруқлик кўшинларини ва кучайиши йўлида тинимсиз ҳаракат қилаётган турк ҳукумати мақсади номаълум, бундай ҳаракат керакмикин, деган савол кўяди. Балки уруш бўлиш хавфи йўқдир, агарда уруш бўладиган бўлса ночор бўлган 20 миллионлик аҳолиси билан турк ҳукумати қанча қуруқлик кўшинларини сотиб олмасин барибир хароб бўлади, деган фикр билдиради. Ҳозирги кунга қадар биринчи ва иккинчи Турк-Болқон урушлари натижасида юзага келган келишмовчиликлар бартараф бўлгани йўқ, чунончи ушбу муаммоларни ҳал қилиш турк ҳукумати учун ниҳоятда даркор. Истанбул ҳукуматининг Рио де Женейро ҳарбий кемасини сотиб олиниши ҳақида Туркия матбуоти ўз хурсандчиликларини билдирган³.

Бундан ташқари, Туркистон газеталарида армиядаги бошқарув кадрлари тўғрисидаги масалаларга катта эътибор берилди. Жумладан, Истанбул полковниги Анварбекнинг Мудофаа вазири лавозимига тайинланишига доир Султон фармони эълон қилинган,⁴ Мудофаа вазири Анвар пошога генерал унвони берилгани ва баъзи доираларда унинг ушбу лавозимга келишга норози бўлганлар ҳам борлиги тўғрисида хабар берилади⁵. Шунингдек, газета саҳифаларида Истанбул қўмондонлиги таркибидаги 280 офицернинг лавозимидан озод этилиши тўғрисидаги хабари эълон қилинган. Хабарда улар орасида штабнинг бош начальниги Ҳодий Пошо ва Адрна қўмондони

¹ Turkiston viloyati gazet. – 1914. – №2.

² Turkiston viloyati gazet. – 1914. – №2.

³ Turkiston viloyati gazet. – 1914. – №3.

⁴ Turkiston viloyati gazet. – 1914. – №2.

⁵ Turkiston viloyati gazet. – 1914. – №4.



Шукрий Пошо ҳам борлиги маълум қилинади. Мудофаа Вазири Анвар Пошонинг изохлашича, турк ҳукуматининг бу хатти-ҳаракати ҳарбий сарф-ҳаражатларни камайтириб иқтисодиётни ривожлантириш кўзда тутилган¹.

Истанбул Усманийлар қўшинлари қўмондонлигидан германиялик генерал Отто Лиман фон Сандерснинг чиқарилиши тўғрисида хабар берилади. Хабарда Генералнинг қўшиндан чиқарилиши Россия империясининг саъй-ҳаракатлари натижаси сифатида изоҳланган².

Газеталар Россияга тайинланган элчилар ҳақида ҳам маълумотлар бериб борди. Жумладан, “Туркистон вилояти газети”да кўп йиллардан буён Петербургда Турк ҳукуматининг элчиси вазифасини бажариб турган Тархон Пошонинг лавозимидан озод этилгани хабар қилинади³. Туркия томонидан Петербург элчиси ўлароқ тайинланган Хилми Пошо Туркиянинг энг машхур кишиларидан саналади. Хабарда элчи Хилми Пошонинг фаолияти ва унинг сиёсий қарашлари ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтилган⁴.

Шунингдек, Усманийларнинг Лондон элчиси Тавфиқ Пошо лавозимидан озод этилиб, ўрнига Париж элчиси Рифат Пошо тайинланганлиги, унинг ўрнига эса Садри Аъзам Саид Ҳалим Пошо элчи этиб тайинланганлиги, Садри Аъзам лавозимига эса Доҳилия вазири (Ички ишлар) Талъат Бек тайинланганлиги айтилиб, хабар давомида қолган вазирлар ўз ўрнида қолган дея вазирлар ва исм-шарифлари санаб ўтилган.

Туркистон матбуотида Туркия матбуоти ҳақидаги материаллар ҳам ёритилган. Жумладан, Туркияда нашр этилаётган даврий матбуот органлари “панисломизм” ғояларини тарқатишни кучайтиргани ҳақида ёзилади. Жумладан, “Сабил Рашид” деб номини ўзгартирган “Сурати Мустақийм” журнали мақолалари “панисломизм” ғоялари тарғиботига бағишланган. Бу ғоялар тарғиботининг кучайтирилишига Туркия ва Италия ўртасидаги урушнинг ҳам таъсири катта бўлгани алоҳида қайд этилади. Италияга қарши урушни “қутлуғ” урушга айлантириш мақсадида халқни дин байроғи остида бирлаштириш мақсадидан келиб чиққан, деган баҳо берилади. “Туркестанские ведомости” газетасида чоп этилган ушбу мақолада Туркия ҳукумати Италияга қарши барча кучларни бирлаштириш мақсадида ҳатто яширин секта бошлиғи Шайх Сеннусий билан учрашувга ўз вакилини жўнатганини маълум қилади. Газета сеннусийлар Европа маданиятига, мусулмон бўлмаган барча кишиларга қарши бўлганига ўз ўқувчилари эътиборини қаратади. Туркия матбуоти халқни иттиҳодга чақирар экан, ҳар бир мақолалари Қуръон ва Ҳадислардан келтирилган парчалар билан мустаҳкамланаётганини таъкидлаб ўтади. Бундан ташқари, уларда тарихдан ҳам маълумотлар келтирилади, жумладан, Испания, Ҳиндистон, Туркистон, Қримда мусулмон давлатларининг йўқ бўлиб кетгани

¹ Turkiston viloyati gazet. – 1914. – №3.

² Turkiston viloyati gazet. - 1914. – №5.

³ Turkiston viloyati gazet. – 1914. – №2.

⁴ Turkiston viloyati gazet. – 1914. – №5.



ва унинг сабаблари мисол келтирилади¹. Россия империяси ҳукумати бундай ғояларнинг ўлкага кириб келиши ва маҳаллий аҳолига таъсир этишидан хавотирга тушади. Улар маҳаллий аҳоли қалбидаги Россияга нисбатан нафратни янада кучайтириши мумкин, деб ҳисоблайди.

“Berliner Tageblatt” газетасининг Константинополдаги мухбири 7 (20) июндаги хатида Туркия журналистларининг иш ташлаши ҳақида хабар беради ва у “Туркестанские ведомости” газетаси саҳифаларида чоп этилади. Журналистлар шу куни вазирлар кенгаши йиғилиши ҳақида биронта хабар бермади. Ҳақиқатан йиғилиш Поргада бўлиб ўтган, аммо у ерга журналистлар кириши таъқиқланади, шунга қарамадан журналистлар йиғилиш тугашини кутиб, вазирлардан йиғилиш ҳақида хабар беришни сўрайди ва жуда кескин жавоб олади, шунинг учун журналистлар бу ҳақда ёзмасликка қарор қилган эди². “Berliner Tageblatt” газетасининг мухбири журналистларнинг бу иши бирон бир натижа бермаганини таъкидлаб, аксинча, ҳукуматга жуда қўл келганини қайд этиб ўтади.

1914 йилда Сурияда нашр қилинадиган араб тилидаги “Нахру-л-Осс” газетасининг турк ҳукумати томонидан тўхтатилган ва муҳаррири бир ойга ҳибсга олинганига ўқувчилар эътибори қаратилади. Унда таъкидланишича, Фаластиннинг Яффа шаҳрида яҳудийлар томонидан ҳукуматдан рухсатсиз “Ал-Ахбор” номли газета чиқаришган ва ҳукумат газетани ёпиб муҳаррирлари судга берилган³.

1914 йилда “Туркистон вилояти газети” саҳифаларида Туркия мудофаа вазири Анвар Пошо янгидан ташкил қилинган 60 ҳарбий кемага қўмондонлик учун ҳарбий қўмондонларни чақирганлиги таъкидланади⁴. Европа мамлакатлари Туркия ҳукуматидан Юнонистондан олинган ороларни қайтаришни қатъий талаб қилаётганлари ва Садри Аъзамнинг бу хусусда қатъий қаршилиқ қилаётгани, ҳатто юнонлар билан уруш қилишга ҳам тайёргарлик қилишга турк аскарларига буйруқ берилгани ҳақида хабар берилган. Бундан ташқари, газетанинг ушбу сониди Туркия-Италия уруши натижасида кўрилган зарарларни қоплаш мақсадида тузилган икки томонлама ҳукуматлараро сулҳ ҳақида хабар берилади.

Мақолада баъзи газеталар томонидан тарқатилаётган Россия ва Туркия ўртасида уруш бўлиши ҳақидаги хабарлар мутлақо асоссиздир дея қайд этилган. Туркиянинг Петербургдаги элчиси ҳам ушбу хабарни асоссиз эканини таъкидлаган. Шунингдек, мақолада Россиянинг Истанбулдаги элчиси Султон билан ушбу тарқалаётган гап сўзлар борасида музокара олиб боргани, учрашув ниҳоятда самимий ва очик руҳда кечгани қайд этилган⁵.

¹ Gavrilov M. Propaganda panislamizma // Turkestanskiye vedomosti (Гаврилов М. Пропаганда панисламизма // Туркестанские ведомости). – 1912. – 17 mart. - №62.

² Zabastovka turetskix jurnalistov // Turkestanskiye vedomosti (Забастовка турецких журналистов // Туркестанские ведомости). – 1912. – 23 iyun. - №140.

³ Turkiston viloyati gazet. - 1914. – №4.

⁴ Turkiston viloyati gazet. - 1914. – №7.

⁵ Turkiston viloyati gazet. – 1908. – №17.



“Туркестанские ведомости” газетасида Англиянинг араб мамлакатларини Туркиядан ажратиб олиш ва ўз протекторатига айлантириш ҳақидаги режаси Туркия матбуотидаги мақолаларга асосланиб келтирилади¹.

Бундан ташқари, Туркия ва Италия ўртасидаги урушлар тўғрисида доимий равишда хабар бериб турилган².

“Туркистон вилояти газети” саҳифаларида кичик хабарлардан ташқари таҳлилий мақолалар ҳам ўрин олган. Жумладан, шундай мақолалардан бирида 1912 йилда Усманийлар давлатидаги аҳвол таҳлил қилинади. Жумладан мақолада қуйидаги фикрлар қайд этилади: “Кейинги вақтларда Усманийлардан келган нотинчлик ҳақидаги хабарлардан маълумким, биргина ёш турклар ва Италиянинг Африкадаги зафари бўлмай, Албанияда ҳам аста-аста инқилоб муноқашалари ривожликда бўлиб, барча албанияликлар секин-аста яроғ-аслаҳалик бўлиб, турк ҳукуматига қарши ғавғо чиқармоқдалар. Турк ҳукумати икки тараф, яъни дохийий ва хорижий душманлар куршовида қолган. Бу икки душманлардан иккинчиси турк ҳукуматига катта зарар етказса керак. Чунки биринчи ички душман фақатгина турк ҳукуматини хароблик сари етаклаётган бўлса, иккинчиси Усманийлар таркибида бўлган очликда кун кечириётган вилоятларнинг турк ҳукуматидан ажралишига сабаб бўлмоқда”³.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, Туркистон расмий матбуотида Россия империяси ҳукуматининг расмий муносабати ўз аксини топган. Улар Россиянинг марказидан келган хабарларни ўз саҳифаларида чоп этиб борган, шу билан бирга ўлка газеталарида таҳлилий мақолалар ҳам чоп этиб борилган. Бундан ташқари, хорижий матбуотда чоп этилган мақола ва хабарлар ҳам босиб турилган. Айниқса, Туркияда рўй берган сиёсий воқеалар диққат билан қузатилган. Жумладан, 1908 йилда ҳокимиятга ёш туркларнинг келиши билан боғлиқ жараёнлар, Туркия армиясидаги ўзгаришлар, турли урушларга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, панисломизм ва пантуркизм ғояларининг тарқалиши ва бу Туркистон учун ниҳоятда хавфли эканлиги таъкидланади.

¹ Nikitin A. Angliya kak podstrekatel'nitsa Italii k napadeniyu Turtsiyu // Turkestanskiye vedomosti (Никитин А. Англия как подстрекательница Италии к нападению Турции // Туркестанские ведомости). – 1912. – 12 апрель. - №81.

² Turkestanskiye vedomosti (Туркестанские ведомости). – 1912. – 7 апрел. - №77; 12 апрел. - №81; 17 апрел. - №85; 1 июн. - №121; 3 июн. - №123; 17 июн. - №135 va boshqa sonlari.

³ Turkiston viloyati gazet. – 1912. – №51.



РАДЖАБОВА ДИЛОРА

кандидат исторических наук, доцент, Центр историографии и источниковедения Института истории АН РУз

Вопросы истории Средней Азии в научном наследии российского востоковеда П.И. Лерха (источниковедческий анализ)

Аннотация. Научное изучение Средней Азии имеет свои глубокие корни в российской науке. Разветвленная система востоковедных научных и образовательных учреждений, богатейшие собрания восточных рукописей, книг, предметов материальной культуры послужили для исследований ученых-востоковедов достаточно представительной источниковой базой. Глубокий и бескорыстный интерес ученых к достижениям восточных цивилизаций сыграло определенную роль в деле ознакомления народов других стран с культурой и историей Центральной Азии. Одним из таких представителей российского востоковедения, своими трудами и общественно-научной деятельностью, внесшим определенную лепту в развитие науки и культуры народов Центральной Азии, в частности, в историю изучения Узбекистана, являлся Петр Иванович Лерх. Круг научных интересов Петра Ивановича был обширен. Он мог заниматься изучением языков, наречий и говоров различных народов; его могла увлечь доисторическая археология, в результате чего появлялся ряд интересных статей по этому направлению; следствием увлечения восточной нумизматикой стал выход его соответствующего научного произведения. Причем следует иметь в виду, что география его научных изысканий, какого бы направления они ни были, так же была обширна: от отдаленных губерний России до новых присоединенных соседних окраин. Об этом свидетельствуют архивные материалы, где встречаются работы П.И. Лерха по археологии, языкознанию, нумизматике, этнографии и т.д. Не отвергал он и изучение работ зарубежных ученых, касающихся истории, этнографии, востоковедения, в частности. Поездка же, совершенная П.И. Лерхом в Хиву и Бухару, расширила рамки научной деятельности ученого. С тех пор в круг его научных изысканий стали входить среднеазиатские страны и народы, восточная нумизматика, а также и первобытные древности. Во время поездки 1858-1859 гг. ученый приобрел свыше 30 восточных рукописей для Азиатского музея. О многосторонности научных интересов и способностей ученого можно судить и по его научным докладам в научных сообществах. В статье использован большой круг источников архивных научных учреждений РАН, в частности, материалы личного фонда П.И. Лерха из научного архива Института Восточных языков в Санкт-Петербурге.

Опорные слова и выражения: Средняя Азия, Туркестан, П.И. Лерх, история, востоковедение, археология, нумизматика, восточные рукописи, языкознание, этнография.

Аннотация. Марказий Осиёни илмий ўрганиши рус илмида чуқур илдиз отган. Шарқишунослик илмий ва таълим муассасаларининг тараққий этган тизими, шарқ қўлёзмаларининг энг бой тўпламлари, китоблари, моддий маданият объектлари шарқишунос олимларнинг тадқиқотлари учун етарлича манбавий асос бўлиб хизмат қилди. Шарқий цивилизация ютуқларига олимларнинг чуқур қизиқиши бошқа мамлакатлар ҳалқларини Марказий Осиё маданияти ва тарихи билан таништиришида



маълум рол ўйнади. Ўзининг асарлари ва ижтимоий ва илмий фаолияти билан Ўрта Осиё халқлари илм-фани ва маданияти ривожига, хусусан, Ўзбекистонни ўрганиш тарихига маълум ҳисса қўшган рус шарқишунослигининг ана шундай вакиллари билан бири, Петр Иванович Лерх эди. Турли халқларнинг тиллари ва лаҳжаларини чуқур ўрганиши, қадимги археология билан қизиқишининг натижаси сифатида эса бир қатор қизиқарли мақолаларнинг пайдо бўлиши; шарқона нумизматикага бўлган иштиёқининг натижаси сифатида махсус илмий тадқиқотнинг пайдо бўлишининг барчаси олимнинг илмий қизиқишлари доираси жуда кенг бўлганидан далолат беради. Шунини ҳам ёдда тутиш керакки, унинг илмий тадқиқотлари географияси, қайси йўналишида бўлмасин ҳам кенг эди: Россиянинг чекка вилоятларидан янги қўшилган қўшни хўдудларга қадар. Буни археология, тилишунослик, нумизматика, этнография ва бошқалар бўйича Лерхнинг тадқиқотларини ўз ичига олган архив материаллари тасдиқлайди. Шунингдек, у чет эл олимларининг тарих, этнография, шарқишуносликка бағишланган асарларини ҳам ўрганиб чиққан. П.И.Лерхнинг Хива ва Бухородаги саёҳати олимнинг илмий фаолияти қўламини кенгайтди. Ўшандан бери унинг илмий тадқиқотлари доирасига Ўрта Осиё мамлакатлари ва халқлари, шарқий нумизматика ҳамда ибтидоий қадимий нарсалар кира бошлади. 1858-1859 йиллар давомида саёҳат пайтида олим Осиё музейи учун 30 дан ортиқ шарқ қўлёзмаларини сотиб олди. Олимнинг илмий қизиқишлари ва қобилиятининг кўп қирралилигини унинг илмий жамиятлардаги илмий маърузаларидан ҳам кўриш мумкин. Мақолада Россия Фанлар академиясининг архив илмий муассасаларининг кенг доирадаги манбалари, хусусан, П.И. Лерхнинг Санкт-Петербургдаги Шарқ тиллари институти илмий архивидаги шахсий фондидаги материаллар ишлатилган.

Таянч сўз ва иборалар: Ўрта Осиё, Туркистон, П.И Лерх, тарих, шарқишунослик, археология, нумизматика, шарқ қўлёзмалари, тилишунослик, этнография.

Abstract. Scientific study of Central Asia has its deep roots in Russian science. The ramified system of oriental scientific and educational institutions, the richest collections of oriental manuscripts, books, objects of material culture served as a sufficiently representative source base for the research of oriental scholars. The deep and disinterested interest of scientists in the achievements of Eastern civilizations played a certain role in acquainting the peoples of other countries with the culture and history of Central Asia. One of such representatives of Russian oriental studies, who, with his works and social and scientific activities, made a certain contribution to the development of science and culture of the peoples of Central Asia, in particular, to the history of the study of Uzbekistan, was Petr Ivanovich Lerkh. The range of scientific interests of Petr Ivanovich was extensive. He could study the languages, dialects and dialects of various peoples; he could be carried away by prehistoric archeology, as a result of which a number of interesting articles appeared in this direction; the result of his enthusiasm for oriental numismatics was the release of his corresponding scientific work. Moreover, it should be borne in mind that the geography of his scientific research, whatever direction they were, was also extensive: from remote provinces of Russia to the newly annexed neighboring outskirts. This is evidenced by archival materials where the works of P.I. Lerkh on archeology, linguistics, numismatics, ethnography, etc. He also did not reject the study of the works of foreign scientists concerning history, ethnography, oriental studies, in particular. The trip made by P.I. Lerkh in Khiva and Bukhara expanded the scope of the scientist's scientific activity. Since then, Central Asian countries and peoples, eastern numismatics, as well as primitive antiquities began to enter the circle of his scholarly research. During the trip 1858-1859 the scientist acquired over 30 oriental manuscripts for the Asian Museum. The versatility of scientific interests and abilities of a scientist can also be judged



by his scientific reports in scientific communities. The article uses a wide range of sources of archival scientific institutions of the Russian Academy of Sciences, in particular, materials from the personal fund of P.I. Lerkh from the scientific archive of the Institute of Oriental Languages in St. Petersburg.

Keywords and expressions: *Central Asia, Turkestan, P.I. Lerkh, history, oriental studies, archeology, numismatics, oriental manuscripts, linguistics, ethnography.*

Научное востоковедение появилось на рубеже XVII-XVIII веков как историческая необходимость для решения конкретно поставленных задач внешней и внутренней политики. На протяжении многих лет язык, литература, история, памятники, культура народов Востока интенсивно изучается, исследуются различные аспекты его развития – подготовка знатоков восточных языков, создание востоковедных организаций, проведение специальных научных командировок и экспедиций, приобретение восточных книг и рукописей, собиранье или коллекционирование восточных древностей, издание научных трудов восточной тематики и т.д.

Еще в 1810 году С.С. Уваров (с 1818 г. - президент Академии наук, 1883-1849 гг. - министр народного просвещения) в своем проекте «Азиатская Академия», говоря о влиянии Востока на историю человечества, выделил два аспекта – нравственный и политический. Во-первых, изучение Азии значительно расширит и углубит отечественную науку (т.е. удовлетворит «нравственное побуждение»), поскольку, по его мнению, «Азия есть главный источник образования человеческого» и «религия, философия, законы, поэзия – все представляется здесь в образе первоначальном, все представляет глазам наблюдателя остатки обширного развития образованности, и, наконец, все может способствовать ему к усовершенствованию великой науки человека»¹. И во-вторых, использование знаний ученых по истории и культуре, а также другим аспектам стран Востока в политических целях со стороны колониальной власти является политическим шагом. Преданные науке ученые-востоковеды вводили в научный оборот и делали достоянием широкого круга читателей памятники древних культур Востока, ломали стереотип отсталости Востока и исключительности Запада.

В России в XVIII – начале XX вв. была создана достаточно разветвленная система востоковедческих научных и образовательных учреждений, сформировались богатейшие собрания восточных рукописей, книг, предметов материальной культуры. Таким образом, ученые-востоковеды имели для своих исследований достаточно представительную источниковую базу. Лучшие представители российского научного востоковедения преданно служили науке, питали глубокий и бескорыстный интерес к достижениям восточных цивилизаций и много сделали для ознакомления народов своих стран с культурой и историей Центральной Азии.

¹ Уваров С.С. Мысли о заведении в России Академии Азиатской. // «Вестник Европы». 1811. Ч.55, №1, с.27, 32.



Одним из таких представителей российского востоковедения, своими трудами и общественно-научной деятельностью, внесшим определенную лепту в развитие науки и культуры народов Центральной Азии, в частности, в историю изучения Узбекистана, является Петр Иванович Лерх, всю свою жизнь посвятивший науке и «которою он только и жил»¹.

Круг научных интересов Петра Ивановича был обширен. Он мог заниматься изучением языков, наречий и говоров различных народов, как это было сделано при изучении курдского языка; его могла увлечь доисторическая археология, в результате чего появлялся ряд интересных статей по этому направлению; следствием увлечения восточной нумизматикой стал выход его соответствующего научного произведения. Этот список можно еще продолжить. Причем следует иметь в виду, что география его научных изысканий, какого бы направления они ни были, также была обширна: от отдаленных губерний России до новых присоединенных соседних окраин (фото 1). Об этом свидетельствуют архивные материалы, где встречаются работы П.И. Лерха по археологии, языкознанию, нумизматике, этнографии и т.д. В частности, «Три записные книжки Лерха, содержащие список приобретенных в 1865 г. древностей» и библиография русских древностей (рукопись)²; отрывочные черновые заметки, наброски статей и выписки по истории, географии, этнографии народов Средней Азии (рукопись)³; дневниковые записи Лерха во время поездки в Туркестане: заметки, планы крепостей, дорог, небольшие зарисовки, надписи на надгробьях и мечетях (на арабском и персидском языках с черновым русским переводом (рукопись)⁴; карты различных частей Российской империи и Средней Азии, среди которых имеются рукописные карты, в частности, цветная карта г. Бухары, выполненная, по-видимому, одним из её уроженцев, с рисунком ее крепости и небольшим описанием на персидском языке⁵; два миниатюрных английских молитвенника, принадлежавших английскому путешественнику офицеру Conolly, казненному в 1842 году в Бухаре по приказу эмира⁶ и др.

Не отвергал он и изучение работ зарубежных ученых, касающихся истории, этнографии, востоковедения, в частности. Даже будучи непосредственно на местах своих научных интересов, он выискивал и находил возможность постоянно пополнять и развивать свои знания. Об этом свидетельствует письмо начальника Аральской флотилии от 12 декабря 1858

¹ Тизенгаузен В., Веселовский Н. П.И. Лерх (некролог). // Журнал Министерства народного просвещения. СПб., 1884, ноябрь, с.66.

² Архив ИВР РАН, Ф.36, оп.1, ед.хр.2, 22 л.

³ Там же, ед.хр.8, 94 л.

⁴ Там же, ед.хр.10, 16 л.

⁵ Архив ИВР РАН, Ф.36, оп.1, ед.хр.17, 40 карт и табл.

⁶ Там же, оп.1, ед.хр.18.





года в Канцелярию генерал-губернатора Оренбургской и Самарской области, который просит передать пакет с книгами П.И. Лерху, «состоявшему при миссии в Бухарском и Хивинском ханствах»¹. Публикации результатов его научных изысканий одинаково успешно и на русском, и на немецком языках давали ученому возможность поделиться своими научными достижениями в мировом научном пространстве.

Говоря о человеческих качествах Петра Ивановича, его соратники искренне признавали его достоинства, говоря о благородных качествах его души и неизменной готовности служить науке и называя его «честный и благородный труженик»². Много лет он довольствовался скромными должностями сначала протоколиста в Академии наук, сотрудника «Известий Императорского Русского Археологического общества, библиотекаря общества и Секретаря Классического его отделения, сотрудника в изданиях Московского Археологического общества, библиотекаря Университета и делопроизводителя в Императорской Археологической Комиссии, тогда как по «основательным и многосторонним научным познаниям»³, а также «по богатству сведений своих и обширной эрудиции он мог бы с честью занимать кафедру курдского языка или истории мусульманского востока»⁴. И в то же время, несмотря на всю свою занятость, Петр Иванович находил еще время составить историю Мавераннахра⁵. Это был настолько человек науки, что «никогда не отказывался ни от какого труда, даже и тогда, когда он не мог доставить ему ни малейшего удовольствия, но который он почему-либо находил полезным»⁶.

Несколько лет он был занят разработкой курдских материалов, в результате которых появился его обширный труд «Исследования об иранских курдах», которые сразу принесли автору почетную известность в ученом мире. Хотя первым трудом П.И. Лерха по востоковедению был небольшой литературный очерк под заглавием «Семизвездие на небе персидской поэзии», содержащий обзор развития поэзии у персов⁷.

Поездка же, совершенная П.И. Лерхом в Хиву и Бухару, расширила рамки научной деятельности ученого. С тех пор в круг его ученых изысканий стали входить среднеазиатские страны и народы, восточная

¹ Там же, оп.2, ед.хр.10, л.19.

² Гаркави А.Я. Памяти П. И. Лерха. // Записки Императорского русского археологического общества. Т.1. Новая серия. СПб., 1886, с.СVII.

³ Там же.

⁴ Тизенгаузен В., Веселовский Н. П.И. Лерх (некролог). // Журнал Министерства народного просвещения. СПб., 1884, ноябрь, с.57.

⁵ Лерх П.И. Маверанагр или Заречье. // Русский энциклопедический словарь, издаваемый И.Н.Березиным. Отдел III. Т.II (X). СПб., 1875, с.577-583.

⁶ Тизенгаузен В., Веселовский Н. П.И. Лерх (некролог). // Журнал Министерства народного просвещения. СПб., 1884, ноябрь, с.65.

⁷ Лерх П.И. Семизвездие на небе персидской поэзии // Библиотека для чтения, 1851, февраль, с.251–268.





нумизматика, а также и первобытные древности. Причем труды его по этим отраслям науки также отличались основательным знанием предмета и меткими суждениями о нем. Во время поездки 1858-1859 гг. ученый приобрел свыше 30 восточных рукописей для Азиатского музея. В этой коллекции находилась рукопись "Китаб ал-ансаб" ("Книга генеалогических имен") известного мервского ученого араба Абу Сайд Абд-ал-Керим ал-Самани (1113-1169), содержащая материал, послуживший источником для историко-географического словаря Якута (XIII в.). Вывез из Бухары редчайший автограф "Маджма ал-ансаб" - "Собрание генеалогии" Шебангарай (и его продолжителя-Фарйумади) и рукопись "Абдулла-наме" Хафиз-и Таныша и др. В архивных фондах присутствует письмо ученого в Императорскую Академию Наук с просьбой о выделении средств на приобретение «самых разнообразных предметов и рукописей»¹ во время поездки в Бухару и Хиву с экспедицией Игнатьева. По возвращении П.И. Лерх описал 97 восточных рукописей, принесенных в 1871 в дар Публичной библиотеке Петербурга Туркестанским генерал-губернатором Кауфманом и собранных А.Л. Куном².

В 1867 году ученому Академией наук было поручено обследовать развалины старинного города в Туркестанском крае, при устье Сырдарьи, которые согласно его же изысканиям, оказались остатками города Янгикента (Джанкента), упоминаемого часто восточными и западными писателями в их повествованиях о войнах Чингизхана и его сыновей³. В научном архиве Института истории материальной культуры отдельное дело содержит данные «О командировании Титулярного советника Лерха для расследования развалин древнего города на Сыр-Дарье», состоящее из 33 листов (фото 2), по содержанию которых можно сделать вывод о том, что его считали «одним из компетентных по сему предмету членов Археологической Комиссии для необходимых местных изысканий, который хорошо знаком с упомянутой местностью со времени поездки своей в Хиву и Бухару в 1858 году»⁴. При этом просят «поручить этому благонадежному лицу составить подробное описание и план»⁵, а также вести дневник, в котором Ученый должен был «сообщать краткие сведения о ходе исследований, равно как и о всем, что удастся встретить на пути»⁶. Ученый блестяще выполнил задание, о чем свидетельствует хранящиеся уже в архиве ИВР РАН «Дневниковые записи Лерха во время поездки в Туркестан»⁷. Предвосхищая последующие начинания В.А. Жуковского, В.В. Бартольда и других, автор сопроводил

¹ Архив ИВР РАН, Ф.36. оп.1, ед.хр.10, л.26-28.

² Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и в России. – СПб., 1911, с.222-223.

³ Лерх П.И. Археологическая поездка в Туркестанский край в 1867 году. СПб., 1870.

⁴ НА ИИМК, Ф.1,1867, ед.хр. 278, лл.4-6.

⁵ Там же, л.1.

⁶ Там же, л.10-11.

⁷ Архив ИВР РАН, Ф.36. оп.1, ед.хр.10, 16 л.





данные о развалинах Джанкента и других городов сведениями из сочинений древних авторов и комментариями к ним.

В архиве Института Восточных рукописей РАН в Санкт-Петербурге находятся интересные материалы, касающиеся деятельности П.И. Лерха. В частности, русский и французский экземпляры работы ученого «Археологическая поездка в Туркестанский край с 1867 году» с корректировкой, а также с авторской правкой и дополнительными замечаниями. Здесь же прилагаются рукописные копии надписей с надгробных памятников Туркестанской мечети¹, так как, не ограничившись исследованием древнего города, П.И. Лерх осуществил запланированную поездку и в другие города Туркестана, чтобы осмотреть «развалины Отрара или древнего Сейрама... Но более всего интересуют меня памятники древности»², - пишет ученый в своем отчете. Следует добавить, что Лерх удовлетворил свой интерес и вывез оттуда несколько интересных восточных рукописей и монет, часть из которых в дальнейшем дополнили коллекции Азиатского музея, а часть - Императорский Эрмитаж и Археологическое общество³. Сведения о приобретениях П.И. Лерха во время поездок его в Среднюю Азию, в частности, списки восточных рукописей, поступивших в Академию Наук через ученого, а также заметки о ряде рукописей и выписки из них⁴ также можно изучить в фонде востоковедов Института восточных рукописей РАН. Заслуживает интереса отдельный список восточных рукописей, которые П.И. Лерх подробно охарактеризовал в своих записях⁵ (фото 3):

а) л.1. – персидская рукопись – копия ярлыков бухарского эмира о назначении на должность с различными указаниями административного характера (свиток длиной около 3 м.);

б) л.2. - тюркская рукопись (старо-узб.яз.) – копии ярлыков бухарского эмира о назначении на должность с различными указаниями административного характера и вакфные ярлыки (свиток длиной ок. 2,5 м.);

в) л.3-4. – персидская рукопись – выписки из сочинения неизвестного автора об истории Бухары (время Бухар-худата);

г) л.5-6. – узбекская рукопись – история основания Джуки сан-кала;

д) л.7. – фотография с арабских надписей на стене мечети или медресе;

е) л.8. – арабская рукопись из истории движения Абу-Муслима, рукопись дефектная, реставрированная (свиток длиной в 77 см.).

О многосторонности научных интересов и способностей ученого можно судить и по его научным докладам в научных сообществах. Если на одном из заседаний Императорского Русского Археологического Общества П.И. Лерх выступил с интересным сообщением, касающимся темы восточного направ-

¹ Там же, ед.хр.3, 35 л.

² НА ИИМК, Ф.1,1867, ед.хр. 278, л.16.

³ Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и в России. – СПб., 1911, с.222-223.

⁴ Архив ИВР РАН, Ф.36. оп.1, ед.хр.4, 103 л.

⁵ Там же, ед.хр.16, 8 л.



ления, а именно важности сравнительных таблиц циклического летоисчисления тюркских народов и летоисчислений мусульманского и христианского¹, то на другом заседании затронул языковой вопрос и предоставил свои «Соображения о сходстве и отличиях древнего согдийского и хорезмского языка сравнительно с языками зендским, древне-парсским и пехлевийским», где провел сравнительный анализ древних языков народов Средней Азии². Здесь уместно привести мнение того же С.С. Уварова (см. выше) о необходимости изучения дисциплин, связанных с Востоком, где на первое место он выдвигает изучение языка. «Рассматривать язык народа – значит рассматривать ход его мыслей. Чем больше совершенств имеет язык, тем ближе к образованности и тот народ, который им владеет. Анализ языка знакомит нас с гением нации, а сличение нескольких языков открывает нам не одну существенную между ними связь, но вместе и то, к которой эпохе принадлежат некоторые понятия: родились ли они в самом языке или заимствованы от другого, может быть, не существующего диалекта?»³. О склонностях и неподдельном интересе П.И. Лерха к изучению разных языков и наречий свидетельствует письменное отношение Императорской Санкт-Петербургской Академии Наук губернатору Оренбургской и Самарской областей от 18 декабря 1868 года с просьбой разрешить П.И. Лерху, «будучи в составе «Экспедиции в Хиву и Бухару», остаться на некоторое время в Оренбурге «для продолжения начатых им извлечений из дел Архивов Пограничной Комиссии и Канцелярии, равно и для изучения киргизского и башкирского наречий»⁴, на что был получен положительный ответ⁵.

На III Международном съезде ориенталистов, проходившем в 1876 году в Санкт-Петербурге, П.И. Лерху было поручено устройство выставки, с чем он добросовестно справился и получил высокую оценку своей деятельности от председателя выставки В.В. Григорьева, который охарактеризовал его работу следующим образом: «Он принимал присылавшиеся предметы, он их записывал на приход, он их размещал, он наблюдал за их сохранностью. Все входящие бумаги по этому предмету пересылались к нему. И он душою и телом предавался делу: можно сказать ночей недосыпал, обеда не доедал; обращался ко всем и каждому, от кого можно было ожидать доставки интересных предметов, сносился от своего имени и с лицами, и с учреждениями. Ему одному обязана была выставка своим устройством; он же был и главным на ней чичероне* для иностранных членов Съезда, внимательно изучавших все, что заслуживало на ней внимания»⁶. Вскоре после

¹ Известия Императорского Русского Археологического общества, 1860. Т. III, с. 171-174.

² Там же, 1868, Т. VII, с. 296-297.

³ Мысли о заведении в России Академии Азиатской. // «Вестник Европы». 1811. Ч. 55, № 1, с. 40-41.

⁴ Архив ИВР РАН, Ф. 36. оп. 1, ед. хр. 10, л. 20.

⁵ Там же, оп. 2, ед. хр. 3, лл. 1-1об.

⁶ Труды III Международного Съезда Ориенталистов в С.-Петербурге 1876 г., т. I. - СПб., 1880, стр. СХVII.

съезда ученый горячо принялся за научное описание замечательных предметов, бывших на выставке, и за объяснение имеющихся на них надписей.

На этом же съезде Ориенталистов П.И. Лерх предоставил свой труд о монетах Бухархудатов – труд, признанный весьма важным в области восточной нумизматики и заключающий в себе открытие древне-согдийских монет¹ (фото 4). К сожалению, это сочинение не было окончено. Этой же теме среднеазиатских монет ученый уделяет внимание и в рукописи нумизматической статьи в форме письма В.В. Григорьеву, в которой П.И. Лерх рассуждает о судьбах древних монет и других древних находок².

Если полистать раздел «Другие материалы по Средней Азии» личного фонда П.И. Лерха в архивных материалах, можно констатировать тот факт, что П.И. Лерх не только описывал свои научные наблюдения, чем оставил бесценное наследие последующим после него научным исследователям, но и собрал и сохранил богатый материал, посвященный истории Средней Азии в целом. В частности, в вышеупомянутом разделе фонда находится копия с рукописи Наршахи «История Бухары», состоящая из 90 листов³; «Среднеазиатский сборник. I. Киргизы и их степи. Хива, Бухара, Кокан (История, география, этнография)», а также вырезки из газет и журналов, карты, отдельные оттиски статей различных авторов из различных периодических изданий, печатные тексты⁴ и др.

В 1873 году Русское Географическое общество в целях тщательного изучения Хивинского оазиса поручило П.И. Лерху составить подробную инструкцию (вопросник) для сбора материалов, что и было выполнено ученым с большим профессионализмом. В инструкции уделялось особое внимание вопросам розыска (сбора), описания и сохранения письменных, археологических, нумизматических, эпиграфических и этнографических памятников, в результате чего появились сводные историко-географические очерки Хивы и Хорезма (1873).

Вклад ученого-востоковеда П.И. Лерха в развитие исторической науки и востоковедения в общем, а также историю изучения Центральной Азии, в частности, Узбекистана, не оценим и, как предвещали его коллеги-ученые, «имя его всегда будет упоминаться с искренней признательностью»⁵ его потомками.

* *Чичероне* - в прежние времена ученый, умевший объяснять всевозможные древности и редкости // Источник: Чудинов А.Н., «Словарь иностранных слов, вошедших в состав русского языка». 1910

¹ Лерх П.И. Монеты бухар-худатов. // Труды Восточного отделения Русского Археологического общества. Т. XVIII, СПб., 1876.

² Архив ИВР РАН, Ф.36. оп.1, ед.хр.11, 23 л.

³ Там же, ед.хр.14.

⁴ Там же, ед.хр.12, 62 л.

⁵ Гаркави А.Я. Памяти П. И. Лерха. // Записки Императорского русского археологического общества. Т. I. Новая серия. СПб., 1886, с. CVII.





Фото 1. Из письма русского историка-востоковеда В.В. Григорьева П.И. Лерху. Из фондов научного архива Института русской литературы (Пушкинский дом) РАН

Фото 2. Поручение Академии наук обследовать развалины Джанкента. НА ИИМК, Ф.1,1867, ед.хр. 278, лл.4-6.




Фото 3. Список восточных рукописей. Архив ИВР РАН. Ф.36, оп.1, ед.хр.10, 16 л.
 Фото 4. Лерх П.И. Монеты бухар-худатов. / Труды Восточного отделения Русского Археологического общества Т. XVIII, СПб., 1876.



ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР // МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ // INTERNATIONAL RELATIONS

ИДИРОВ УЛУҒБЕК

сиёсий фанлар доктори, профессор, ТДШУ

Ўзбекистонда демократия ғоялари ва кадриятларини ривожлантиришнинг замонавий стратегик йўналишлари

Аннотация. Мазкур илмий мақолада халқаро глобаллашувнинг интенсификацияси ортиши ва ушбу ҳолатнинг демократик тараққиётга таъсири, замонавий демократиянинг концептуал асосларини такомиллаштириши заруриятининг вужудга келаятганлиги, демократик тараққиётда давлат институтининг роли янада ортиб бораётганлиги, демократик ислохотларнинг самарадорлиги бевосита давлат ва унинг институтларининг демократияни самарали моделларини ривожлантириши борасидаги салоҳиятига боғлиқ эканлиги тўғрисидаги таҳлилий фикрлар баён қилинган.

Мақолада асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида илгари сурилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириши, демократия институтларининг самарадорлигини ошириши борасидаги ғоялар, концептуал хулосаларнинг улкан аҳамияти масаласига қаратилган.

Жумладан, Президент Мурожаатномасида таъкидланган 2019 йилнинг декабрь ойида “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори остида бўлиб ўтган сайловлар натижасида мамлакатимизда демократик ислохотларни юқори босқичга олиб чиқиши учун зарур бўлган янги сиёсий имкониятларнинг вужудга келганлиги, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириши жамиятимиз учун яқкаю-ягона тўғри йўл эканлиги ҳар томонлама асосланганлиги, шу боис ҳам эндиликда демократия институтларини жамиятимиз миқёсида кўпайтириши, демократик тараққиёт учун ўта муҳим бўлган ҳар томонлама мукамал ва самарали бошқарув тизимини яратиши билан боғлиқ масалалар ўрганилди.

Хусусан, Давлатимиз раҳбари томонидан жамиятимиз сиёсий тизими ва уни амал қилинишини янада такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги концептуал хулосалар тўғрисида мақолада таҳлилий фикрлар баён қилинди: жойларда ижро ва вакиллик органларининг давлат бошқарувидаги роли ва масъулиятини янада оширишининг зарурлиги; вилоят ва туман ҳокимлари ўз дастурлари ва уларнинг ижроси тўғрисида вилоят кенгашларида ҳисобот берадиган тизимнинг жорий қилиниши; ижтимоий шерикликни янада кенгайтириши; жамоатчилик назоратини янада кучайтириши; давлат ва жамият ўртасида ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатиши мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик Палатаси ташкил этиши; жамиятимиз ҳаётининг энг долзарб эҳтиёжларидан келиб чиқиб кучли демократия институтларини шакллантириши билан боғлиқ жараёнларни ривожлантириши.

Илмий мақолада мазкур жараёнларнинг амалга оширилишининг натижасида юртимизда амалга оширилаятган демократик ислохотларнинг самарадорлиги ниҳоятда



ортишии ва бунинг натижасида мамлакатимиз сиёсий-иқтисодий тараққиётининг демократик асослари янада муштаҳкамланиши тўғрисидаги хулосалар баён қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: Давлат, Парламент, Президент Мурोजаатномаси, глобаллашув, демократия, демократия институтлари, самарали демократия, давлат бошқаруви, давлат институтлари, жамоатчилик палатаси.

Аннотация. В данной научной статье изложены аналитические взгляды, связанные с проблемами интенсификации мировой глобализации и влияния такого положения на процессы демократизации, возникновения необходимости совершенствования концептуальных основ современной демократии, возрастания роли института государства в развитии демократии, показана что эффективность демократических реформ в обществе во многом зависит от состоятельности государства и его институтов по формированию современных и более эффективных моделей демократии.

В статье основное внимание уделено новым и весьма значительным концептуальным идеям и выводам по дальнейшему развитию и углублению демократических реформ, совершенствованию институтов демократии в нашей стране, которые были выдвинуты в послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису.

В этой связи, в статье рассмотрены следующие важные существенные основы новых идей по развитию демократии, которые всесторонне и глубоко обоснованы в Послании Президента. По итогам прошедшей в декабре 2019 года под девизом «Новый Узбекистан - новые выборы» избирательной кампании в нашей стране сформировались новые политические условия для поднятия демократических реформ на более высокий уровень, дальнейшего углубления демократических реформ, который является единственно правильным для нас путем. В этой связи, в статье особое внимание уделено вопросам повышения институционального потенциала и формированию новых современных институтов демократии в масштабе нашего общества, созданию эффективной системы управления.

В частности, в статье рассмотрены важные концептуальные выводы изложенные в Послании Руководителя нашего государства, такие как дальнейшее совершенствование деятельности политической системы нашего общества, в том числе дальнейшее усиление роли и ответственности органов исполнительной и представительной власти на местах в государственном управлении, внедрение системы отчетности хокимов районов по исполнению своих программ перед областными Кенгашиами, расширение социального партнерства, развитие общественного контроля в целях более тесного взаимодействия между государством и обществом, создать Общественную Палату Республики Узбекистан, исходя из самых актуальных потребностей жизни нашего общества, развивать деятельность социальных институтов демократии.

В этой статье также по итогам анализа сделаны выводы о том, что в результате реализации актуальных задач, вытекающих из концептуальных выводов Послания Президента, в нашей стране многократно возрастет эффективность демократических реформ, в результате которых ещё сильнее укрепляются демократические основы политического и социального развития нашего общества.

Опорные слова и выражения: государство, парламент, Послание Президента, глобализация, демократия, институты демократии, эффективная демократия, государственное управление, институты государства, общественная палата.

Abstract. This scientific article sets out analytical views on the intensification of international globalization and the impact of such a situation on the processes of democratic





development, the need to improve the conceptual foundations of modern democracy, and the growing role of the state institution in the development of democracy, and that the effectiveness of democratic reforms largely depends on the viability of the state and its institutions for the development of more effective models of democracy.

The article focuses on new and very significant conceptual ideas and conclusions on the further development and deepening of democratic reforms, improvement of democratic institutions in our country, which were put forward in the message of the President of the Republic of Uzbekistan to the Oliy Majlis.

In particular, the article considers new ideas for the development of democracy, which are comprehensively and deeply substantiated in the Presidential Address. According to the results of the election campaign in our country in December 2019 under the motto "New Uzbekistan - New Elections", new political conditions were formed for the implementation of democratic reforms at a higher level, and the further deepening of democratic reforms remains the only way for us. In this regard, the article pays special attention to the issues of increasing institutional capacity and the formation of new modern democratic institutions on the scale of our society, created an effective management system.

The article also presented analytical views on the following conceptual conclusions of the head of our state on the political system of our society and the further improvement of its functioning: further strengthening the role and responsibility in the public administration of local executive and representative authorities; introduction of a system of reporting of khokims of districts on the execution of their programs to regional Kengashes; expanding social partnerships; development of public control; creation of the Public Chamber of the Republic of Uzbekistan in order to closer interaction between the state and society; the formation of strong institutions of democracy based on the most urgent needs of our society.

The scientific article concludes that because of these processes, the effectiveness of democratic reforms in our country will increase significantly, and as a result, the democratic foundations of the political and social development of our country will be further strengthened.

Keywords and expressions: state, parliament, Presidential Address, globalization, democracy, democratic institutions, effective democracy, public administration, state institutions, public chamber.

Маълумки, демократия билан сиёсий тараққиёт ўртасида бевосита ва ажралмас боғлиқлик мавжуд. Шу жиҳатдан келиб чиқилганда, замонавий ривожланишнинг фундаментал асоси бўлган демократияни дунё миқёсида ва айрим олинган мамлакатлар миқёсида тараққиёт учун том маънодаги янги кўламда сафарбар қилиш зарурати тобора ортиб бораётган даврда яшамокдамиз, деб хулоса чиқариш учун барча асослар бор.

Айни пайтда замон эҳтиёжларидан келиб чиқиб демократия ғоялари ва кадрларини чуқур қарор топтириш ва шу орқали унинг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи янги ва замонавий демократия институтларини шакллантириб бориш ҳам сиёсий тараққиёт изчиллигини таъминлашнинг энг етакчи шarti сифатида намоён бўлмоқда.

Зеро, демократия ҳодисасининг концептуал базасини янада бойитиш ва шу орқали унинг энг янги давр эҳтиёжларига монанд бўлган ҳамда қутилган натижаларни рўёбга чиқара олиш лаёқатига эга бўлган моделларини асослаш ва реал амалга ошириш бугунги кунда ўта долзарб аҳамият касб этмоқда.



Шу боис ҳам демократик жараёнларни амалга ошириш даражаси ва энг муҳими сифатига қараб, ҳар бир давлатда рўй бераётган сиёсий тараққиёт моҳиятига баҳо бериш мумкин бўлади. Ёки бўлмаса, ҳар бир мамлакатнинг давлатчиликни амалга ошириш тажрибаси ва стратегик тараққиёт йўналишларида унга мос равишдаги демократия моделларини яратиш мўлжаллари ва мақсадларининг қўйилиши ва рўёбга чиқариш учун ҳаракатларида, шу жамият учун самарали бўлган демократия асослари шакллантирилади.

Демак, демократик ривожланиш ва ХХІ асрнинг бошларига келиб демократияга нисбатан замон қўяётган талабларнинг тўла-тўқис бажарилиши ҳар бир жамиятнинг ўзига хос муносабатлари, ёндашувларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Боз устига ХХ аср давомида шаклланган, анъанавий демократия моделларининг ХХІ аср талаблари ва эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бера олмай қолиши натижасида, дунёнинг турли ҳудудларида шунингдек, Европада ҳам олимлар томонидан демократиянинг қандайдир инқирози ҳақидаги хулосалар билдириб турилган бир пайтда, асосий фикр демократиянинг “лаёқатининг сусайганлиги”, умрини ўтаб бўлганлиги ҳақида эмас, аксинча демократиянинг давр билан ҳамнафас бўлган, янги институционал имкониятлари, назарий асосларини изчил ва кенг қамровли рўёбга чиқариш устида бормоғи лозим бўлмоқда. Зеро, демократияни инсоният тараққиёти учун улкан манба бўлган океанга ўхшатсак, шу кунгача жамиятлар, ҳалқалар томонидан унинг айрим томчиларигина ишлатилди холос десак, асло муболаға бўлмайди.

Демак, айрим олинган мамлакатлар доирасида ХХІ аср муддаосидан келиб чиқувчи янги демократик транзитни амалга ошириш ва жадаллаштириш умргузаронлик қилаётган давримизнинг энг етакчи вазифасига айланди.

Юртимизда мустақил демократик тараққиётнинг янги босқичини ўзида тўлиқ ифодалаётган “миллий тикланишдан миллий юксалишга ўтиш” даврида, янги Ўзбекистоннинг келажагини демократик асослар билан мустаҳкамлаш ва унинг концептуал асосларини ривожлантириш заминида, тараққиётга элтувчи стратегик Давлат Дастурлари амалга оширилмоқда.

Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда юртимизда бевосита Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан қабул қилинган ва амалга оширилаётган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” заминида, замонавий демократик тараққиётни амалга оширишнинг концептуал, институционал асослари ва принциплари мамлакатимиз сиёсий тараққиётининг энг долзарб талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантирилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Бир ҳақиқат ҳаммамизга аён бўлиши керак: барча соҳаларда амалга ошираётган ислохотларимиз қатори жамияти-



мизда очиклик ва ошкоралик, ўзини ўзи танқид ва демократик янгиланиш жараёнлари энди ҳеч қачон ортга қайтмайди ва биз бу йўлни қатъий давом эттирамиз”¹.

Бу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда 2019 йилнинг 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий кенгашларга шунингдек, 2020 йилнинг январь ойида Олий мажлис Сенатига бўлиб ўтган сайловлар, юртимиз сиёсий тараққиётининг имкониятларини янада мустаҳкамланиши, замонавий демократик манбалар билан бойитилишида ўта муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мазкур сайловлар жамиятимиз тараққиётининг янги сифат босқичи ва шунингдек, янги ҳуқуқий асослар, нормалар шароитида ўтказилди. 2019 йилнинг 25 июнида тасдиқланган сайлов кодекси ва унда ўз ифодасини топган демократик сайловларни ривожлантириш ва такомиллаштиришга хизмат қилувчи ҳуқуқий нормалар, мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловларнинг энг замонавий мезонлар асосида очиклик ва транспарентлик, қонун устуворлиги, ҳалол рақобат каби демократик тамойилларга таянилган ҳолда ўтказилишида ҳал қилувчи ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилди.

Зеро, сайлов кодексига энг замонавий демократик тамойиллардан келиб чиқувчи 30 га яқин янги ҳуқуқий нормалар киритилди.

Кодекс мамлакатимизда амалга оширилаётган сифат жиҳатдан юқори даражадаги ислоҳотларга монанд равишда янги демократик сайловларнинг мукамал манбаи вазифасини ўтади.

Жумладан, мазкур Кодекснинг 1-моддасида қуйидаги муҳим қоидалар ва принциплар белгилаб қўйилгандир. “Ушбу Кодекс Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хоҳиш-иродаси эркин билдиришини таъминловчи қафолатларни белгилайди”².

Мазкур замонавий ҳуқуқий асослар заминида юртимизда бўлиб ўтган сайловлар демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш учун зарур бўлган потенциал имкониятларнинг янада ёрқинроқ очилиши учун шароитларни яратиб берди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Яқинда янги Ўзбекистон –янги сайловлар” шиори остида бўлиб ўтган сайловлар натижасида республикаимизда демократик ислоҳотларни юқори босқичга олиб чиқиш учун зарур бўлган янги сиёсий муҳит вужудга келди.

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриги//Халқ сўзи, 2020 йил 9 декабрь.

² Ўзбекистон Республикасининг сайлов Кодекси. - Т.: Адолат, 2019. 10-б.



Сайловлар очик-ойдин, халқаро стандартлар асосида ўтказилишини назорат қилиш учун 50 га яқин давлатдан ҳамда 10 та халқаро ташкилотдан 825 нафар кузатувчи иштирок этди. Биринчи марта Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг 316 кишилиқ тўлақонли миссияси билан яқин ҳамкорлик қилдик”¹.

Шу муносабат билан алоҳида эътироф қилиш лозимки, Давлатимиз Раҳбарининг 2020 йилнинг 24 январида Олий Мажлисга тақдим этилган Мурожаатномасида мамлакатимизда бугунги кунга келиб эришилган ижобий натижалар ва яратилган янги сиёсий муҳит шароитида демократик ислохотларни ривожлантиришининг замонавий принциплари белгилаб берилди.

Зеро, замонавий демократик тараққиёт изчиллигини таъминланиши учун ҳозирги кунда, дунё тажрибалари ҳам буни исботлаб турганидек, давлатчилик асосларини амал қилиши, шунингдек давлат ва жамият бошқарувида иштирок қиладиган институтлар ва уларнинг ҳаракат механизмларида демократия учун самара берувчи омиллар коэффциентининг юқори бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда.

Бу ўринда асосий фикр ХХI аср демократиясининг кўп жиҳатдан давлат институти томонидан илгари суриладиган замонавий сиёсий ғоялар ва улардан келадиган самаралар билан алоқадорлик даражасини ниҳоятда ортиб кетганлиги устида бормоқда. Зеро, ҳозирги кунга келиб жаҳон олимлари ҳамжиҳатлик билан эътироф қилаётганларидек, мамлакатлар демократик тараққиётининг заминидида жамият сиёсий тизимини амал қилиш қоидаларида, сиёсий демократияни ривожлантириш эҳтиёжларидан келиб чиқувчи янги ғояларни изчил равишда асосланиб бориши ҳолати ётади.

Демократиянинг кўплаб йирик назариётчилари эътироф қилаётганларидек, бундай вазиятнинг етакчи сабаблари орасида демократиянинг жамият миқёсида консолидациялашувига хизмат қилувчи омилларнинг тоборо кўпайиб бораётганлиги ва айни пайтда демократияни моҳиятан бойитиш зарурати, каби ҳолатлар марказий ўринни эгалламоқда.

Айни пайтда ушбу факторлар бугунги кунда шундоқ ҳам мураккаб бўлиб турган демократия ва демократлашув ҳодисасини янги давр нуктаи назаридан келиб чиқувчи асосий таркибий элементларини янада чуқурроқ аниқлаштириш вазифасини долзарб қилиб кўймоқда.

Агар демократия билан сиёсий тараққиёт ўртасидаги бевосита боғлиқлик ҳолатини тоборо кучайиб бораётганлигини эсга оладиган бўлсак, демократиянинг энг замонавий механизмларини тинимсиз ва изчиллик билан кашф

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, 19(7521)



килиб бориш вазифаларини нечоғлик даражада муҳимлашиб бораётганлигига янада чуқурроқ амин бўламиз.

Демак, XXI асрга келиб демократия жамиятлар тараққиётининг бош мезони ва мақсадига айланган бир пайтда, демократик ривожланишнинг самарали равишдаги изчиллигини таъминлашнинг энг ҳал қилувчи воситаси сифатида давлат ва унинг институтлари ва улар асосида сиёсий ҳокимиятни амалга оширишнинг демократик механизмларини кенгайтириш кабилар ўта муҳимлашди.

Шу билан бир қаторда демократия билан давлат ўртасидаги муносабатлар тизимида давлат омилининг сифат кўрсаткичларига бўлган талабларнинг тоборо ортиб бораётганлиги ҳолати XXI асрнинг энг етакчи трендига айланди. Зеро, бунёдкор давлат шароитида демократиянинг ривожланиши учун нафақат янги имкониятлар очилиб боради, балки самарали демократия моделларининг амал қилиши учун энг мақбул бўлган сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий шароитлар вужудга келтириб борилади.

Ушбу фикрлардан келиб чиқадиган муҳим хулоса шундан иборатки, замонавий демократия сиёсий тараққиётнинг асоси бўлган давлат ва унинг институтларининг демократиянинг жамиятда тоборо кенг қулоч ёйишини кўзловчи фаолияти замирида амалга оша олади. Айни пайтда давлат институтлари ва уларнинг бошқарув жаарёнидаги самарадорлиги демократиянинг янги қирраларини кашф қилиниб бориши билан кенгайиб боради. Сабаби демократия принциплари ва ғоялари сиёсий ҳокимиятни амалга ошириш жараёнларини инсон манфаатларини таъминлашнинг янги жиҳатлари асосида мунтазам такомиллаштирилишига етакчи асос ва манба бўлиб хизмат қилади.

Шу боис ҳам ҳозирги даврда давлатнинг салоҳиятини унинг демократияни ривожлантириш борасидаги фаолиятининг натижалари билан баҳолаш ғоялари устувор мавқега эга бўлиб бормоқда.

Жумладан, “Menaldo (2012), Mazzuca, Munck (2014), Carbone, Memoli (2015), Vanholzer (2017) каби ғарб олимлари, шунингдек, Мельвил, Петров (2016), Ефимов (2016) каби Россиялик олимлар томонидан давлатнинг салоҳияти билан демократия ўртасидаги алоқадорлик боғлиқлик”¹ ҳолати кучли даражада эътироф қилинмоқда.

Бу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, демократик салоҳияти юқори бўлган давлатлар сонини ортиб бориши айни бир пайтда халқаро муносабатларнинг демократлашувига ҳам кучли тарзда ижобий таъсир ўтказди ҳамда энг муҳими бундай “янгиланган давлатларнинг ҳамжамияти янги дунёвий тартиб принципларини ишлаб чиқилишига асос соладилар”².

¹ Ахременко А., Горельский И., Мельви А. Как и зачем измерять и сравнивать государственную состоятельность разных стран мира? // Полис. -2019. -№2. - С.10.

² Лапкин В. Государство во временах и пространствах: многообразие и изменчивость//Полис, 2020, №6. С.160.





Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаш жоизки, бизнинг мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг замонавий сифат босқичида, давлат бошқаруви тизимининг барча даражаларини изчил демократия принциплари заминида такомиллаштиришга етакчи эътибор қаратилмоқда. Бунда, давлат бошқарувида иштирок қилувчи барча институтларининг фаолият тартиби, ваколатлари, жамиятимизда демократия меъёрларини ривожлантириб бориш эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгиланаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Мазкур ёндашув ўз навбатида, давлат институтларининг демократик бошқарув борасидаги имкониятларини кенгайтириш билан бир қаторда бошқарув тизимининг имкониятларини кучли ижтимоий асослар билан мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йилнинг 24 январида мамлакат Парламентиغا тақдим этилган Мурожаатномасида юртимизда давлат бошқарувини янада демократлаштириш, айти пайтда давлат институтларининг демократик салоҳиятини юксалтиришнинг ўта долзарб асослари кўрсатиб берилди.

Давлатимиз раҳбари хулоса қилганидек: “Ҳар томонлама мукамал ва самарали бошқарув тизимини яратиш олдимизда турган улкан вазифаларни бажаришнинг асосий шартидир.

Шу билан бирга, қуйидаги долзарб масалаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Биринчидан, жойларда ижро ва вакиллик органларининг давлат бошқарувидаги роли ва масъулиятини янада ошириш зарур.

Ҳокимлар охириги 3 йилда уларга берилган кенг ваколатлардан қанчалик самарали фойдаланаётганини, вазирлик ва идораларнинг ҳудудий тузилмалари фаолияти натижадорлигини назорат қилиш бўйича янги тизим яратиш шарт.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нима учун Бош вазирдан бошлаб барча ҳукумат аъзолари, вилоят ҳокимлари парламентга ҳисобот беради-ю, вилоят ва туманлардаги раҳбарлар ўз фаолияти ҳақида маҳаллий кенгашларга ҳисобот бермаслиги керак? Шунинг учун вилоят ва туман ҳокимлари ўз дастурлари ва уларнинг ижроси тўғрисида вилоят кенгашларида ҳисобот берадиган тизим жорий қилинади... Ишнинг самарасини ошириш мақсадида маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида Кенгаш сўрови институтини жорий этишни таклиф қиламан.

Иккинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратиб, ўзларининг асосланган таклифларини бериб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади”¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи”, 25 январь 2020 йил 19 (7521)



Алоҳида таъкидлаш жоизки, айнан ушбу жараёнда демократик бошқарувнинг институционал асослари демократия мезонларига монанд равишда амал қилади. Шу муносабат билан Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида давлат институтларининг демократия ғояларини жамият ҳаётидан чуқур ўрин эгаллашини таъминлашга йўналтирилган фаолиятини кучайтиришга хизмат қилувчи янги демократия институтларини ташкил қилиш бўйича муҳим янги таклиф илгари сурилди.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Жамоатчилик назоратини янада кучайтириш”, давлат ва жамият ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жамоатчилик палатасини ташкил этишни таклиф қиламан.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларини бажаришда парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бу масала бўйича мунтазам равишда парламент ва жамоатчили эшитувларини ташкил этиш лозим”¹.

Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаш жоизки, 2020 йилнинг 16 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5980-сонли Фармони қабул қилинди.

Мазкур фармон мамлакатимизда замонавий сиёсий тараққиётга хизмат қилувчи институтларнинг самарадорлигини кучли демократия институтлари билан янада мустаҳкамланишида улкан аҳамиятга эга бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур фармонига кўра жумладан “Қуйидагилар жамоатчилик палатаси фаолиятининг асосий йўналишлари этиб белгиланди:

Давлат, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришига қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий шаклдаги тизимли ҳамда самарали мулоқотни йўлга қўйиш ҳамда уларнинг ижтимоий манфаатлари келишишлигини таъминлаш;

Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокини фаоллаштиришига ҳамда давлат хусусий шерикликнинг замонавий механизмларини жорий этишига кўмаклашиши...”²

Мамлакатимизда Жамоатчилик палатаси фаолиятини жорий этилиши билан эндиликда юртимиз институционал салоҳиятини такомиллашуви ва демократия манфаатларидан келиб чиқиб юксалиши учун кучли имкониятлар яратилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи”, 2020 йил 25 январь 19 (7521)

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони // “Халқ сўзи”, 2020 йил 17 апрель



Давлат бошқаруви тизимидаги демократик қоидалар миқдорини кўпайиши айна пайтда жамиятимиз сиёсий тизимининг замонавий сиёсий тараққиётни таъминлаш борасидаги барча асосларини мустаҳкамланишига замин бўлиб хизмат қилади.

Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаш жоизки, Давлатимиз раҳбарининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони билан тасдиқланган 2020 йил Дастурида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар белгилаб берилди. Жумладан, “2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятида “Электрон Парламент” тизими жорий этилади.

Йил якунига кўра Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилинган ҳар бир қонун халқ томонидан қандай баҳолангани ва унинг самарадорлик даражаси мониторинг қилинади. 2020 йил 1 июлдан бошлаб Қонунчилик палатаси мажлисларида давлат органлари ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қатор масалалар юзасидан ахборотларини мунтазам равишда эшитиш тартиби татбиқ қилинди. 2020 йил 1 августидан бошлаб Сенатда Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги элчилари ҳисоботини эшитиш, шунингдек, Сенат Кенгаши ва Қўмиталарининг сайёр мажлисларини ўтказиш тизими йўлга қўйилади.

2020 йил 1 июнга қадар “Mening fikrim” веб-порталининг мобиль иловаси ишга туширилади”¹.

Демак, мамлакатимизда давлат институти фаолиятининг самарадорлиги демократия механизмларини кенг қамровли равишда жорий қилиниши билан изчил равишда ортиб бормоқда.

Айна пайтда бунинг натижасида юртимизда демократиянинг энг самарали, янги асосларини жорий қилиниши учун потенциал имкониятлар кўлами кенгайтирилмоқда. Ушбу ёндашув дунё олимлари, сиёсатчилари ҳам эътироф қилаётганларидек, замонавий сиёсий тараққиётнинг энг мақбул ва тўғри йўлидир.

Шу муносабат билан алоҳида таъкидлаш жоизки давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан 2020 йилнинг 29 декабрида Олий Мажлисга тақдим этилган Мурожаатномасида мамлакатимизда бугунги кунга келиб эришилган улкан ижобий натижалар ва яратилган замонавий сиёсий муҳит шароитида демократик ислохотларни янада ривожлантиришнинг муҳим концептуал ва институтчионал асослари ҳамда принциплари белгилаб берилди.

¹ Қаранг: “Халқ сўзи”, 2020 йил 6 март, 48(75-50)





Мамлакатимиз Президентининг Мурожаатномасида таъкидланганидек, “Ҳаёт олдимизга яна қанча синов ва муаммоларни кўйиши мумкин ва биз ҳар қандай ҳолатга тайёр туришимиз зарур.

Лекин, қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, демократик ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Олдинга, фақат олдинга қараб борамиз ва биз бунга ҳар томонлама қодирмиз.

Чунки бугунги ҳалқимиз кечаги ҳалқ эмас. Бугунги Ўзбекистон ҳам кечаги Ўзбекистон эмас.

Эл-юртимиз ҳозирги оғир шароитда барча синов ва қийинчиликлардан янада кучли ва иродали бўлиб чиқмоқда. Ўзининг ҳаёти ва тақдири, келажаги Ватанимизнинг тақдири ва келажаги билан чамбарчас боғлиқ эканини чуқур ҳис этмоқда¹.

Давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз Олий Мажлисига тақдим этилган Мурожаатноманинг концептуал асосларида Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва айни пайтда бугунги кунда юртимиз тараққиётининг ажралмас қисмига айланган учинчи ренессансининг пойдеворини яратиш билан боғлиқ муҳим ғоялар асосланди. Давлатимиз Раҳбарининг ғояларида жумладан давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги демократик ислохотларни жадал ривожлантириш, мамлакатимиз сиёсий тараққиётини жамиятимизнинг энг долзарб эҳтиёжларидан келиб чиқиб амалга оширилишини таъминлаш, бунда самарали бошқарув тизимини яратиш жараёнларини демократия принциплари билан янада такомиллаштириш билан боғлиқ энг янги ҳулосалар ва тавсиялар асосланди.

Зеро, замонавий демократик сиёсий тараққиёт изчиллигининг таъминлаши учун дунё тажрибалари ҳам буни исботлаб тургандек, давлатчилик асосларини амал қилиши, шунингдек, давлат ва жамият бошқарувида иштирок қиладиган институтлар ва уларнинг ҳаракат механизмларида сиёсий тараққиёт учун самара берувчи омиллар салмоғини муттасил равишда оширилиб борилиши ҳал қилувчи аҳамият касб қилиб бормоқда.

Президент Мурожаатномасида мамлакатимиз сиёсий тизимини жамиятимизни ривожлантиришнинг бугунги кундаги энг долзарб эҳтиёжларидан келиб чиқан ҳолда такомиллаштиришга доир том маънодаги янги ғоялар баён қилинди.

Давлатимиз Раҳбари таъкидлаганидек: “Ислохотларимиз ҳалқимизнинг кундалик ҳаётида ўз ифодасини топиши, кутган натижаларимизга эришиш кўп жиҳатдан давлат бошқарувидаги самарадорликка бевосита боғлиқ. Шу мақсадда келгуси йилда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим.

Биринчидан, давлат бошқаруви идоралари фаолиятини тубдан такомиллаштириш талаб қилинади. Кўпгина вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш ҳаддан ташқари марказлашган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи, 2020 йил, 30 декабрь



Уларнинг вазифалари аниқ ва тўлиқ белгиланмаганлиги сабабли фаолиятларида бир-бирини такрорлаш ҳолатлари мавжуд. Сабаби, вазир ўринбосарлари, ўрта бўғин раҳбарлари масалани ҳал қилиш, жавобгарликни ўзига олиш, ташаббус кўрсатишда етарли билим ва малакага эга эмас. Иккинчидан, бошқарув идораларининг ҳудудий масалаларини ҳал қилишдаги маъсулияти ва жавобгарлиги кўчайтирилади.

Келгуси йил бошидан ҳар бир вазирлик ўз ишини туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштиради ва ташкил этади.

Вазирлар ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятига туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳаллада амалда қандай ўзгариш бўлганига қараб баҳо берилади”¹.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар мазмун моҳиятига киритиладиган ушбу янгиликлар мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимини энг самарали ва ноёб қоидалар ва институционал имкониятлар билан янада бойитишдек улғувор стратегик мақсадларни кафолатли равишда амалга оширилишини назарда тутди. Ушбу жараёнларни ҳаётга тадбиқ қилиниши билан мамлакатимизда давлат ва жамият ўртасидаги демократик мулоқот ҳамда ижтимоий шериклик учун беқиёс катта кўламдаги шарт ва шароитлар вужудга келади.

Зеро, давримизнинг шиддатли талабларига муносиб жавоб бериб, изчил ва барқарор ривожланиш учун давлатчиликни амалга ошириш асослари ва механизмлари доимий равишда янгиланиб бориш зарур. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, Президентимиз Мурожаатномасида илгари сурилган ғояларда давлат институтларининг демократик салоҳиятини юксалтиришнинг ўта долзарб вазифалари ва уларни рўёбга чиқаришнинг ҳар томонлама мукамал йўллари кўрсатиб берилди. Бунда жумладан асосий эътибор Марказий давлат бошқаруви органлари билан маҳаллий ижро ва вакиллик органлари ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ва боғлиқликни принципиал жиҳатдан янги сифат даражасига олиб чиқиш орқали демократик бошқарувнинг ниҳоятда самарали асосларини шакллантириш масалаларига қаратилмоқда.

Давлатимиз Раҳбари хулоса қилганидек: “Маҳаллий ижро органлари, вакиллик идоралари ҳамда маҳалланинг институционал асосларини янада такомиллаштириш лозим. Маҳаллий ҳокимлик ва кенгашлар бундан 27 йил аввал, яъни ҳокимлик институти жорий этилган дастлабки пайтда қабул қилинган Қонун асосида ишламоқда. Бу ҳужжат бугунги ислохотларимиз талабларига мутлақо жавоб бермаслигини ҳисобга олиб, уни тубдан янгилаш зарур. Ислохотларимиз натижалари бўлаётган ўзгаришлар ва аҳолининг кайфияти аввало маҳаллада сезилади. Шу маънода “маҳалла-ёруғ юзимиз ва виждонимиз кўзгуси”, десак тўғри бўлади”².

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи, 2020 йил, 30 декабрь

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи, 2020 йил, 30 декабрь



Мамлакатимиз Презеденти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга тақдим этилган янги Муружаатномаси жамиятимизни миллий юксалтириш учун ўта долзарб ва муҳим бўлган стратегик вазифалар, халқимиз эркинлиги ва фаровонлигини янада юксалтиришнинг ниҳоятда оқилона ва моҳиятан ҳар томонлама инновацион бўлган сиёсий-ижтимоий жараёнларни амалга оширишнинг энг етакчи асоси бўлиб хизмат қилади.

АБДУЛЛАЕВ НОДИР

кандидат политических наук, доцент, ТГУВ

Основные тенденции в политической трансформации Сирии

Аннотация. В статье рассматриваются основные тенденции в политической трансформации Сирии, а также направлении внутренней и внешней политики Сирии с учетом изменений в регионе. Анализируется эволюция и трансформация сирийского общества, своеобразие политического правления. Отмечается демонстрация Дамаском своей позиции относительно построения демократического общества в стране. В статье проведен анализ внешних факторов, которые оказывали и оказывают воздействие на эволюцию ближневосточной политики САР. Представлены оценка результатов политики руководства Сирии относительно выстраивание отношений со странами Ближнего Востока. Анализируется ряд факторов, влияющих на эволюцию внешней политики Сирии в новой геополитической ситуации в регионе. Рассматривается внешнеполитическая деятельность Сирии с учетом внешних влияний и контактов, воздействие которых, сказалось на политической жизни страны. Рассматривается роль армии в современном сирийском обществе, формах ее взаимоотношений с гражданскими органами государства и способах влияния на внутреннюю и внешнюю политику официального Дамаска. Раскрывается трансформация сирийского общества, своеобразие политического правления, централизация власти в процессе выработки политических решений. Раскрыты инициативы президента Б.Асада относительно либерализации и модернизации сирийского общества. В статье также подробно раскрывается основные события, которые стали катализаторами в цепи политической трансформации Ближнего Востока и в политическом транзите власти в ведущих арабских государствах, в частности, приход к власти во второй половине 1990-х - начале 2000-х годов молодых арабских лидеров.

Опорные слова и выражения: Сирия, внутренняя политика, политические процессы, формирование политики, трансформация, эволюция, реформы, «арабская весна», Ближний Восток, региональная политика, конфликт, сирийский кризис.

Аннотация. Мақолада Суриянинг XX аср охири – XXI аср бошларидаги сиёсий трансформациясининг асосий тенденциялари, шунингдек, Суриянинг Яқин Шарқ минтақасидаги ўзгаришлар шароитидаги ички ва ташқи сиёсатининг хусусиятлари кўриб чиқилган. Сурияда жамият эволюцияси ва ўзгариши, сиёсий бошқарувнинг ўзига хослиги таҳлил қилиниб, расмий Дамашқнинг мамлакатда демократик жамият қуриши борасидаги мавқеининг шаклланиши кўрсатиб берилган. Бундан ташқари, Суриянинг Яқин Шарқ



сиёсати эволюциясига таъсир кўрсатган айрим таиқи омилар таҳлил қилиниб, мамлакат раҳбариятининг Яқин Шарқ мамлакатлари билан муносабатларни ўрнатиши борасидаги сиёсатининг натижаларига баҳо берилган. Минтақадаги янги геосиёсий вазиятда Суриянинг таиқи сиёсати эволюциясига таъсир қилувчи бир қатор омилар кўриб чиқилган. Шунингдек, замонавий Сурия жамиятида ҳарбийларнинг ўрни, уларнинг мамлакатдаги фуқаролик ҳокимияти органлари билан муносабатлари, расмий Дамашқнинг ички ва таиқи сиёсатига таъсир ўтказиши усуллари кўрсатилган. Бундан таиқари, Сурия жамиятининг ўзгариши, сиёсий боиқарувнинг ўзига хослиги, сиёсий қарорларни қабул қилиши жараёнида ҳокимиятнинг марказлаштирилиши шарт-шароитлари таҳлил қилинган. Президент Б.Асаднинг Сурия жамиятини либераллаштириши ва модернизация қилиши бўйича таиқаббуслари таҳлил қилиниб, унинг ижобий ва салбий томонларига баҳо берилган. XXI асрдан бошлаб Яқин Шарқ давлатларида кузатилган сиёсий трансформациялар заңжирида ва етакчи араб давлатларида ҳокимиятнинг сиёсий ўзгаришида катализаторга айланган асосий воқеалар, хусусан, 1990 йилларнинг иккинчи ярми ҳамда 2000 йилларнинг боишида ёи араб раҳбарлари ҳокимият тепасига келиши шарт-шароитлари ўрганилган.

Таянч сўз ва иборалар: Сурия, ички сиёсат, сиёсий жараёнлар, сиёсатни шакллантириши, трансформация, таиқи сиёсат, ислоҳотлар, "араб баҳори", Яқин Шарқ, минтақавий сиёсат, можаро, Сурия инқирози.

Abstract. The article examines the main trends in the political transformation of Syria in the late XX - early XXI century, as well as the domestic and foreign policy of Syria, taking into account the changes in the region. The evolution and transformation of the Syrian society, the originality of political rule are analyzed. The demonstration by Damascus of its position regarding the building of a democratic society in the country is noted. The article analyzes the external factors that have influenced the evolution of the Middle East policy of the SAR. An assessment of the results of the policy of the Syrian leadership regarding building relations with the countries of the Middle East is presented. A number of factors influencing the evolution of Syrian foreign policy in the new geopolitical situation in the region are analyzed. The foreign policy activity of Syria is considered, taking into account external influences and contacts, the impact of which affected the political life of the country. The role of the army in modern Syrian society, the forms of its relationship with the civilian authorities of the state and the ways of influencing the internal and foreign policy of official Damascus are considered. The transformation of Syrian society, the originality of political rule, the centralization of power in the process of developing political decisions are revealed. Disclosed are the initiatives of President B. Assad regarding the liberalization and modernization of the Syrian society. The article also reveals in detail the main events that became catalysts in the chain of political transformation in the Middle East and in the political transition of power in the leading Arab states, in particular, the coming to power in the second half of the 1990s - early 2000s of young Arab leaders.

Keywords and expressions: Syria, domestic policy, political processes, political formation, transformation, reforms, "Arab Spring", Middle East, regional policy, conflict, Syrian crisis.

С конца XX века Ближний Восток переживает крупные трансформации военно-политического, информационного и культурно-идеологического характера, которые подготовили основу для нынешних событий в Сирии, продолжающихся с 2011 года. Подобные изменения не могли не повлиять на



характер внутренних процессов и внешней политики как на уровне отдельных ближневосточных государств, так и региона в целом.

К моменту начала арабских революций регион, который всегда отличался повышенной конфликтогенностью, подошел в состоянии близком к взрыву, который мог выразиться в совершенно различных формах, в том числе и в форме массовых народных движений, восстаний и революций, которые подспудно зрели в глубинной среде стран Ближнего Востока.

Одной из основных исторических причин и социально-политических предпосылок арабских революций, охвативших Ближний Восток с конца 2010 года и продолжающихся по настоящее время многих процессов, которые не могут получить своего завершения в Сирии, является достаточно свежий исторический контекст¹. Усиливавшаяся со второй половины 1990-х годов вовлеченность арабских стран в процессы глобализации и модернизации происходила на фоне ускорения в них процессов смены власти и активизировавшихся попыток изменить характер действующих политических систем. Вместе с тем ряд решений руководителей арабских стран в этом направлении отличались противоречивостью, случайностью и по многим параметрам оказывались несостоятельны.

В Сирии по мере укрепления власти бывшего президента Хафеза Асада правящая Партия арабского социалистического возрождения (ПАСВ) «Баас» на деле оказывалась лишена реальных директивных прерогатив. В значительной степени это объяснялось спецификой эволюции в 1990-е годы политической системы Сирии². В ряде случаев это привело к тому, что в отдельных странах региона процессы перемен явно застопорились. Так, президент Сирии Башар Асад и его команда реформаторов стали меньше говорить о планах экономической модернизации и политической либерализации в САР. Отход Б.Асада от данного им в 2001 г. обещания провести следующие выборы президента на альтернативной основе и фактическое переутверждение в июне 2007 года президента Сирии на новый 7-летний срок ясно обозначили настроение сирийской правящей элиты и средних слоев общества, которые предпочли стабильность любым переменам.

В то же время в Сирии наблюдался рост социального напряжения. Решение острых социальных вопросов было невозможно без структурных реформ экономики и определенной либерализации действующей политической системы. С другой стороны, сирийская политическая элита полагала, что внедрение рыночных стратегий развития и либерализация политической системы может потерпеть крах из-за порождаемого ими экономического и социального неравенства и привести к эскалации политической борьбы, подрыву экономики и государственному перевороту. В этой связи они

¹ Ахмедов В.М. «Современная Сирия. История. Политика. Экономика». -М., 2010г.

² Ахмедов В.М. Сирия на рубеже столетий. Власть и политика. -М., 2003, с. 56-57.

считали необходимым усиливать руководство со стороны государства как ходом реформ, так и процессом демократизации.

Пандемия балоси 2016 йил кузидан бошланган “ўзбек баҳори” ва минтақавий савдо-иқтисодий алоқалари тобора жонланиб динамик касб этаётган Марказий Осиё иқтисодиётига катта зарба бериб, ўзининг савдо-иқтисодий ва молиявий босимини ҳамон ўтказиб келмоқда. Хитой жаҳон иқтисодининг локомотиви сифатида Марказий Осиё давлатларининг асосий савдо шериги ҳисобланади. Расмий Пекиннинг жуда узоқни кўзлаган китъалараро стратегик “Бир макон, бир йўл” лойиҳасини амалга оширишда Марказий Осиё давлатлари, шу жумладан Ўзбекистон стратегик занжир мамлакатлардан ҳисобланади. Ушбу лойиҳа бўйича АҚШнинг “Рэнд” корпорациясининг таҳлилий докладида “Хитойнинг Марказий Осиё орқали Яқин Шарққа куруклик магистрал транспорти алоқалари Қўшма Штатларга адоватли муносабатда бўлган минтақавий режимлар ўртасида иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий ҳамкорликка хизмат қилиб қўйиши Вашингтон учун муаммоли бўлиб қолиши”² таъкидланган.

Коронавирус ҳолатлари минтақага дарча очиб аввал Қозоғистонга 2020 йилнинг 13 мартда³ кириб келиб, Ўзбекистонда 15 март, Қирғизистонда 18 март, сўнгра Тожикистонда 30 апрел⁴ куни илк бора қайд этилгани расман

¹ Bill Chapel. Please Don't Politicize This Virus, WHO Head Says After Trump Threatens Funding. NPR Apr 8, 2020. www.npr.org/sections/coronavirus-live-updates/2020/04/08/829944795/please-dont-politicize-this-virus-who-head-says-after-trump-threatens-funding

² Mark Burles. Chinese Policy Toward Russia and the Central Asian Republics. RAND Corporation Report MR-1045-AF. 1999. 95 p. Available at: www.rand.org/pubs/monograph_reports/MR1045.html

³ Махаббат Енсебаева. Коронавирус в Казахстане: хронология событий. День первый. ИнформБЮРО 13.03.2020 <https://informburo.kz/stati/koronavirus-v-kazahstane-hronologiya-sobytyy-den-pervyy.html>

⁴ В Таджикистане официально признали: коронавирус в стране есть! Asia-Plus 30.04.2020 www.asiaplustj.info/ru/news/tajikistan/security/20200430/v-tadzhikistane-ofitsialno-priznali-koronavirus-v-strane-est



маълум қилинди. ЖССТ аъзоларининг Туркманистонга июль ойидаги 10 кунлик сафари давомида¹ ковид мамлакатда қайд этилмаганлиги уларга яна бир бор тушунтирилди. Собиқ шўро иттифоқининг энг чекка қайноқ нуқтаси бўлмиш юртда ЖССТ COVID-19ни нафақат 11 март куни глобал пандемия,² балки 30 январда жамоатчилик саломатлиги соҳасида халқаро ҳамжамият хавотирлигини уйғотувчи фавқулдда ҳолат,³ деб эълон қилган куннинг эртасигаёқ Туркманистон чегарадош қўшни мамлакатлар билан ўз чегарасини ёпган эди.⁴

Хитой минтақанинг барча мамлакатларига коронавирус талафотларига қарши курашиш мақсадида ўз инсонпарварлик ёрдами, шу жумладан ихтисослашган тиббиёт вакиллари билан иборат мобил гуруҳларни йўллади. Ўз навбатида минтақа мамлакатлари ҳам Хитойга ўз ҳамдардлик ва дўстона муносабатлари рамзи сифатида гуманитар ёрдами жўнатди. Хитой Туркманистонда 1 млн. тиббий ниқобни сотиб олди. Марказий Осиёнинг уч мамлакати Хитой билан бевосита чегарадошдир, булар – Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон. Ушбу ва Хитой билан чегарадош бўлган бошқа давлатларда ковидга қарши курашишдаги назорат жиловлари абгор аҳволда экани, мамлакатнинг тиббиёти, аҳолиси, даромади билан боғлиқ статистика куйидаги жадвалда келтирилмоқда. [№1 жадвалга қаранг].

Хитойнинг ўзи эса 01.05.2021 ҳолатига кўра дунё бўйича ковид талафотлари статистикаси бўйича 95-ўринни эгаллаб, 90,655 кишига юқиб, ундан 4,636 киши нобуд бўлган. Халқаро матбуотда Хитойда 2020 й. январь-февраль ойларида тўсатдан 21 миллионга яқин мобил телефон рақамларининг ўчиб қолиши аслида ковид курбонлари шунча бўлган бўлиши мумкин деган мишмишлар ўз тасдиғини топмади.⁵

Бу борада тадқиқотчи Рафаэлло Пантуччи Марказий Осиё минтақасининг айрим давлатларининг аҳолиси орасида синофобия кайфиятлари кузатилаётганига⁶ аҳамият берди. Яқинда Вашингтонда таъсис этилган

¹ WHO Regional Office for Europe. WHO/Europe expert team reaches Turkmenistan to support the country's COVID-19 response. 07.07.2020 www.euro.who.int/en/countries/turkmenistan/news/news/2020/7/who-europe-expert-team-reaches-turkmenistan-to-support-the-countrys-covid-19-response

² WHO Director-General's opening remarks at the media briefing on COVID-19 - 11 March 2020. March 11, 2020. www.who.int/dg/speeches/detail/who-director-general-s-opening-remarks-at-the-media-briefing-on-covid-19---11-march-2020

³ World Health Organisation. Coronavirus disease (COVID-19) outbreak. WHO declared the outbreak a Public Health Emergency of International Concern (PHEIC) Undated www.who.int/westernpacific/emergencies/covid-19

⁴ Туркманистон закрыв границу с Узбекистаном. Turkmen.News. 31.01.2020. www.turkmen.news/news/turkmenistan-zakryl-granitsu-s-uzbekistanom

⁵ Arijeta Lajka. Drop in cellphone users in China wrongly attributed to coronavirus deaths. AP News. March 31, 2020 <https://apnews.com/article/8717250566>

⁶ Raffaello Pantucci. Beijing Binds: COVID-19 and the China-Central Asia Relationship. Central Asia Program. CAP Paper No. 232. p.2 www.centralasiaprogram.org/wp-content/uploads/2020/06/Beijing-Binds-COVID-19-and-the-China-Central-Asia-RelationshipCAP232.pdf



Марказий Осиё масалаларини ўрганиш Оксус жамияти бу масалага жиддий киришиб, 2018-2020 йиллар мобайнида Хитойга қарши Қирғизистонда 15 маротаба (жами 3178 киши), Қозоғистонда эса 28 маротаба (жами 1131) ғалаёнлар бўлиб ўтганини¹ эълон қилди. Айнан шу тадқиқотга кўра, 2020 йилда ковид масаласида Ўзбекистонда 7 маротаба (жами 205 киши), Қирғизистонда 17 (536 киши), Қозоғистонда эса 62 марта (2971 киши иштирокида) намойишлар содир бўлган.

Хитой билан чегарадош давлатларда COVID-19 расмий талафотлари миқёси

№	Давлат номи	Хитой билан умумий чегара	Зарарланиш (нафар киши)	Ўлим ҳолатлари	Аҳолиси	Аҳоли жон бошига ялпи миллий даромад \$
1.	Ҳиндистон	3380 км	19,157,094	211,835	1,391,234,758	2,130
2.	Россия	3645 км	4,805,288	110,128	145,986,418	11,260
3.	Покистон	523 км	820,823	17,811	224,429,976	1,530
4.	Непал	1440 км	323,187	3,279	29,569,281	1,090
5.	Қозоғистон	1533 км	319,818	3,668	18,962,471	8,810
6.	Мьянма	2185 км	142,817	3,209	54,712,043	1,390
7.	Қирғизистон	858 км	95,275	1,604	6,613,074	1,240
8.	Афғонистон	76 км	59,942	2,631	39,650,573	540
9.	Монголия	4677 км	35,979	110	3,321,888	3,780
10.	Тожикистон	414 км	13,308	90	9,714,124	1,030
11.	Вьетнам	1283 км	2,928	35	98,063,729	2,540
12.	Бутан	470 км	1,074	1	778,638	2,970
13.	Лаос	423 км	757	0	7,362,800	2,570
Жами зарарланиш ва ўлим ҳолатлари			25,778,290	354,401		

№1 жадвал. Хитой билан чегарадош давлатларда COVID-19 талафотлари миқёси. (01.05.2021 й. Тошкент вақти билан соат 05:00 ҳолатига кўра). Манбалар: World Fact Book China, [Worldometers](#), 2019 World Bank [GNI per capita Atlas method](#).

Айниқса ковид ғавғоси ортидан ўз халқаро сиймосининг муҳофазаси учун оғрикли равишда қайғураётган Пекин гўё башариятни коронавирусдан халос этиш учун ер қуррасига юборилган ва бунинг учун Хитойга равона бўлишни орзу қилаётган самарқандлик девона, сохта “пайғамбар”нинг ҳам иддаоларига жавоб беришга фурсат топа олди. Хитой Халқ Республикасининг Тошкентдаги Элчихонаси ўз раддиясида, чунончи “Хитой коронавируснинг ватани эмаслиги, шунчаки илк бор уни аниқлагани, кўплаб илмий тадқиқотлар ковид эпидемия тарқалишидан анча аввал ўзга ўлкаларда пайдо бўлгани ҳамда

¹ The Central Asia Protest Tracker (CAPT). The Oxus Society for Central Asian Affairs. Washington DC 2020 www.oxussociety.org/viz/protest-tracker



унинг келиб чиқиши ҳақида узил-кесил тўхтама келинмаганини” билдириб, чиқиш якунида ҳаммага мустаҳкам сихат-саломатлик тилади.¹

Ўзбекистон 2020 й. февраль ойиданоқ вазиятни чамалаб авваламбор ишни қўшни мамлакатларда таълим олаётган ватандош талабаларни ўз оналари ва оилалари бағрига қайтариш, республика олий ўқув юртларига кўчириш² ва жойлаштириш,³ мамлакат тиббий муассасалари учун тез тиббий ёрдам машиналарининг зудлик билан харид қилиниши билан бошланди. Бу борада Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев “коронавирус пандемияси кўзимизни очди”, деб таъкидлади.⁴

Дунё мамлакатларининг тожсимон вирусга қарши курашиш ва унга барҳам бериш тажрибалари уларнинг шу кундаги соғлиқни сақлаш тизими хатокамчиликлари ва қандай чора-тадбирларни кўришлари лозимлигини кўрсатиб қўйди. Диққатга сазовор жиҳати – зарарланиш даражаси минимал, ўлим ҳолати 35 кишидан кам бўлган Хитойга бевосита чегарадош бўлган Бутан, Лаос ва сал кам 100 миллионлик Вьетнам каби давлатлар ҳам борки, уларнинг превентив тажрибасини ўрганиш нур устига аъло нур ва мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бошқа сўзлар билан айтганда, Хитойга чегарадош 13 мамлакатдаги қурбонлар сони мамлакат ичидаги ўлимлар миқдоридан 76 барабар кўп. Мазкур жадвалга Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорлик қилмаётган ва матбуоти ёпиқ бўлган Шимолий Корея киритилмаган.

Маълумки, 1998-1999 йилларда жаҳон матбуоти таъсирида деярли бутун дунёда “2000 йил муаммоси” номи остида жазава халқаро тус олиб, унга қарши қатор чора-тадбирлар кўрилган эди. Y2K назариясига кўра 2000 й. 1 январдан бошлаб электрон ҳисоблаш машиналарга таяниб иш юритувчи йирик корхоналар, атом электр станциялари, авиакомпаниялар фаолияти гўё йиллар рақами алмашганини чалғитиб қўйиб издан чиқиши башорат қилинган эди. Ушбу тайёргарликларга дунё бўйлаб 308 млрд АҚШ доллари сарфланган.⁵ Хоссатан, АҚШда бошланиб, Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) ва БМТ томонидан қўллаб-қувватланган айюҳаннос Россияда ҳам ҳукумат комиссиясини тузишга,⁶ ўз-ўзидан Россия ахборот

¹ Пресс-секретарь Посольства КНР в РУ. 19.07.2020 <https://t.me/EmbassyofChinaInUzbekistan/602>

² O‘zbekiston talabalarni Vataniga qaytarmoqda. *Janubiy Qozog‘iston* gazetasi. 15.02.2020. www.janubiy.kz/item/3958

³ Qo‘shni davlatlardan o‘qishi ko‘chirilganlarning navbatdagi ro‘yxati e‘lon qilindi. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti – TDIU. 28.04.2020. <http://tsue.uz/?p=12811>

⁴ Shavkat Mirziyoyev: Yuqumli kasalliklar tarqalmasligi uchun ogoh, hushyor, tayyor bo‘lishimiz kerak. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining rasmiy veb-sayti 09.05.2020 <https://president.uz/oz/lists/view/3565>

⁵ Robert Mitchell. Y2K: The Good, the Bad and the Crazy. *Computerworld*. December 28, 2009 www.computerworld.com/article/2522197/y2k--the-good--the-bad--and--the-crazy.html

⁶ Распоряжение Президента Российской Федерации от 17.06.1999 г. № 194-рп О неотложных мерах по решению «Проблемы 2000» в Российской Федерации <http://kremlin.ru/acts/bank/13989> Распоряжение правительства Российской Федерации от 21



мақонидаги постсовет давлатлар, шу жумладан Ўзбекистонда эса 1999 й. 21 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори ҳам қабул қилиниб, халқаро ҳаётдаги ваҳиманинг кучидан маҳаллий самолётларнинг парвози муайян вақтга таъқиқлаб қўйилган эди.¹ Аммо, воқеаларнинг кейинги ривожини у ҳозирги атама билан номлаганда фейк-ньюз – сохта хабар бўлиб чиққан эди. Энди COVID-19 феноменига нисбатан ва у Ҳ2К тақдирини такрорлаши мумкин-мумкин эмаслиги жавобини олий ҳакам вақтнинг ўзи бера олади.

Хулоса. Пандемиянинг яшин тезлигида дунё бўйлаб тарқалиши халқаро муносабатлар тизими ва дипломатиясининг энг янги тарихида ўзига хос бурилиш нуқтасини ясаб замонавий дипломатик муносабатларда янгича тартиб тамойилларни ўрнатилишига тўртки ясаши мумкин. Бир тарафдан бошқарув тизими авторитар ҳисобланган Хитойнинг глобал офатга нисбатан олиб борган мурасасиз сиёсати, инсон ҳуқуқларини устун қўювчи либерал-демократик мамлакатларнинг давлат тузумидан афзалми мазмунидаги баҳсларга ҳам дебоча ясай олди. Жаҳон матбуотида “ниқоб дипломатияси”, “тиб-биёт дипломатияси” атамалари сиёсий-ижтимоий муомалага кириб келди. Чунончи, проф. Алишер Файзуллаев “пандемияга қарши дипломатик жавоб беришда кўп томонлама дипломатия тизими энг заиф бўғин бўлиб чиққани”,² шу боис “дипломатларнинг галдаги асосий мулоқот доиралари дипломатик институт ва жараёнларга нисбатан жамоатчилик ишончини қайта тиклашга йўналтирилган бўлиши даркор”³, деган фикрни илгари сурди.

АСЕАН, БМТ, ЕИ, ИХТ, МДХ, НАТО, ШХТ ва бошқа қатор халқаро ташкилотлар йиғилишлари онлайн тарзга кўчиб бориши ҳукуматлараро муносабатлар башанг тусли шаклдан инсонлар манфаатларига бевосита хизмат қилувчи камхарж ва натижадор мазмун касб этаётган бўлса ажаб эмас.

АҚШ президенти Барак Обама маъмурияти даврида Вашингтоннинг Эрон бўйича асосий музокарачиси, Стэнфорд университети профессори, ҳозирда президент Жозеф Байден томонидан Мудофаа вазирлигининг сиёсий масалалар бўйича муовини лавозимига номзоди кўрсатилган Колин Каль⁴ 2021

января 1999 года N 100-р [О проведении работ по предотвращению негативных последствий компьютерного сбоя при наступлении 2000 года] (с изменениями на 14 ноября 1999 г.) <http://docs.cntd.ru/document/901724613>

¹ O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori “Sanalar o‘zgarganda (2000 yil muammosi) havodagi parvozlarni kompyuter bilan boshqarishda yuz berishi mumkin bo‘lgan uzilishlar oqibatlarining oldini olishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” Toshkent, 21.11.1999 № 534 <https://lex.uz/docs/1592305?otherlang=1>

² Alisher Faizullaev. Blog Post. Diplomacy’s Response to the Coronavirus. The Hague Journal of Diplomacy. May 18, 2020. www.universiteitleiden.nl/hjd/news/2020/blog-post---diplomacys-response-to-the-coronavirus

³ Alisher Faizullaev. Blog Post. Diplomacy’s Response to the Coronavirus (Part II). The Hague Journal of Diplomacy. May 28, 2020. www.universiteitleiden.nl/hjd/news/2020/blog-post---diplomacys-response-to-the-coronavirus-part-ii

⁴ Colin Kahl is Joe Biden’s pick for under secretary of defense for policy by Melissa De Witte on January 5, 2021 <https://news.stanford.edu/thedish/2021/01/05/colin-kahl-is-joe-bidens-pick-for-under-secretary-of-defense-for-policy>



й. август ойида сотувга чиқарилиши режалаштирилган ҳаммуаллифликда ёзган “Тебранишдан сўнг: пандемия сиёсати ва халқаро тартибнинг якуни”¹ номли китобида “заиф давлатлар янада суствлашиши, низо ва оммавий мажбурий кўчиб ўтишларнинг авж олиши, пандемия боис халқаро институт ва иттифокларнинг ички зўриқишнинг ошиши, муносабатлари аллақачон инкирозга учраган АҚШ ва Хитой янги совуқ уруш томон одимлаб кетаётгани, бунга Хитойнинг махфийлик ва халқаро тартибни ўрнатишда масъулиятсиз ёндашуви сабаб бўлаётгани” ҳақида башоратларни илгари сурган.

СИЁСИЙ	ИҚТИСОДИЙ	ИЖТИМОИЙ
Глобал ва минтақавий муаммоларнинг кескинлашиши	Бюджет каммади, иқтисодий таназзул, вакциналар жанги	Касалликларнинг назорат ташқарисидан чиқиб кетиши
Жамоат тартибсизлиги ва фуқаролар ишончсизлигининг ошиши	Сайёҳлик ва ҳаво қатновларининг тўхташи	Санитария-эпидемиологик соҳа ходимлари салоҳияти
Давлатлараро чегаравий низолар	Саноат корхоналари фаолиятининг фалажланиши	Ишсизлик ва аҳоли даромадларининг камайиши
Давлат тўнтаришлари ва инқилоблар	Инфляция ва ташқи қарздорликнинг ошиши	Ўлим, жу жумладан тиббиёт ходимлари ўлимининг ортиши
Юртга қайтиш бўйича кескинлик ва ғалаёнлар	Тиббий техник таъминот ва доридармонлар қимматлиги танқислиги	Суствлашган ижтимоий ҳимоя, эркин ҳаракат чекловлари
Инсон омили билан боғлиқ техноген офатлар	Беқарор ташқи ва ички миграцион ҳолат	Озиқ-овқат хавфсизлиги ва нархларнинг ошиши

№2 жадвал – Ковид боис эҳтимолий чақириқлар – муаллиф тўплами

Шунингдек, К.Каль фикрича, Америка Қўшма Штатлари 70 йилдан бери бунёд қилиб келган халқаро тартибга дарз кетди, дунё ўз оқими бўйича ҳаракатланмоқда. Пандемия инкирози сўнгги ўн йилликлар ичида илк бор Америка етакчилиги ҳақида ном-нишон қолмаган бўҳрон бўлди. Глобал муаммога бир ёқадан бош чиқариб ечим топишга киришилмади, ҳар бир мамлакат ўз аравасини ўзи тортишга интилди хоҳ у тиббий ускуналарни захира қилиш ёхуд чегараларни ёпиш бўлсин. Дунё бўйлаб миллатчилик кучайди, демократия чекинди, аҳолининг ҳукуматга бўлган ишончи сўнди,

¹ Colin Kahl, Thomas Wright. Aftershocks: Pandemic Politics and the End of the Old International Order Hardcover 2021 320 p. <https://www.amazon.com/Aftershocks-Pandemic-Politics-International-Order/dp/1250275741>



глобализация боис вужудга келган нотенгликларга қарши исёнлар содир бўлиши тинмаяпти, минтақавий можаролар ва давлатларнинг ўз таъсир доирасини кучайтиришга бўлган рақобати ортмоқда, халқаро ҳамкорлик эса сўниб бормоқда. Шунга қарамаздан умид учкунлари ўчмаган, оддий инсонлар ўзларининг саховат ва меҳрларини намоиш эта олдилар. Америка ўз мамлакати камчиликларини англаш ва уларни қабул қилишга маҳқум ҳамда ўз юрти ва хорижда катта ўзгаришларни амалга ошириш учун муайян замин ярата олиши мумкин.

2021 йилнинг 3 мартда қабул қилинган президент Жозеф Байден томонидан имзоланган Америка Қўшма Штатларининг жиловлаш сиёсатини эслатувчи ўзига хос Миллий хавфсизлик муваққат стратегиясида айнан Хитой Ҳалқ Республикаси энг кўп маротаба 20 қарра зикр этилган. Унга кўра, жаҳон бўйлаб куч-қудрат тақсимоти ўзгариб бораётгани, бунда чунончи ўта қатъий йўсинда қад ростлаётган Хитой мавжуд барқарор ва очик халқаро тизимга нисбатан изчил чақирик ташлашга иқтисодий, дипломатик, ҳарбий ва технологик салоҳиятли ягона истикболли рақиб сифатида гавдалантирилган. Шунингдек, янги маъмуриятнинг хавфсизлик тизимлари дунёқарашни акс этган Оқ уй ҳужжатида халқаро кун тартибини Пекин эмас, Вашингтон белгилажаги, эндиликда АҚШ Хитойнинг қўшнилари ва тижорий шерикларини тазйиқ ёки номутаносиб хорижий таъсирдан ҳоли мустақил сиёсий танловлар қилишда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишларида қўллаб-қувватлашга аҳд қилганини маълум қилган. Хусусан стратегик ҳужжатда Қўшма Штатлари Хитойга нисбатан амалий, натижага йўналтирилган дипломатияни олиб боражани ҳамда бунда нотўғри англашув ва қусурли ҳисоб-китоб қилиш таваккалчилигини қисқартиражаги баён этилган.¹

Таъкидлаш жоизки, коронавирус дарди ҳаво ҳарорати кўтарилиб, кунлар исиб кетиши билан йўқолади, деган хабар ҳатто расмий доираларда кенг тарқалди. Аммо у ва шу каби баъзи профилактик тадбирлар афсона бўлиб чикди. ЖССТ бу ҳақида аллақачон 2020 йилнинг баҳорида эълон қилган эди.² Шу йўсинда ковид касаллиги нафақат инсониятнинг кундалик турмуш тарзида, бали халқаро муносабатларда ҳам қатор ўзгаришларга туртки ясаб, якин ва ўрта муддатли қатор чақирикларни келтириб чиқаришига сабаб бўлмоқда. (№2 жадвалга қаранг). Ушбу мавзуда тадқиқот олиб борган Фарид Закария ўзининг “Пандемиядан кейинги дунё учун 10 сабоқ” номли янги китобида айнан пандемия жаҳонда йиллар давомида рўй бериши мумкин бўлган сиёсий, ижтимоий, технологик ва иқтисодий жараёнларни жадаллаштириб юборди ҳамда унинг янада оғир асоратлари, чунончи мамлакатлар

¹ Renewing America's Advantages. Interim National Security Strategic Guidance. The White House. March 2021 <https://www.whitehouse.gov/wp-content/uploads/2021/03/NSC-1v2.pdf>

² World Health Organization (WHO). Рекомендации ВОЗ для населения в связи с распространением нового коронавируса (2019-nCoV): мифы и ложные представления www.who.int/ru/emergencies/diseases/novel-coronavirus-2019/advice-for-public/myth-busters



ораси ва ҳамда ичкарасидаги бойлик ва қашшоқлик даражалари ўртасидаги жарлик баттар чуқурлашиши ҳақида башорат қилади.¹

Бу эса уларга биргаликда ечим топиш, тегишли тадорикни кўриш, тўғри маълумот асосида мулоҳазали мақбул қарор қабул қилишни тақозо этади. Ҳар бир ҳукумат ва мамлакат ўзининг ривожланиш муаммолари, гарданидаги ташқи қарз, бюджет камомадлари ҳамда ўз коронавирус билан яккама-якка ва юзма-юз қолганида ҳақиқатга мос, холис ва имкон қадар илмий-назарий асосланган ахборотга таяниб иш кўриши вужудга келган инқироз бўҳронидан тезроқ ва омонроқ чиқишда айна муддао бўлиши табиийдир. Савдо-иқтисодий ва сармоявий нуқтаи назардан Пекин билан, халқаро сиёсий нуфуз жиҳатидан Вашингтон билан яхши муносабатларга эга бўлишлари қутилган Марказий Осиё давлатлари пост-пандемия даври дипломатиясининг ўзига хос томонларини инобатга олишлари мумкин.

САЛАЙДИНОВ БАХТИЁР

тадқиқотчи, ЎДСМИ

Марказий Осиёдаги интеграцион жараёнлар: давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик масалалари

Аннотация. Мақолада Марказий Осиёдаги ҳар бир мамлакатнинг минтақавий ҳамкорликка ёндошувидаги фарқлари ўрганилган. Минтақа давлатлари раҳбарлари илгари сурган ташиббуслар таҳлил қилинган. Минтақа мамлакатлари ташиқи сиёсий концепцияларининг ўзига хосликлари муаллиф томонидан баён қилинган. Марказий Осиё давлатлари ташиқи сиёсатидаги омиллар таҳлил қилинди. Марказий Осиёдаги Ўзбекистонга қўйни бўлган давлатларда юз бераётган эволюцион жараёнларнинг таҳлили орқали минтақада интеграция зарур эканлиги тушунирилган. Минтақавий ҳамкорлик халқаро, сиёсий, иқтисодий ва бошқа муносабатларни барпо этишга мойиллик кучайиб бораётган замонавий оламдаги геосиёсий жараёнлар эволюциясини тушунишга асослангандир. Бундай қараши нисбатан турли хил қадимий маҳаллий ришталар билан ўзаро боғланган бўғиндан иборат бўлган замонавий Марказий Осиёга нисбатан ўта долзарблиги таъкидланган. Минтақа мамлакатлари ривожланиши бевосита қўйинлар билан муносабатларни мустаҳкамлаш, истиқболларни очиб берадиган махсус ҳуқуқий ҳужжат ёки концепцияни ишлаб чиқишга қаратилган айрим омиллар кўриб чиқилган. Халқаро ҳамжамият олдидан минтақа давлатлари раҳбарларининг минтақада халқаро муносабатларнинг янги кичик тизимини яратилиши учун нуфузли халқаро ташиқлотлар ва форумларнинг минбарларидан туриб қилган чиқишлари баён қилинган. Хавфсизлик ва ривожланиши соҳаларида Марказий Осиё давлатларининг йирик минтақавий ва халқаро ташиббуслари алоҳида таъкидланган. Минтақа мамлакатларининг ўзаро чегаралар бўйича муаммоларни ҳал қилишга қаратилган чора-тадбирлари таҳлил қилинган.

¹ Fareed Zakaria. Ten Lessons for a Post-Pandemic World. W. W. Norton & Company 1st ed. 2020 320 pp.



Таянч сўз ва иборалар: Марказий Осиё, минтақа, мамлакат, интеграция, эволюция, концепция, ташиқи сиёсат, минтақавий ҳамкорлик, геосиёсий жараёнлар, форум, халқаро ташиқлот, халқаро муносабатлар, хавфсизлик, энергетика, чегара.

Аннотация. В статье исследуются различия в подходах каждой страны Центральной Азии к региональному сотрудничеству. Были проанализированы инициативы, выдвинутые лидерами стран региона. Автор описывает особенности внешнеполитических концепций стран региона. Проанализированы факторы внешней политики стран Центральной Азии. Необходимость региональной интеграции была объяснена путем анализа эволюционных процессов, происходящих у соседей Узбекистана в Центральной Азии. Региональное сотрудничество основывается на понимании эволюции геополитических процессов в современном мире, где растет тенденция к выстраиванию международных, политических, экономических и иных отношений. Подчеркивается, что такой взгляд чрезвычайно актуален для современной Средней Азии, которая представляет собой звено, связанное между собой относительно разными древними локальными связями. Были рассмотрены некоторые факторы, разработка специального правового документа или концепции, раскрывающей перспективы направленные на усиление развития стран региона напрямую с соседями. Изучены выступления лидеров стран региона с трибун влиятельных международных организаций и форумов по созданию новой системы международных отношений в регионе. Были подчеркнуты основные региональные и международные инициативы государств Центральной Азии в области безопасности и развития. Проанализированы меры, принимаемые странами региона для решения приграничных проблем.

Опорные слова и выражения: Центральная Азия, регион, страна, интеграция, эволюция, концепция, внешняя политика, региональное сотрудничество, геополитические процессы, форум, международная организация, международные отношения, безопасность, энергетика, граница.

Abstract. In the article explores the differences in the approaches of each Central Asian country to regional cooperation. The initiatives put forward by the leaders of the countries of the region were analyzed. The author describes the features of the foreign policy concepts of the countries of the region. The factors of foreign policy of the Central Asian countries are analyzed. The need for regional integration was explained by analyzing the evolutionary processes taking place in Uzbekistan's neighbors in Central Asia. Regional cooperation is based on an understanding of the evolution of geopolitical processes in the modern world, where the tendency to build international, political, economic, and other relations is growing. It is emphasized that such a view is extremely relevant for modern Central Asia, which is a link interconnected by relatively different ancient local ties. Some factors were considered, the development of a special legal document or a concept that reveals prospects aimed at enhancing the development of the countries of the region directly with neighbors. The speeches of the leaders of the countries of the region from the tribunes of influential international organizations and forums on the creation of a new system of international relations in the region have been studied. The main regional and international initiatives of the Central Asian states in the field of security and development were highlighted. Analyzed issues are the measures taken by the countries of the region to solve border problems.

Keywords and expressions: Central Asia, region, country, integration, evolution, concept, foreign policy, regional cooperation, geopolitical processes, forum, international organization, international relations, security, energy, border.



Марказий Осиёдаги давлатлар ўз мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб яхши қўшничилик ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга содиқ эканликларини кўп марта баён қилиб келган. Аммо улар танлаган ривожланиш йўли сезиларли фарқларга эга бўлган ҳамда турли устиворликларга асосланган эди, улардаги сиёсий ислохот жараёнлари ўта ўзига хос шаклларда кечган. Буларга маданий ва тарихий анъаналар, минтақа аҳолисига хос бўлган ҳаётдаги ва дунёқарашдаги ўзига хосликлар сезиларли таъсир ўтказиб келган. Бу бир томондан, минтақавий бирлашиш вужудга келишида ўзаро фарқланувчи парадигмаларни вужудга келтирган бўлса, бошқа томондан ушбу омиллар Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсий манфаатларини белгилашга ёндошувларни аниқлашга ҳам катта таъсир кўрсатди: улар олдида дастлаб ўз миллий манфаатларини шакллантириш, сўнгра эса ўзларининг бевосита қўшнилари билан минтақавий ҳамкорликни ўрнатиш йўллари белгилаш вазифаси турар эди.

Марказий Осиёдаги ҳар бир мамлакатнинг минтақавий ҳамкорликка ёндошувдаги фарқларини мустақил ривожланиш йилларида уларнинг раҳбарлари илгари сурган аниқ ташаббуслар мисолида кузатиш мумкин. Масалан, 1994 йил 29 мартдаги Москва давлат университетидаги ўз нутқида Қозоғистон президенти Н.А. Назарбоев евроосиёча ташаббуслар¹ концепциясини баён қилди. Унда мазкур мамлакат билан боғлиқ ташқи сиёсий концепциянинг ўзига хосликлари ёрқин акс этди. Хусусан, Қозоғистон Россия билан ўта узун чегарага эга, шунингдек туб миллат аҳолининг ярмидан камини ташкил этадиган, шимолий ҳудудларнинг аксарият аҳолиси русий забон бўлган, аралаш этно-миллий таркиб Россия омилини ҳисобга олмасдан минтақавий бирлашувни тўғри йўлга сола олмас эди. Фақат тизимли, изчил ва давомли иш туфайлигина Қозоғистон асосан тилга олинган муаммоларни ҳал эта олди. Бундан ташқари, сиёсий маънода анча хатарли ва иқтисодий қиммат бўлган мамлакатни республика шимолига кўчиришга қарор қилинди. Шу туфайли Қозоғистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳамда шу билан бирга, Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликка ҳозирлик даражасини юксалтиришга муяссар бўлди.

Тожикистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларида ички беқарорликнинг фуқоролар қонли урушига айланган муаммосига дуч келди. Бундай шароитларда мустақилликни сақлаб қолиш ва ислом радикал ҳаракатлар томонидан сиёсий ҳокимиятни эгаллаб олиш хатарининг олдини олиш масаласи биринчи ўринга чиқди. Ушбу мураккаб зиддиятда Марказий Осиёдаги қўшниларнинг кўмаги етарли бўлмай қолди. Душанбе ҳарбий-сиёсий ёрдам сўраб Москвага, кейинроқ эса Пекинга мурожаат қилишига тўғри келди. Шу билан бирга, ички вазият барқарорлашиб, сиёсий-иқтисодий су-

¹ Назарбаев Н.А. (1994). Выступление в Московском государственном университете имени М.В. Ломоносова, 29 марта 1994 года. Доступно на www.akorda.kz



веринет мустаҳкамлашиб борган сари республикага ташқи таъсир кучларининг ортиқча ҳомийлиги малол кела бошлади. Тожикистон турли баҳоналар билан Москва бошқараётган Евроосиё лойиҳасида иштирок этишдан четлашаётгани буни яққол тасдиқламоқда.¹ Бу мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши ва республиканинг мустақил мақомини мустаҳкамлаш учун янги истиқболларни очиб беришга қодир бўлган Марказий Осиё интеграцияси салмоқли муқобил йўналиш эканлигини аниқ ҳаракатларида англаётганлигининг аломатлари янада яққол кўзга ташланмоқда.

Қирғизистон мустақиллигининг дастлабки йиллари мамлакатнинг камгина захиралари устида раҳбарларнинг кураши билан хусусиятланади. Ташқи алоқаларда иқтисодий ёрдам ва молиявий кўмак олиш асосий масала қилиб белгиланди. Ушбу икки омилнинг бирлашуви давлат бошқарув тизимига путур етишига ҳамда мамлакатга сиёсий мақсадга эга бўлган халқаро ноҳукумат ташкилотларининг кириб келишига имкон яратди. Бунинг оқибатида мамлакат сиёсий вазиятга боғлиқ ҳолда “давлат тўнтариши”, “инқилоб”, “рангли инқилоб” деб аталадиган бир қатор силкинишларни бошидан кечирди. Қирғизистоннинг бугунги раҳбарлари ушбу мураккаб, баъзан ҳалокатли ички сиёсий ҳолатлардан тегишли хулоса чиқариб олса керак деб фараз қилинмоқда. Бундай хулосалар хусусан, барқарор давлатчиликни яратиш заруратини англашда намоён бўлади. Иккинчи ҳолат ташқи марказларга назоратсиз очқлик давлат суверинитетига путур етишига тушунишнинг чуқурлашувида намоён бўлади². Қирғизистоннинг ташқи сиёсий устиворликлари ривожланишида ўз аксини топаётган ушбу ва бошқа омиллар захиралар тақчиллигини қоплаш учун кўшни давлатлар билан минтақавий бирлашув ролини юксалиб бораётганлигида намоён бўлмоқда. Айнан мана шундай бирлашув салбий ташқи таъсирдан ҳимоя бўлиб хизмат қилиши ва ички барқарорликка имкон яратиши мумкинлиги кундан кунга яққол кўринмоқда. Республиканинг чегара худудларидаги вазият юксак аҳамиятга эгалигидан келиб чиқилмайдиган бўлса, ички барқарорлик ўта муҳимдир.

Туркменистоннинг давлат мустақиллиги ва ривожланишининг ўтмишига кўз ташланадиган бўлса, унинг Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик масалалари борасида алоҳида ёндошувга эгаллигини илғаш мумкин. СССР тарқалганидан сўнг дастлабки йилларда қачонлардир ягона бўлган давлатнинг уюшган алоқаларининг издан чиқишидан юзага келган иқтисодий инқироз бу мамлакатни четлаб ўтгандек бўлиб туюлган эди. Унча кўп бўлмаган аҳолига, бозори чаққон хом ашёнинг улкан захираларига эга бўлган Туркменистонга

¹ Речь Э. Рахмона на заседании Национального Совета по развитию при Президенте Республики Таджикистан (21.06.2016) // URL: <http://president.tj/ru/node/12210>

² Н.М. Наматбекова. Проблема суверенитета государства в условиях нового миропорядка (на примере Кыргызской Республики). Евразийское пространство: интеграционные процессы и региональный опыт управления. Bulletin of the volga region Institute of Administration 2018. Vol. 18. № 3





метрополиядан қутилиш нур устига нур бўлди. Собик марказнинг воситачилигисиз ўзининг тез кетадиган хом ашёси билан жаҳон бозорига чиқиш имконияти туфайли мамлакат ўзининг барқарор валютадаги даромадларини кўтара бошлади, унинг олдида жаҳон молиявий институтларининг эшиклари очилди. Республикадаги саноатлашувнинг чекланган кўламларига қарамасдан Туркменистон учун афзаллик тарафлари кўп бўлди. Катта ҳаражат талаб қилувчи қолақ технологияга эга бўлган шўро саноатининг истиқболи йўқ эди. Туркменистон буларни шунчаки ёпиб қўя қолди, улардаги кўп сонли бўлмаган ходимлар эса мустақил давлат яратаётган инфратузилма тармоғида ўзига жой топди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидаги нисбий барқарорлик ва фаровонлик давлатни модернизациялашга бўлган интилишларни йўққа чиқарди. Мавжуд статус-квони сақлаб қолишга интилишнинг яширин истаги чекланишнинг ўта кескин шакллари вужудга келтирди. Мамлакат ички ҳаётида бу санъатларнинг айрим кўринишларини таъқиқлашда, ойлар ва ҳафта кунларини қайта номлашда намоён бўлди. Ташқи сиёсатда бу давлатнинг бетараф мақомга эга эканлигини баён қилишда кўзга ташланди.

Аммо ривожланишнинг сўнгги йиллари Туркменистон раҳбарияти томонидан глобаллашувнинг жадал чуқурлашиб бораётган жараёнлари ахборот-коммуникация технологияларидаги инқилобий ўзгаришлар билан биргаликда “бетарафлик” тушунчасининг ўзи мавжудлик ҳуқуқига эга эмаслигини кўрсатмоқда. Булар чекланган жамиятларнинг тирик қолишига имкон бермайди. Шунга боғлиқ ҳолда мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида мамлакатни ўз-ўзини чеклашдан аста секин чиқариш борасидаги эҳтиёткорона ўзгаришлар бошланди. Хусусан, иқтисодий фаолиятни ошириш учун бозор механизмларини яратиш бўйича чора-тадбирлар¹, аҳоли учун бепул ва имтиёзли хизматларнинг бекор қилиниши бундан далолат бермоқда. Ушбу ўзгаришлар ташқи сиёсий йўналишга ҳам албатта тегиб ўтиши ўз-ўзидан тушунарлидир. Эҳтиёткорона ва босқичма-босқич ўзгаришлар борасида қабул қилинган стратегия ташқи сиёсий ислохотларнинг йўналишларидан бири, минтақадаги қўшнилар билан муносабатларни жадаллаштириш бўлиши мумкинлигини башорат қилишга имкон беради.

Мамлакатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 8 сентябрдаги илк дастурий нутқидаги қисқа шарҳи асосида, Ўзбекистоннинг янги шароитларда Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорлик ғояларининг ривожига борасидаги фикрлари ва буларни жорий этиш билан боғлиқ аниқ ташаббусларининг эълон қилиниши чуқур англаган қонуниятли қадам бўлди дейиш мумкин². Маълумки, “Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолиятидаги асосий устиворлик мамлакатимизнинг миллий манфаатларига боғлиқ бўлган Марказий Осиё

¹ Программа Президента Туркменистана по социально-экономическому развитию страны на 2019-2025 годы, февраль 2019 год. <http://www.turkmenistan.gov.tm/?id=18060>

² Выступление премьер-министра Шавката Миромоновича Мирзиёева на совместном заседании Законодательной палаты и Сената. <https://www.gazeta.uz/ru/2016/09/09/speech/>



минтақасидир. Биз энг яқин қўшниларимиз – Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистонга нисбатан очик, хайрихоҳ ва прагматик сиёсат ўтказишга оғишмай содиқ қоламиз” деб баён қилинган эди. Албатта бу баёнот Марказий Осиёдаги Ўзбекистонга қўшни бўлган давлатларда юз бераётган эволюцион жараёнларнинг чуқур таҳлили ҳамда ушбу ташаббуснинг айнан вазиятдан келиб чиқиб зарур эканлигини тушунган ҳолда берилган эди.

Мазкур баёнотда муваффақиятли ташқи сиёсат айнан қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ва ўзаро ҳурматга асосланган ҳамкорликни ўрнатишдан бошланишига ишонч яққол сезилиб туради. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бу ёндошув халқаро, сиёсий, иқтисодий ва бошқа муносабатларни минтақавий тамойил бўйича барпо этишга мойиллик яққол кучайиб бораётган замонавий оламдаги геосиёсий жараёнлар эволюциясини назорат қилишга асослангандир. Бундай қараш нисбатан турли хил қадимий маҳаллий ришталар билан ўзаро боғланган бўғиндан иборат бўлган замонавий Марказий Осиёга нисбатан ўта долзарбдир. Бошқа томондан, бу ерда Россия, АҚШ, Хитой ва Евроиттифоқ сингари йирик халқаро иштирокчиларнинг, шунингдек, қитъада жойлашган Ҳиндистон, Покистон, Туркия, Эрон, Япония, Жанубий Корея ва араб оламидаги айрим давлатларнинг бири-биридан фарқланувчи ҳамда кенгайиб боровчи кўп босқичли геосиёсий манфаатлари кесишади. Шу тарзда субминтақа бўлган Марказий Осиё ушбу минтақада ҳар бири ўзининг имкониятидан келиб чиқиб сиёсий ва иқтисодий воситаларни ишга солган ҳолда ўз манфаатларини илгари сурадиган давлатларнинг жиддий геосиёсий диққат марказида турибди.

Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, собиқ Шўролар Иттифоқи таназзулга юз тутганидан сўнг Марказий Осиё минтақасига халқаро қизиқишнинг кескин ошиши бу ерда шаклланган янги мустақил давлатларнинг жаҳоннинг етакчи мамлакатлари билан бевосита муносабатлари шаклланишига ҳолис имкон яратди. Мазкур йўналишда эришилган муваффақиятлар аҳамиятини камайтирмаган ҳолда минтақадаги ҳар бир мамлакатга халқаро кучларнинг кесишувчи манфаатларидан келиб чиқувчи ташқи омилларнинг таъсири юқориликча қолмоқда. Ундан ташқари бундай ҳолат таъсири Марказий Осиё минтақасининг ҳам алоҳида, ҳам барча мамлакатларига тарқаладиган минтақавий аҳамиятга эга, вақти-вақти билан юзага келадиган тартибсизликлар сабабига айланмоқда¹.

Шу билан бирга, Марказий Осиёда халқаро муносабатларнинг барқарор минтақавий кичик тизими пайдо бўлаётганлиги тобора ойдинлашиб бормоқда. Бунинг халқаро ҳамжамият билан минтақа мамлакатларининг муносабатлардаги барқарорликни таъминлашдан ташқари афзалликлари бошқа соҳаларда ҳам, шу жумладан, Марказий Осиёдаги ҳарбий-сиёсий хавфсиз-

¹ Хантингтон С. Третья волна: демократизация в конце XX века / пер. с англ. Л.Ю. Пантиной. М., 2003. С. 123.



ликни мустаҳкамлаш ва унда жойлашган мамлакатларнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишига йўналтирилган саъй-ҳаракатларда намоён бўлади. Бунга ўхшаш тизимчанинг йўқлиги халқаро ҳамжамият назарида Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсатида тизимли ёндошувдан кўра қисқа муддатли ва бир лаҳзали муносабатлар устивордек қилиб кўрсатади. Минтақавий тизимчалар шаклланишининг тарихий тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Марказий Осиё давлатларининг ўзаро алоқаларини бирлаштириш халқаро майдонда уларнинг нуфузини кўтарибгина қолмасдан, эҳтимолий салбий ташқи омиллардан сезиларли тарзда чеклайди, минтақа давлатларининг бирлашув алоқалари ривожланишидан манфаатдор бўлмаган ташқи кучларнинг ҳаракатланиш майдонини торайтиради, шунингдек буларга эндиликда халқаро тизимнинг таркибий қисми сифатида янги уфқлар ва имкониятлар очиб беради, деб таъкидлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг қарашларига кўра,– мамлакат ривожланишини бевосита қўшнилар билан муносабатларни мустаҳкамлаш, истиқболларни очиб берадиган махсус ҳуқуқий ҳужжат ёки концепцияни ишлаб чиқиш асосий қадам бўлиши лозим. Бир қарашда ташқи сиёсий вазифаларни ички ривожланиш устиворликларига боғлашга интилишнинг парадоксал бўлиб кўринадиган мазкур масаласи стратегик истиқболда ўзининг ўта муҳим аҳамиятини сақлаб қолади. Ушбу фаразнинг тўғрилигидан дарак берувчи айрим омилларни кўриб чиқамиз.

Маълумки, Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги мамлакатлар билан алоқалари ўта кенглиги билан ажралиб туради, бу алоқалар инфратузилмадаги алоқалардан тортиб, қариндош-уруғлик алоқаларига бўлган кўринишда чамбарчас боғланиб кетгандир. Марказий Осиёдаги барча давлатлар учун мустасносиз бўлган ўзига хос этно-диний шароитларда фақат биргина давлатлараро муносабат бу ердаги мамлакатларнинг аниқ ўзаро яқинлашувини кафолатлай олмайди. Бу ерда ментал омилни ва барча аҳолининг ташаббусларини кўшиб олиб бориш муҳимдир. Ушбу воқеликни муносиб англаш 2017 йил февралида президентимизнинг ташаббусига кўра қабул қилинган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси"да¹ ўз аксини топди. Мазкур ҳужжатнинг ташқи сиёсатга бағишланган қисмида Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши кўшничиликнинг ўзига хос тасмасини яратиш вазифаси қўйилган. Барча усуллар, энг аввало, давлат чегараларини қайта аниқлаш ва қайта белгилаш масалаларини йўлга солиш борасидаги саъй-ҳаракатларни жадаллаштириш бунини барпо этиш механизми сифатида кўриб чиқилмоқда.

¹ Президент Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлади. <https://www.gazeta.uz/ru/2017/02/07/strategy>



Мазкур ҳужжат давлат институтлари ва жамоатчиликни Марказий Осиё мамлакатлари билан яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга йўналтирган ҳолда Ўзбекистоннинг янги минтақавий ташқи сиёсий йўлига қўшнилар ишончини юксалтирувчи ишончли далил бўлиб хизмат қилади. Ушбу Стратегия шунингдек, минтақалараро ва чегара яқинидаги ҳамкорликни кенгайтиришга йўналтирилган янги ташаббусларни жорий этишнинг амалий имкониятларини яратади. Бундай кўрсатманинг мавжудлиги ўз чегараларига яқин ҳамкорлар билан бевосита муносабатлар ўрнатиш ваколатларини вилоят тузилмаларига тақдим этиш учун ҳуқуқий имкониятлар очиб беради. Бундай мулоқот шакллари уюшувчи томонларнинг ўзлари белгилаши мумкин, бу эса мулоқотларни янада самаралироқ, томонларнинг мавжуд эҳтиёжларига мос келадиган тарзда ўтказишга кўмаклашади. Чегара олди ҳудудлари маъмуриятлари томонидан пайдо бўлаётган масалаларга тезкор муносабат билдириши икки томонлама муносабатлар муҳитини яхшилаш учун улкан аҳамиятга эга. Бу мунозарали вазиятлар юзага келганда, хусусан, чегарани ноқонуний кесиб ўтиш билан боғлиқ баҳсларда “эҳтирослар” алангаланишига йўл қўймайди. Бошқа томондан, мунтазам бевосита мулоқотлар турли соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун илгари фойдаланилмаган янги заҳираларни очиб беради.

Халқаро ҳамжамият олдида бундай мақсадларни расмий баён қилиш алоҳида олинган минтақада халқаро муносабатларнинг янги кичик тизимини яратиш учун навбатдаги фундаментал шартдир. Бунинг учун одатда нуфузли халқаро ташкилотлар ва форумларнинг минбарларидан фойдаланилади. Бундай мақсадлар икки томонлама ва кўп томонлама халқаро мулоқотлар жараёнида ҳам изчил илгари сурилади. Президентимизнинг 2017 йил 19 сентябрда БМТ минбаридаги биринчи нутқида марказий ўринлардан бири Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликни асослашга ажратилгани бежиз эмас¹. Унда Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги асосий устиворлик бугунги кунда Марказий Осиё ҳудуди эканлиги аниқ баён қилинган эди. Ўзбекистон раҳбари бундай танловни Марказий Осиёнинг қоқ марказида турган Ўзбекистон бу ҳудуд осойишталик, барқарор ривожланиш ва яхши қўшничилик маконига айланишидан бевосита манфаатдор эканлиги билан асослаб берди. Шунингдек, “Тинч ва иқтисодий фаровон Ўзбекистон бизнинг энг муҳим мақсадимиз ва асосий вазифамиз, Ўзбекистон мулоқот ўрнатиш, асосли ўзаро ҳаракат қилиш ҳамда яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга қатъий бел боғлаган”лиги алоҳида таъкидланди. Шуниси муҳимки, Ўзбекистон барча масалалар бўйича Марказий Осиё мамлакатлари билан оқилона ён беришларда мослашувчан бўлишга ҳозир эканлигини баён қилмоқда.

¹ Президент Ўзбекистана ШавкатМирзиёев выступил на 72-й сессии Генеральной Ассамблеи ООН. <http://uza.uz/ru/politics/prezident-uzbekistana-shavkat-mirziyeev-vystupil-na-72-y-ses-20-09-2017>



Маълумки, мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорлик бўйича Марказий Осиё давлатларининг саъй-ҳаракатларини қўллаб қувватлаш борасида Бош Ассамблеянинг Марказий Осиё бўйича махсус резолюциясини ишлаб чиқиш учун БМТ ҳомийлигида юксак даражадаги халқаро конференцияни Самарқандда ўтказишни таклиф этган эди. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли сўнгги йилларда сиёсий ишонч сезиларли даражада юксалди. Қўллаб масалалар бўйича буткул янги ечимларни топишга муяссар бўлинди, шу жумладан, 2017 йилнинг ноябрида бўлиб ўтган юксак даражадаги Самарқанд анжумани яқунларига қўра, Марказий Осиёдаги қўшни мамлакатлар махсус резолюция қабул қилинишини биргаликда ёқлаб чиқдилар¹. Бу резолюция тўғрисида сўз юритилганда, 2018 йилнинг 22 июнида БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, осойишталикни ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюцияси назарда тутилади². Маълумки, лойиҳаси Ўзбекистон томонидан Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан биргаликда ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат БМТнинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланган. Шуниси ҳам эътиборга лойиқки, Европа, Шимолий ва Жанубий Американинг, Осиё ва Африкадаги 55 мамлакат, шу жумладан, Австралия, Австрия, Афғонистон, Беларусь, Германия, Италия, Ҳиндистон, Индонезия, Канада, Нигерия, Норвегия, БАА, Корея Республикаси, Сингапур, Туркия, Швейцария, Эквадор сингари бошқа бир қатор давлатлар юқоридаги резолюциянинг ҳаммуаллифларига айланди³.

Барқарор минтақавий кичик тизимнинг мавжудлиги ғояси мазкур ҳужжатни ишлаб чиқиш борасида маслаҳатлар ўтказиш чоғида яна бир бор намоиш этилди. Ушбу жараёнда Марказий Осиёдаги барча ҳамкор етакчи давлатлар, шу жумладан Россия, ХХР, АҚШ ва ЕИ фаол иштирок этди. Резолюцияда тинчлик, осойишталик ва минтақадаги барқарор ривожланишни таъминлашда, шунингдек минтақавий ва халқаро ҳамкорликни рағбатлантиришда Марказий Осиё мамлакатларининг муҳим роли эътироф этилган.

Хавфсизлик ва ривожланиш соҳаларида Марказий Осиё давлатларининг йирик минтақавий ва халқаро ташаббуслари алоҳида таъкидланган. Ҳужжатда Марказий Осиёдаги мамлакатларнинг барқарорликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий ҳамкорликка йўналтирилган саъй ҳаракатлари ва ташаббусларини Бош Ассамблеяси томонидан қўллаб-қувватланиш тўғрисидаги банд мавжуд.

¹ Международная конференция по безопасности и развитию в Самарканде. <https://unrcca.unmissions.org/ru>

² Генеральная Ассамблея ООН приняла резолюцию по развитию Центральной Азии. <https://www.ictsd.org/bridges-news>

³ Заявление министерства иностранных дел Узбекистана в связи с принятием резолюции Генеральной ассамблеи ООН «укрепление регионального и международного сотрудничества по обеспечению мира, стабильности и устойчивого развития в центральноазиатском регионе». <https://mfa.uz/ru/press/statements/2018/06/15220/?print=Y>





Марказий Осиё давлатлари ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича махсус резолюция қабул қилиниши муҳим ҳодисадир. Бу энг аввало, жаҳон глобал алоқаларнинг таркибий қисми сифатида минтақанинг ўрни ва аҳамиятини англашда халқаро ҳамжамият фикрининг ўзгарганлигидан далолат бермоқда, бу эса янада барқарор тусга кириб бораётган халқаро муносабатларнинг янги кичик тизими шаклланганлигининг яна бир исботи бўлиб хизмат қилади. Мазкур ҳолат геостратегика ёндошувларни шакллантиришда халқаро муносабатларнинг ушбу бўғинини ҳисобга олиш томон мойиллик ортишига имкон яратади.

Минтақа давлатлари раҳбарларининг мунтазам маслаҳат кенгашларини ўтказиб туриш учун шароитлар яратиш Ўзбекистон раҳбарининг фикрига кўра, МО давлатлари ҳамкорлигининг изчил ҳаракатини таъминлашнинг муқаррар шартидир. Маслаҳат учрашувлари шакли минтақадаги бирлашув учун ҳаракатнинг олдинги тажрибасини эътиборга олган чуқур, пухта ўйланган таклифдир.

Минтақадаги бирлашув жараёнлари ва тузилмаларига МО мамлакатларининг ташқи сиёсий ёндошувларини бу мамлакатларнинг раҳбарлари томонидан учинчи кучлар аралашувисиз муҳокама қилиниши жамоавий муносабатларнинг яратилаётган механизмга бузғунчи ташқи таъсир унсурларини заифлаштиришга имкон яратади.

2018 йил 15 мартда Остона шаҳрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди¹. Олий даражадаги учрашувда минтақа мамлакатлари ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш, террорчилик, экстремизм, гиёҳвандлик моддалари ва қурол олиб кирилиши, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди. Томонлар Марказий Осиё нафақат географик ва геосиёсий, балки ягона маданий-тамаддунли макон эканлигини ҳам бир овоздан тасдиқладилар. Шундан келиб чиққан ҳолда, кўшни ҳудудлар даражасида ҳамкорликни ривожлантириш учун объектив шароитлар пайдо бўлади, бу Марказий Осиёнинг барқарор ривожланишини таъминлаш билан бир қаторда, тегишли ҳудудларнинг ҳам саноат, инвестиция ва интеллектуал салоҳиятини тўла ҳаракатга келтиришга имкон беради. Давлат раҳбарлари МДХ, ШХТ, ИХТ доираларидаги ўзаро ҳаракатни янада мустаҳкамлаш заруратини ангалаётганлари эътиборга моликдир.

МО мамлакатларининг келишилган ташқи сиёсати уларнинг минтақавий халқаро ташкилотларга муносабат бўйича ёндошувларини яқинлаштиришдан, сўнгра эса халқаро майдонда ўз доирасига ўзаро ҳаракатнинг янги йўналишларини жалб қилишни бошлашлари мантиққа тўғри келади. Бу билан минтақавий кичик тизимнинг ўз глобал таркибий қисмига нисбатан

¹ Первая консультативная встреча глав государств Центральной Азии. <http://uza.uz/ru/politics/pervaya-konsultativnaya-vstrecha-glav-gosudarstv-tsentralnoy-15-03-2018>



